1) رأى أحمد تيارات من الناس ما بين معمم ومقبع ومطربش. 2) شكر محمد البواب وانطلق إلى الممر مغمما : "ثاني عطفة إلى اليمين". 3) تم بناء متحف الإرميتاج من قبل المهندس المعماري المشهور راسترلى. 4) أما التراث القديم فتستطيع أن تقوم علي ترجمته هيئات ثقافية أخرى. 5) كثيرا ما كنت أوصد شمار بنطلوني خارج غرفتي مهرولا حتى لا يفوتني الباص. 6) هرع محمود إلى غرفته ... سحب شهادة الماجستير في العلوم السياسية من جيب معطفه وعاد مزوبعا نحو الضابط الساخط. 7) نسيناهم جميعا وهاهم يعودون من

جديد يلتحمون ويندغمون في وجه واحد ... في وجه أمير الساحر الحزين الغاضب المبلبل والواثق. (8) هم تحملوا أنفسهم أعباء النضال اليومي المبرمج. (9) يحلق الطائر في السماء وظله يجري على الأرض مرفرفاً كالطائر. (10) تصفر العواصف وتتسارع مللعة من أعالي الجبال نحو المنخفضات. (11) تمايلت حول قلبي عاطفة جديدة بهدوء وهذا الهدوء يشابه رفرقة الروح على وجه المريض. (12) بعد هنيهة ظهر رجل بأثواب مزركشة وشارب معقوف الطرفين فسلم منحنيًا. (13) مدت سلمي يدها ولمست يد والدها فوجدتها باردة كالثلج فرفعت رأسها ونظرت إليه فرأت وجهه مرقعا بنقاب الموت. (14) مضت شهور الانتظار وترقبت الأم خلالها الخلاص مثلما يترقب المسافر طلوع كوكب الصباح ونظرت إلى المستقبل من وراء دموعها فرأته مشعثها.

570-ماشқ. 569 - машқдаги сифатдош ва масдарлардан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Эрталаб кўчада ишларига шошилаётган хизматчиларни, университетга шошилаётган талабаларни, мактабларига шошилаётган ўқувчиларни учратишингиз мумкин. 2. Илмий асарларни таржима қилиш бадиий асар таржимасидан кўра қийинроқ ва масъулиятлироқдир. 3. Мисрда тарбуш кийган одамлар ўтган асрда ва асримизнинг бошларида кўп эди, ҳозир эса бирорта тарбуш кийган одамни кўчада кўрмайсиз (мз.). 4. Синглим мана бу арабча ашула матнини ёктириб қолди ва уни ёдлаш мақсадида бир неча марта ғўлдираб такрорлади. 5. Чақалоқ туни билан безовтаданиб ухламай чиқди. 6. Самолётнинг узокдан гумбурлаган овози шаҳримизга азиз меҳмонларнинг етиб келганлиги ҳақида бизга хабар берди. 7. Зарҳал миллий кийимлар кийган қизлар сахнада пайдо бўлишганида, зални гулдурос қарсақлар босиб кетди. 8. Факультетимизда

ўқув ва тарбиявий ишларнинг барчаси олдиндан программалаштирилган режалар асосида олиб борилмоқда. 9. Мустақил Ўзбекистонимиз байроғининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида ҳилпираб туриши дилларимизда фахр ва ғурур хиссини уйғотади. 10. Ҳозирги болаларимизнинг келажаги порлоқ ва мунаввар бўлиши керак.

571-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, ўзбекчага ўғиринг ва яна бир талаба иштирокида ижро этинг, ижрода сўзларнинг талаффузига, нутқдаги интонацияга эътибор беринг:

نبيلة: صباح الخير، أنا طالبة من دمشق.

فريدة: صباح النور أهلا وسهلا بك.

نبيلة: هل أنت طالبة؟

فريدة: نعم، أنا طالبة بالجامعة. اسمي فريدة، وأنت ما اسمك؟

نبيلة: اسمي نبيلة.

فريدة: هل شاهدت تمثال توت عنج آمون في المتحف؟

نبيلة: نعم، شاهدته، هو جميل جدا.

فريدة: توت عنج آمون ذهب إلى متاحف كثيرة في لندن وباريس ونيويورك وطوكيو.

نبيلة: ومتى يذهب إلى دمشق؟

فريدة: لا نعرف.

نبيلة: توت عنج آمون يحب السفر ولكن إلى الأماكن البعيدة.

فريدة: وماذا نفعل اليوم يا نبيلة؟

نبيلة: عندي فكرة. نذهب إلى شاطئ النيل.

فريدة: ماذا نشاهد هناك؟

نبيلة: نشاهد النيل وفيه قوارب جميلة.

فريدة: معي آلة التصوير وفيها فيلم ملون.

نبيلة: نأخذ بعض الصور هناك وبعد ذلك نذهب إلى الأهرام.

فريدة: هل تحبين أن تركبي الجمل؟

نبيلة: نعم.

فريدة: أصورك وأنت فوق الجمل.

نبيلة: عال، عال.

572-машиқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Шавқий: Ўзбекистонда Олмалиқ исмли шаҳар бор экан. Шу шаҳар тўғрисида менга маълумот берсангиз.

Тўлқин: Ҳа, республикамизда шундай шаҳар бор. У янги қурилган шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Шавқий: У ҳозир қандай шаҳарга айланган?

Тўлқин: У ҳозир мамлакатимизнинг катта саноат шаҳрига айланган. У ерда рангли металллар жуда кўп.

Шавқий: Олмалиқ яқинида тоғлар бор экан. Ундан қандай металллар қазиб олинади?

Тўлқин: Олмалиқ яқинидаги тоғлардан мис, рух, қўрғошин ва бошқа металллар қазиб олинади.

Шавқий: Шаҳарда қандай корхоналар бор?

Тўлқин: Шаҳарда бир қанча саноат корхоналари мавжуд. Катта электр станцияси, оҳак, цемент заводлари, автомобилларни ремонт қилиш заводи, дурадгорлик фабрикалари ишлаб турибди.

Шавқий: Олмалиқда қандай маданий муассасалар мавжуд?

Тўлқин: Олмалиқ шахрида жуда кўп клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар, маданият саройлари халққа хизмат қилмоқда. У ердаги мактаблар шаҳар аҳолиси фарзандлари учун илм олиш маскани ҳисобланади.

Шавқий: Қимматли маълумотларингиз учун ташаккур. Раҳмат.

§ 146. II БОБ ФЕЪЛИ

II боб феълининг ўтган замони I боб феъли олдига **ت** префиксини қўйиш билан ҳосил қилинади. У шахс-сонда қуйидагича гусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	تَفَعَّلَ	تَفَعَّلَا	تَفَعَّلُوا
	МН	تَفَعَّلْت	تَفَعَّلْتَا	تَفَعَّلْنَا
II	МЗ	تَفَعَّلْت	تَفَعَّلْتُمَا	تَفَعَّلْتُمْ
	МН	تَفَعَّلْت	تَفَعَّلْتُمَا	تَفَعَّلْتُنَّ
I	МЗ	تَفَعَّلْتُ		تَفَعَّلْنَا
	МН			

Масалан:

تَبَّرَهْن – исбот бўлмоқ феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	تَبَّرَهْن	تَبَّرَهْنَا	تَبَّرَهْنُوا
	МН	تَبَّرَهْنْت	تَبَّرَهْنْتَا	تَبَّرَهْنْنَا
II	МЗ	تَبَّرَهْنْت	تَبَّرَهْنْتُمَا	تَبَّرَهْنْتُمْ
	МН	تَبَّرَهْنْت	تَبَّرَهْنْتُمَا	تَبَّرَهْنْتُنَّ
I	МЗ	تَبَّرَهْنْتُ		تَبَّرَهْنْنَا
	МН			

II боб феъли I боб феъли билдирган иш-ҳаракатнинг ўзлик-мажҳул маъноларини билдиради. Масалан:

أَمَرَكَ – америкалаштирмоқ → تَأْمَرَكَ – америкалашмоқ,

بَرَّهَنَ – исбот қилмоқ → تَبَّرَّهَنَ – исбот бўлмоқ,

زَلَزَلَ – силкимоқ → تَزَلَزَلَ – силкинмоқ.

Шу сабабли II боб феълининг мажҳул нисбат шакли ҳозирги араб тилида амалда ишлатилмайди.

II боб феълининг ҳозирги-келаси замони қуйидаги вазнда тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَتَفَعَّلُ	يَتَفَعَّلَانِ	يَتَفَعَّلُونَ
	МН	تَتَفَعَّلُ	تَتَفَعَّلَانِ	يَتَفَعَّلْنَ
II	МЗ	تَتَفَعَّلُ	تَتَفَعَّلَانِ	تَتَفَعَّلُونَ
	МН	تَتَفَعَّلِينَ	تَتَفَعَّلَانِ	تَتَفَعَّلْنَ
I	МЗ МН	أَتَفَعَّلُ	“	تَتَفَعَّلُ

II боб феълининг шарт майли ҳам юкоридаги боблар шарт майли билан бир хил кўшимчаларга эга.

II боб феълининг II шахс буйрук майли қуйидагича ҳосил бўлади: تَتَفَعَّلُ → تَتَفَعَّلُ → تَفَعَّلُ .

Бу вазн сон ва жинсда қуйидагича тусланади:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	تَفَعَّلُ	تَفَعَّلَا	تَفَعَّلُوا
МН	تَفَعَّلِي	تَفَعَّلَا	تَفَعَّلْنَ

II боб феълининг истак майли ҳам юқоридаги феъллар истак майли ҳосил бўлган услуб билан ҳосил бўлади.

II боб феълининг масдари **تَفَعَّلَ** шаклида ҳосил бўлади. Масалан:

تَبْرَهْنَ – исбот бўлмоқ → تَبْرَهْنَ – исбот бўлиш,

تَزَلَّزَلْ – силкинмоқ → تَزَلَّزَلْ – силкиниш.

II боб феълининг аниқ нисбат сифатдоши **مُتَفَعَّلٌ** дир. Масалан:

تَبْرَهْنَ – исбот бўлмоқ → مُتَبْرَهِنَةٌ, مُتَبْرَهِنٌ – исбот бўлган,

تَزَلَّزَلْ – силкинмоқ → مُتَزَلِّزَةٌ, مُتَزَلِّزٌ – силкинган.

II боб феълининг мажҳул нисбат сифатдоши амалда ишлатилмайди, лекин у иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни ёки пайтини ифодаловчи форма сифатида ишлатилиши мумкин; у **مُتَفَعَّلٌ** вазнида бўлади:

تَبْرَهْنَ – исбот бўлмоқ → مُتَبْرَهِنَةٌ, مُتَبْرَهِنٌ – исбот бўлиш ўрни ёки пайти.

§ 147. III ВА IV БОБ ДАГИ ТЎРТ ЎЗАК УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАР

Тўрт ўзак ундошли феълларнинг III ва IV боблари ҳозирги араб тилида истеъмолдан чиқиб кетган. Лекин тарихий ёдномаларда учраб қолиши мумкин:

Боблар	Ўтган замон	Ҳоз.-кел. замон	Мисоллар
III IV	أَفْعَلَلْ	يَفْعَلِلُ	أَبْرَأَشَقَّ хурсанд бўлмоқ
	أَفْعَلَلْ	يَفْعَلِلُ	أَضْمَحَلَّ йўқолмоқ

Бу боб феълларининг шарт, буйрук, истак майлларини юқоридаги боб майлларига киёслаган ҳолда аниқлаб олиш мумкин.

Амалий машғулот учун топшириқлар

573-машқ. Қуйидаги ўзаклардан II, III, IV боб феъллари ҳосил қилинг, уларни ўтган ва ҳозирги - келаси замонда тусланг:

1) ل ج ل ج 2) ل ع ث م 3) ق ش ع ر 4) ك ف ه ر 5) ب ر ق ع
6) م ل م ل 7) د ح ر ج 8) ف ر ق ع 9) ط م ء ن

574-машқ. Қуйидаги феъллардан масдар ҳамда аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлари ҳосил қилинг, мазмунини аниқланг:

1) تَدَخَّرَجَ 2) تَرَخَّلَقَ 3) تَنَحَّحَ 4) اَطْمَأَنَّ 5) تَلَجَّلَجَ
6) أَقْشَعَرُ 7) اَضْمَحَلَّ 8) تَرَفَّرَقَ 9) تَبَرَّعَ 10) اكْفَهَّرَ

575-машқ. Қуйидаги масдар ва сифатдошларнинг феълини топинг:

تَرَخَّلَقَ - сирғалиш; مُطْمَئِنٌّ - хотиржам; مُنْدَخَّرَجَ - ғилдираган;
تَلَجَّلَجَ - дудукланиш; تَضَعَّعَ - бўшашиш; مُقْشَعِرٌ - қалтирок;
مُتَمَلِّمٌ - довдираб турган; مُتَكَهَّرَبٌ - электрлашган.

576-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан тўрт ундошли феълларни топинг, уларнинг бобини аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) في الشتاء أسافر بالقطار إلى ضاحية من ضواحي المدينة وأترحل هناك علي الجليد.
2) لم تفهم أم محمود ما يقول، ظنته يهذي، تلعثمت قليلا وسألته في ريبة: ... 3) يتنحح

بعض الخبثاء ليلفتوا انتباه الآخرين. 4) افرنقت السارقة من بين الباحثين عنها فهابت عن الأنظار. 5) تصببت قطرات العرق الصافية من جبينها وتدحرجت على الخدين والشفتين. 6) كل ما تتوثق علاقتها بهذا الشاب العربي تتضعع ثقها بالمسلمات العديدة. 7) وضعت البنت ملعقتها في الصحن وسألت باهتمام: - ماذا حدث لك مع موظفي الضريبة؟ تملل عبد الرحيم قليلا ثم قال... 8) أما اليوم فنفس علي وذهنه لا يتصرفان بهذا المنطق، تتضعع خطاه، تغم رؤيته وفي حالة شلل تام يسمح البيت بنظرات مبللة بالدمع. 9) فاهمني يا بنتي واطمئني وقرى عينا... أنا صانع بك ما تصنعه الأمطار بالمروج. 10) انتصف الليل وتعاضمت غبطة الجماعة حتى صارت ثورة واختمرت أدمغتهم حتى تلجلجت ألسنتهم. 11) ارتعشت العروس هذه الكلمات وتلملمت كزهرة ذابلة أمام الريح. 12) سمع الرجال هذا الكلام فجمدت عيونهم واقشعرت أبدانهم وهتوا بالشاب هنيهة. 13) ههنا دفنت آمال ذلك الفتى وههنا توارت أمانيه وانزوت أفراحه وغارت دموعه واضمحلت ابتسامته وبين هذه المدافن الخرساء تنمو كآبته مع أشجار السرو والصفصاف. 14) وضعت يدها على رأسي وغرست أصابعها بشعري وقد قمل وجهها وترقرقت الدموع في عينيها مثلما تلمع قطرات الندى على أطراف أوراق النرجس. 15) تلك الأيام مضت كالأشباح واضمحلت كالضباب ولم يبق لي منها سوى الذكرى الأليمة. 16) كانت تلك البشرة بالأمس مثل ثنایا الزنبقة البيضاء الفرحة بقبلات الشمس أما اليوم فاصفرت وذبلت وتبرقت بنقاب القنوط. 17) ملاحظهم قد تقلصت واكفهرت وأصبحت كصحيفة رمادية متجعدة. 18) قد تكهربت جميع قرى جمهوريتنا في النصف الأول من قرننا الحالي.

577-ماشқ. 576 - машқдаги тўрт ундошли феъллардан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Бугун ҳаво жуда совиб кетди, пальто киймаган эдим, совуқдан баданим қалтиради. 2. Ёшлик йилларимиз куш осмонга парвоз қилганидек кўздан ғойиб бўл-

ди. 3. Қалин қор ёғди, қишлоқнинг пастқам уйлари қор пардаси остига яширинди. 4. Ўғлингиз (мн) ўзининг дўстлари орасида, бегоналар билан эмас, шунинг учун сиз ундан хотиржам бўлишингиз керак. 5. Биз муз суриш учун ўтган дам олиш куни Чимёнга бордик. 6. Тошкент денгизининг суви куёш нурлари остида ажойиб жимирлайди. 7. Толиба билетдаги саволни тушунмади, шунинг учун дудукланиб қолди ва саволга жавоб беролмади. 8. Дарахт устидаги болалар боғбонни кўриб қолишди ва тезлик билан дарахтдан тушиб қочишди. 9. Мен сенинг (мз.) садоқатли биродарингман, менга бўлган ишончинг заррача ҳам камаймасин. 10. Атрофимда ўтирган одамларнинг эътиборини тортиш учун томоқ кириб йўталиб кўйдим.

578-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан тўрт ўзак ундошли феълларнинг масдар ва сифатдошларини топинг, уларнинг қайси бобдан эканлигини аниқланг, гапларни ўзбекчага ўгиринг:

- 1) فُضّ الزبون السكران متأرجحاً... قذف ورقة نقدية في وجه صاحب المطعم وتطوح إلى الخارج.
- 2) قبل سنتين وفي السنة الماضية كانت جدتنا في حالة تقهقر مستمر أما الآن فتبدو سالمة.
- 3) أخذ المدير يد عبد الرحيم برفق ومحبة وقال بصوت متلجلج: لا ينكر أحد دورك في هذه القضية يا أخي.
- 4) فوجئ أمير بزيارة عبد الرحيم بفتح ذراعيه على وسعهما وهتف بفرح ظاهر: أهلاً أهلاً بالرفيق عبد الرحيم! فبوغت برد الفعل الفاتر...
- 5) كل يوم تسوء حال المريض... صحته في تدهور مستمر... والأطباء يجهدون لتغذيته بالحقن والأنابيب.
- 6) قال الشاب محاولاً الخلاص من ذراعي المرأة متكلفاً إظهار المقت والاشمئزاز: ابتعدي عني أيتها المرأة.
- 7) كان كثير من الأمم والملل في تاريخها الطويل بين النهوض والاضمحلال.
- 8) انظروا

هذا الفتى الجميل المتسربل بحلة العرس - هو حبيبي. 9) ارتعشت شفتاه قليلا ولم يقل شيئا
أما أنا فتركته وسرت نحو الباب بأفكار متضعضة. 10) رفعت البنت رأسها ونظرت نحو
الأفق البعيد ثم قالت: لقد كنت لي بالأمس مثل أخ واقتربت منك مطمئنة وجلست بجانبك
في ظلال والدي. 11) هل ترى يا أخي خيالي قادمًا مع خيالات الظلام مضمحلا مع
ضباب الصباح؟ 12) انتقل المريض من حالة تقهقره المستمر إلى مرحلة الأمن والاطمئنان.

579-ماشқ. 578 - машқдаги масдар ва сифатдошлардан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Чиройли чуст дўпписи кийган мана бу нуроний қария кўшнимиздир. 2. Тарқалиб бораётган туман орасидан янги тимқора енгил автомобиль чиқиб келди. 3. Келиним болаларини ювинтирди, овқатлантирди, сўнг уларни ухлатди ва ўзи ҳам хотиржам ҳолда уйқуга кетди. 4. Бозордаги одамлар ўғрига нафрат ва ҳазар назари билан қарадилар. 5. Ўрта асрларда шарқ мамлакатлари инқирозга юз тутган эди. 6. Факультет декани толибанинг отасини мулойимлик билан қабул қилди ва тутила-тутила толиба билан бўлган воқеани сўзлаб берди. 7. Йўлда гандираклаб бораётган бу одамга йўловчилар нафрат кўзи билан қараб қолдилар. 8. Гапиролмай дудуқланиб турган бу болакай автобусдаги барчанинг диққатини ўзига тортди. 9. Дунёда хотиржамлик ва саломатликдан яхши нима бор! 10. Илм-фан ва маданият соҳасидаги қолоқлик иқтисодий қолоқликдан ҳам хатарлироқдир.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ МАТН

أوزبكستان المستقلة

إن تر الشمس الذهبية والسماء الزرقاء الصافية والحقول والبساتين الخضراء فأنت إذن في جمهوريتنا المستقلة أوزبكستان.
طبيعة أوزبكستان غنية ومتنوعة الأشكال فيمكن أن ترى فيها جبالا عالية وأنهارا تجري فيها المياه العذبة كما ترى فيها صحارى وواحات خضراء وسهولا جافة شاسعة.

تقع أوزبكستان في منطقة صحراوية لذا تتميز بمناخها الحار وتشرق الشمس فيها ساطعة خلال متين وخمسين يوما في العام وتوفر الحرارة والشمس يسمح لها بزراعة محصول القطن وهو أثمن وأغلى المحصولات الزراعية في العالم ولكن تحتاج زراعة القطن والنباتات الأخرى إلى المياه الوفيرة ومنذ القديم يستخدم الزراع مياه الأنهار الموجودة في الجمهورية لري حقولهم.

لأوزبكستان ثروات طبيعية مختلفة مثل الغاز الطبيعي والفحم والبتروول والذهب ولكن بين هذه الثروات أهمها وأغلاها هي شعب أوزبكستان الأصيل الوفي وهذا الشعب يبني ويزرع ويشيد المصانع الحديثة ويستخرج الفحم والذهب والبتروول ويخيط الملابس ويخبز الخبز بأيديه.

تحتل أوزبكستان موقعا جغرافيا هاما فلقد مر بحدودها الطريق الحريري العظيم وكان هذا الطريق يربط بين جميع دول قارة آسيا وأوربا.

أوزبكستان ذات حضارة عريقة وقديمة ومن أهم مدنها الحضارية سمرقند وبخارا وخيوة وهذه المدن تشتهر بآثارها المعمارية التاريخية.

في الحادي والثلاثين من أغسطس عام ألف وتسعمئة وواحد وتسعين أُعلن الحدث التاريخي الهام في حياة الشعب الأوزبكي وهو استقلال أوزبكستان عن الاتحاد السوفيتي وأصبحت أوزبكستان جمهورية مستقلة أمام كل العالم وبعد ذلك اليوم بدأت تدوي في أفواهنا كلمة عزيزة على قلوبنا هي «مستقلليك» الاستقلال وابتداء من ذلك اليوم أصبح الشعب صاحباً حقيقياً لثروات أرضه الضخمة ومنذ ذلك التاريخ بدأت أوزبكستان بالتعاون بنشاط مع الكثير من بلدان العالم. هي الآن دولة ذات صناعة متطورة وزراعة متعددة الأصناف وثقافة معاصرة وفي الأول من سبتمبر من كل عام يحتفل شعبنا المستقل بعيد استقلاله في كل مكان في الدولة وفي الشوارع والبيادر نرى بأعيننا مدى سعادة وفرحة الشعب بالاستقلال ونسمع الضحكات والموسيقى والأغاني ويقدم أشهر المطربين والراقصين والممثلين أجمل الفقرات الفنية للشعب الأوزبكي مساهمة منهم في الاحتفال بهذه المناسبة.

580-маишқ. Йигирма биринчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ўрганинг ва матнни ўзбекчага ўғиринг.

581-маишқ. Йигирма биринчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) بىم تميز جمهوريتنا الأوزبكية ؟ 2) أين تقع جمهورية أوزبكستان ؟ 3) بىم يتميز مناخها ؟ 4) كم يوما في السنة تشرق الشمس فيها ؟ 5) ماذا يُزرع في حقول أوزبكستان ؟ 6) ما هي أثنى وأغلى محصولات زراعية في الجمهورية ؟ 7) ممّ تتكون ثرواتها الطبيعية ؟ 8) ما هي أهم ثرواتها ؟ 9) ما هي أهم مدنها الحضارية ؟ 10) ما هي أهم مدنها الحضارية ؟ 11) بىم تشتهر معظم مدنها ؟ 12) ماذا حدث في الحادي والثلاثين من أغسطس ؟ 13) ماذا أُعلن في ذلك اليوم ؟ 14) أية كلمة بدأت تدوي في الأفواه ؟ 15) ماذا يفعل الشعب

الأوزبكي في الأول من سبتمبر في كل سنة ؟ 16) ماذا نرى ونسمع في الشوارع والميادين في هذا اليوم ؟

582-ماشқ. Йигирма биринчи матндан феълларни ажратиб олинг, уларнинг бобларини аниқланг ва тўла морфологик таҳлил қилинг.

583-ماشқ. Йигирма биринчи матндан масдарлар, сифатдошлар ҳамда ўрин ва пайт номларини топинг, қайси феълнинг қайси бобидан эканлигини аниқланг ва гапдаги вазифасини тушунтиринг.

584-ماشқ. Йигирма биринчи матнда мавжуд феълларнинг барчасидан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлари ҳосил қилинг, ҳар бир сифатдошга биттадан гап тузинг.

585-ماشқ. Мустақиллик байрамини қандай ўтказганингиз ҳақида араб тилида баён ёзинг.

586-ماشқ. Қўйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

معنى هاتين الكلمتين، صوت المؤذن، ضحكة أشبه ببيكاء، على كل حال، فئجان قهوة، الأكواخ الحفيرة، في أحد الأيام، تذكارات موجهة، في أعماق الصدر، إطار من الذهب، أحد الأدباء الأوزبك، الأدب الأوزبكي الحديث، على قيد الحياة، مدينة الإسكندرية، شاطئ البحر الأحمر، أساتذة هذه المدرسة، فجر الإسلام، تيارات من الناس، متحف الإرميتاج، المهندس المعماري المشهور، شهادة الماجستير، أعالي الجبال، شارب معقوف الطرفين، شهور الانتظار، طلوع كوكب الصباح، تمثال توت عنج آمون، عال عال!، ضاحية من ضواحي المدينة، قطرات العرق الصافية، في حالة شلل تام، آمال ذلك الفتى، أشجار السرو والصفصاف، في النصف الأول من قرننا الحالي.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ ИБОРАЛАР

<p>ألف ليلة و ليلة Минг бир кеча بابل Бобил, Вавилония بالإضافة إلى ...га қўшимча رايشدا равишда بدل أن ...эвазига, ўрнига بالرغم من ...га қарамасдан بساط الرياح учар гилам بصورة عفوية беихтиёр, ўзидан- ўзи بمثابة... сифатида, шаклида دجلة Дажла (<i>Ироқдаги дарё</i>) عابئة эрмак қилиб, эрмакона عام ألف وأربعمئة وواحد وأربعين бир минг тўрт юз қирқ бирин- чи йилда عام ألف وخمسمئة وواحد бир минг беш юз биринчи йилда غلق على لسان ўргатмоқ, гапир- тирмоқ على متن الطائرة самолёт бортида يا سلام қандай ажойиб!</p>	<p>توككيزين- في التاسع من شهر فبراير чи февралда في الثالث من يناير учинчи январда في الرابعة من عمره тўрт ёшида في مستقبل العمر умрнинг қир- чиллама пайтида في الوقت الذي عاش فيه نواني Навоий яшаган вақтда I كمن تقديرًا I миннатдор бўлмоқ كنت شعري кошки эди мен بلسام билсам ليلة القدر лайлату-л-кадр; кадр кечаси I مشى هويتنا I секин юрмоқ مصادر الأعلام оммавий ахборот воситалари نجيب محفوظ Нажиб Маҳфуз (<i>мисрлик ёзувчи</i>) هارون الرشيد Ҳорун ар-Рашид (<i>аббосий халифа</i>)</p>
---	---

§ 148. ЭГАГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЮКЛАМАЛАР

Маълумки, гапнинг эгаси ҳар доим бош келишикда келади. Лекин араб тилида шундай юкламалар ҳам мавжудки, уларнинг таъсирида эга тушум келишигида келишга мажбур бўлади. Бундай юкламалар олтига:

1. **إِنْ** – ҳақиқатда, ҳақиқатан. Кўпинча бу юклама ўзбек тилига таржима қилинмайди. Масалан:

إِنَّ الْبَيْتَ وَاسِعٌ – (Ҳақиқатда) уй кенгдир.

إِنَّ الْعُرْفَةَ جَمِيلَةٌ – (Ҳақиқатан) хона чиройлидир.

Агар **إِنْ** ва шунга ўхшаш юкламалар феъл кесимли гапларга қўшилса, гапнинг эгаси кесимдан олдинга ўтади. Бошқача айтганда, бу юкламалардан кейин бевосита гапнинг эгаси келади. Масалан:

كَتَبَ الطُّلَّابُ هَذِهِ الْجُمْلَةَ – Талабалар бу жумлани ёздилар.

إِنَّ الطُّلَّابَ كَتَبُوا هَذِهِ الْجُمْلَةَ – (Ҳақиқатда) талабалар бу жумлани ёздилар.

Агар гапнинг эгаси кишилик олмошидан иборат бўлса, бу юкламалардан кейин шу олмошга мос бўлган қўшилиб ёзилувчи олмош келади ва у шу юкламаларга қўшилиб ёзилади. Масалан:

هِيَ كَتَبَتْ هَذِهِ الْمَقَالََةَ – У (мн) бу мақолани ёзди.

إِنَّهَا كَتَبَتْ هَذِهِ الْمَقَالََةَ – (Ҳақиқатдан) у бу мақолани ёзди.

Эслатма. I шахс бирлик ва кўплик қўшилувчи олмошлари икки вариантда қўшилиши мумкин:

أَنَا , إِنْئِي , إِنْئِي , إِنْئَا , إِنْئَانَا .

إِنْ юкласи иштирок этганда от кесимли гапда ҳам, феъл кесимли гапда ҳам гапнинг кесими олдидан **لِ**

юкламаси кўшилиши мумкин ва у таржима қилинмайди. Масалан: **إِنَّ اللَّهَ لَرُؤُوفٌ رَحِيمٌ** – (Ҳақиқатан) Оллоҳ меҳрибон ва раҳмдилдир. **إِنَّ الطُّلَّابَ لَكَتَبُوا هَذِهِ الْجُمْلَةَ** – (Ҳақиқатан) талабалар бу жумлани ёздилар.

إِنَّ кўшилганида, гапларнинг эгаси тушум келишигида келаверади. Масалан: **إِنَّ لِلْحَيْطَانِ آذَانًا** – Деворнинг ҳам қулоғи бор (мақол) (сўзма-сўз: Ҳақиқатда деворларнинг қулоқлари бор).

Агар **إِنَّ** юкламасига **مَا** юкламаси кўшилиб келса, маънода ўзгариш бўлмайди, лекин гапнинг эгаси бош келишикда келади. Масалан: **قَدْ يَكُونُ الْغَيْبُ حُلُوءًا إِئِمَّا الْحَاضِرُ أَخْلَى** – Келажак ширин бўлса эҳтимол, аслида ҳозирги пайт энг шириндир.

2. **كَأَنَّ** - гўё, гўёки, ...дек. Бу юклама ҳам **إِنَّ** юкламаси каби морфологик хусусиятларга эга. Масалан:

كَأَنَّ زَيْنَبَ مَلَكَ – Зайнаб фаришта кабидир.

كَأَنَّ أَبَاكَ بَطَلٌ – Гўё отанг қаҳрамондир.

3. **أَنَّ** - ...ки. Бу юклама кўпинча шахси номаълум гапларда ёки тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гапларда эргаш гапни бош гапга кўшувчи эргаштирувчи боғловчи вазифасини бажаради. Масалан: **مِنَ الْمَعْلُومِ أَنَّ مُحَمَّدًا شَابٌ عَاقِلٌ** – Маълумки, Муҳаммад ақлли йигитдир ёки Муҳаммаднинг ақлли йигит эканлиги маълум. **مِنَ الْمُسْتَحِيلِ أَنَّ الطُّلَّابَ قَدُ** – Мумкин эмаски, талабалар қочишган бўлса ёки талабаларнинг қочиб кетишлари мумкин эмас.

سَمِعْنَا كُلُّنَا أَنَّ الصَّيَّامَ مُفِيدٌ – Биз ҳаммамиз эшитдикки, рўза тутиш фойдалидир ёки биз ҳаммамиз рўза тутишнинг фойдали эканлигини эшитдик.

Эслатма. Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гапларда бош гапнинг кесими قَالَ – демок феълидан иборат бўлса, إِنَّ юкламаси маъносида إِنَّ юкламаси ишлатилади.

4. وَ لَكِنْ - лекин, бироқ. Бу юклама зидловчи боғловчи вазифасида келади. Масалан:

كُلُّنَا ذَهَبْنَا إِلَى حَدِيقَةِ الْحَيَوَانَاتِ وَ لَكِنْ مَحْمُودًا لَمْ يَذْهَبْ – Барчамиз ҳайвонот боғига бордик, лекин Маҳмуд бормади.

5. لَعَلَّ – эҳтимол, шояд. Бу юклама гумонни, амалга ошиши ҳам, ошмаслиги ҳам мумкин бўлган тилакни билдиради. Масалан:

لَعَلَّ أَخَاهُ يَفْهَمُ – Эҳтимол, унинг (мз) акаси тушунар.

لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ – Шоядки (зора), сизлар ютуққа эришсангиз.

6. لَيْتَ – кошки. Бу юклама амалга ошиши мумкин бўлмаган тилакни билдиради. Масалан:

يَا لَيْتَنِي كُنْتُ ثَرَابًا – Оҳ, кошки эди мен тупроққа айлансам.

Амалий машғулот учун топшириқлар

587-машқ. Қуйидаги гаплардан эгага таъсир қилувчи юкламаларни топинг, уларнинг маъносини аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) إن أوزبكستان جمهورية مستقلة في آسيا المركزية. 2) كتبت الجرائد أن الطقس

سيكون اليوم حسنا ولكنه نزلت الأمطار وأصبح الطقس ردينا. 3) إن لبنان من أصغر

البلدان العربية مساحة ومن أقلها سكانا ولكن أهميتها كبيرة في هذه المنطقة. 4) ألا تعلم أن في المطالعة حياة للعلم؟ 5) يعتقد الجميع أن محمودا شاب مهذب. 6) فكّر فيما ينبغي أن يفعله: هل يدق باب النافذة دقا خفيفا لعلها تستيقظ ففتح له؟ ولكنها لم تكن معه على موعد. 7) تحدثوا، اضحكوا، إن الحديث يخفف الجو ويزيل الحواجز المصطنعة. 8) أنت لا تعرف أرضنا يا بني، ولا تعرف الفلاحة. إن أرضنا ليست ككل الأراضي. 9) طبعاً كانت الفكرة جميلة ومسرة ولكن تحقيقها ليس هينا. 10) لعلك يا بنتي حلمت أحلاماً فأعجزت أنك كذلك أصبح حزيناً في بعض الأحيان عندما أحلم أحلاماً سيئة. 11) ملأت صاحبة البيت فنجاناً فناولته للعجوز وثانياً لنفيسة ولكن هذه امتنعت قائلة: "شكراً، لا أستطيع، إنني لا أحب القهوة كثيراً". 12) كأن المرأة مخلوق شاذ يجب ألا يعامل معاملة الأسوياء. 13) وقفتُ متهيأ بجانب الحديقة متأملاً خفايا الإنسان مستفسراً رموز الحياة. رأيت وليتني لم أر. 14) قلت وليتني أذكر غراباً ما قلت: من أنت وكيف سرت وأين صرت؟ 15) ليت لي ما يشابه جزنك وتنصرف عني مخاوفي يا حبيبي. 16) قفي بي هنيهة لأري وجهك، انظري إليّ دقيقة لعلني أري في عينيك أسرار صدرك وأفهم من ملامحك محبّات نفسك. 17) أما الآن قد انتصف الليل وملت أجفاننا السهر فاسمحوا لنا أن ننام لعل عروس الأحلام تحمل أرواحنا إلي عالم أنظف من هذا العالم. 18) ليت شعري، ماذا ينفع نذب الشاعر ونواحه؟ 19) أما نفيسة فاستيقظت منذ فترة من الوقت ولكنها لم تفارق فراشها. 20) جاء الصباح فقامت تلك الصبية واستسلمت للكرى علّها تجد فيه أحلاماً ألطف من أحلام اليقظة. 21) إن هذا الطالب لم يدرس اللغة العربية ولا يعرف القراءة والكتابة بها ولكنه يقرأ كثيراً من الكتب الإنجليزية والفرنسية عن البلدان العربية ويعرف حياة العرب فيها حسناً جداً.

588-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Кошки эди ёшлик йилларимиз яна қайтиб келса.
2. Куни кеча кўчада мактабларига шошилаётган ўқувчиларни учратишингиз мумкин эди, лекин улар бугун

кўринишмайди, чунки бугундан ёзги каникул бошланди. 3. Чақалок туни билан ухламай чиқди, уни яна каравотига ётқизиш керак, шоядки кундузи бир оз ухлаб олса. 4. Биз ишонамизки, фарзандларимизнинг келажаги порлоқ ва мунаввар бўлади. 5. Кеча ҳаво илиқ эди, лекин бугун жуда совиб кетди. 6. Мана бу толиба икки йил Миср Араб Республикасида ўқиб келди, ҳозир у миср шеvasида мисрликлардек гаплашади. 7. Ўғлимнинг тўйига барча ўртоқлари келишди, лекин Анвар келмади. 8. Мен жуда яхши биладан-ки, сиз Ойниса, узок қишлоқдан бу ерга таълим олгани келгансиз. 9. Барча талабалар ёзги имтиҳонларни муваффақиятли топширдилар, лекин Карим иккита имтиҳондан йиқилди, чунки у март ойида касал бўлиб шифохонада ётган эди. 10. Ҳақиқатда ҳаёт инсонга бир марта берилади, шунинг учун мазмунли ҳаёт кечириш ва унда фақат яхшилик қилиш керак. 11. Шарифа бугунги йиғилишга келмади, эҳтимол у укаларининг тарбияси билан машғул бўлгандир, чунки онаси ҳозир касалхонада ётипти. 12. Мен ишонаманки, яқин йиллар ичида Ўзбекистон саноати тараққий этган мамлакатга айланади. 13. Чиндан ҳам Ўзбекистоннинг ери энг ҳосилдор ерлардан ҳисобланади. 14. Наманган шаҳри жуда катта шаҳар эмас, лекин унинг аҳамияти Ўзбекистон учун жуда каттадир. 15. Ҳақиқатда мен қора чойни кўпда ёқтирмайман.

589-машқ. Эгага таъсир қилувчи юкламаларнинг ҳар бирига тўрттадан гап тузинг.

§ 149. МУТЛАҚ ИНКОР

Бирор нарса ёки шахснинг мутлақо йўқлигини билдирувчи инкор мутлақ инкор дейилади. Мутлақ инкор араб тилида йўқлиги билдирилатган сўз олдида **لَا** юкласини қўйиш билан ифодаланади ва ўша сўз ноаниқ ҳолатда танвин қўшимчасисиз тушум келишигида келади. Масалан:

لَا أَحَدَ فِي الشَّارِعِ – Кўчада умуман ҳеч ким йўқ.

لَا رَبِّ فِيهِ – Бунда ҳеч бир шубҳа йўқ.

Амалий машғулот учун топшириқлар

590-машқ. Қуйидаги гаплардан мутлақ инкорни топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) لا شك أنه سعيد مع أولاده. 2) هل البكم والعمي لاحق لهم في الحياة؟
- 3) – لماذا كل هذا العناء؟ فإذا أردت أن تخطبها فليس هناك ما يمنعك. – هناك ما يمنعني : صداقتنا. – لا دخل لصداقتنا في زواجك أو زواجي. 4) كأن الكتاب أستاذ. لا بد لنا من مطالعة الكتب. 5) لا شك أنك مسرور بزيارة بلدنا. 6) تفكرت في حياتي كثيرا بأنه لا نجاح بلا كفاح. 7) لا بأس يا أمي، لا تفضين عليّ. سنعيش هذا اليوم بلا خبز. 8) إن هذه السدم لا آفاق لها ولا حدود. 9) كانت تود نفيسة أن تمسك عن إثارة موضوع مع هذه العجوز. ... موضوع لا قيمة له ولا داعي للحديث فيه. 10) إن هذه الدنيا كانت لوالده جحيما لا مثيل له.

591-машқ. Қуйидаги мутлақ инкорлар иштирокида гап тузинг:

- | | | | |
|--------------|------------------|---------------|----------------|
| 1) لَا رَبِّ | 2) لَا حُدُودَ | 3) لَا بَأْسَ | 4) لَا شَكَّ |
| 6) لَا بُدَّ | 6) لَا نِهَائَةَ | 7) لَا فَرْقَ | 8) لَا سَبِيلَ |

592-ماشق. Қўйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёдланг:

- أسامة: إنني أري في شوارع طشقند كثيرا من سيارات "نكسيا" و"داماس" و"تيكو". هل يمكنك أن تقول لي يا آته بيك من أين هذه السيارات؟
- آته بيك: هذه السيارات يا صديقي العزيز تُصنع في أوزبكستانا.
- أسامة: يا سلام، هل يستطيعون في أوزبكستان أن يصنعوا مثل هذه السيارات الحديثة؟
- آته بيك: نعم، يا عزيزي، إن حكومتنا منذ استقلال أوزبكستان مباشرة بدأت تبذل كل عنايتها واهتمامها لتشكيل مصنع تُصنع فيه السيارات الحديثة وابتداء العمل فوراً في بناء المصنع.
- أسامة: أين بُني هذا المصنع؟
- آته بيك: إنه بني في بلدة أسكّة بمحافظة أندجان.
- أسامة: هل حكومة أوزبكستان بنت هذا المصنع بمفردها أم اشتركت في هذا العمل أي دولة خارجية أخرى؟
- آته بيك: نعم، اشتركت في بناء هذا المصنع شركة "ديوو" لصناعة السيارات بجمهورية كوريا الجنوبية.
- أسامة: آه، هذه الشركة تُعتبر إحدى من أفخم وأشهر الشركات للسيارات في العالم. ومتى تم بناء هذا المصنع؟
- آته بيك: منذ بضعة أعوام تم بناؤه وكما ترى يا عزيزي يمكننا أن نرى في كل لحظة في جميع أنحاء جمهوريتنا من سيارات هذه الشركة.
- أسامة: هل تصدر حكومة أوزبكستان هذه السيارات؟
- آته بيك: نعم، إن البلدان الخارجية المجاورة تشتري هذه السيارات وكما تعلن مصادر الأعلام توجد طلبات جديدة أخرى من البلدان الكثيرة البعيدة أيضا.
- أسامة: أشكرك يا عزيزي لهذه المعلومات القيمة المفيدة.

Рушдий: Ассалому алайкум, Турғунбой, яхшимисиз? Сиздан илтимос, Ўзбекистондаги самолёт-созлик тўғрисида гапириб берсангиз.

Турғун: Кўриб турганингиздек, дўстим Рушдий, Тошкентда Чкалов номли авиасозлик бирлашмаси мавжуд.

Рушдий: Бу бирлашмада кўп одам ишлайдими?

Турғун: Ҳа, у ерда жуда кўп инженерлар, самолётсозлик бўйича кучли мутахассислар меҳнат қиладилар.

Рушдий: Ҳозир бу ерда қандай самолётлар ишлаб чиқарилмоқда?

Турғун: Замонамизнинг энг йирик ва энг кучли самолётлари ишлаб чиқарилмоқда.

Рушдий: Бирлашма бошқа давлатларнинг самолётсозлари билан ҳамкорлик қиладими?

Турғун: Албатта. Россиядаги авиаконструкторлик бюроси билан ва бошқа саноати ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги мутахассислари билан ҳамкорлик қилади.

Рушдий: Чет давлатларда ишланган самолётларни ремонт қилиш ҳам йўлга қўйилганми?

Турғун: Бизнинг бирлашмамизда улар ремонт қилинмайди. Лекин «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси қошида махсус бўлим ташкил қилинган ва бу бўлим хорижий самолётларни ремонт қилиш билан шуғулланади.

Рушдий: Берган маълумотларингиз учун ташаккур, раҳмат.

594-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари; табиий бойликлар; Буюк Ипак йўли; ўттиз биринчи август; саноати ривожланган давлат; замонавий маданият; Мустақиллик куни; энг машҳур хонандалар; чуст дўпписи; шарқ мамлакатлари; нафрат кўзи билан; хотиржамлик ва саломатлик; ўтган дам олиш куни; Тошкент денгизи; садоқатли биродар; рангли металллар; саноат корхоналари; илмий асарлар; миллий кийимлар кийган раққоса кизлар; программалаштирилган режалар; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти; фарзандларимизнинг келажаги; Миср таълим маркази.

§ 150. كَانُ ЁРДАМЧИ ФЕЪЛ СИФАТИДА

كَانُ феъли морфологик жиҳатдан ажваф феъллар гуруҳига мансуб бўлиб, «бўлмок» маъносида етакчи феъл (мустақил феъл) вазифасини бажаришдан ташқари от кесимли гапларда эга билан кесим ўртасида боғлама вазифасини бажариши юқорида айтилган. Масалан:

أَحْمَدُ تَلْمِيذٌ – Аҳмад ўқувчидир., كَانُ أَحْمَدُ تَلْمِيذًا – Аҳмад ўқувчи эди.

Маълумки, араб тилида феъл замонлари жуда оз бўлиб (атиғи ўтган ва ҳозирги-келаси замони мавжуд), иш-ҳаракатнинг вақтини аниқ ифодалаб беролмайди. Иш-ҳаракатнинг замонини конкрет билдириш учун

айрим юкламалар (масалан: **سَوْفَ، سَ، قَدْ**) ишлатилганида ҳам замон тўла конкретлашмайди. Ҳозирги араб тилида замонни янада конкретлаштириш учун қўшма феъллардан, хусусан **كَانَ** феъли иштирок этадиган қўшма феъллардан кенг фойдаланилади. Бундай қўшма феъллар куйидаги замон маъноларини билдиради:

1. **كَانَ** феъли ўтган замонда ва етакчи феъл ҳозирги-келаси замонда келганида, иш-ҳаракатнинг ўтган замонда узок давом этганлиги ёки ўтган замонда бир неча бор такрорланганлиги билдирилади. Масалан:

قَبْلَ سَتَيْنِ كُنْتُ أَدْرُسُ فِي الْجَامِعَةِ – Икки йил аввал мен университетда ўқир эдим.

فِي تِلْكَ الْفَتْرَةِ كُنَّا نَلْعَبُ بِالشَّطْرَنْجِ كُلَّ يَوْمٍ – Ўша кезларда ҳар куни шахмат ўйнар эдик.

2. **كَانَ** феъли ҳам, етакчи феъл ҳам ўтган замонда бўлганида, иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлиги ёки ўтган замондаги бошқа бир иш-ҳаракатдан олдин содир бўлганлиги ифодаланади. Бунда етакчи феъл олдидан **قَدْ** юкламаси ҳам келиши мумкин. Масалан:

فِي أَوَائِلِ الشَّهْرِ كَانَ طُلَابُ الصَّفِّ الْأَوَّلِ قَدْ دَفَعُوا جَمِيعَ امْتِحَانَاتِهِمْ – Биринчи курс талабалари ойнинг бошларида барча имтиҳонларини топшириб бўлган эдилар.

كَانَتْ زَيْنَبُ سَافَرَتْ إِلَى بَلَدِهَا مَسَاءً أَمْسٍ – Кеча кечқурун Зайнаб юртига жўнаб кетиб бўлган эди.

3. **كَانَ** феъли ҳозирги-келаси замонда, етакчи феъл эса **قَدْ** юкламаси билан ўтган замонда келганида, иш-

ҳаракатнинг келаси замонда бирор иш-ҳаракатдан ёки пайтдан илгари содир бўлажагини билдиради. Масалан:

بَعْدَ عِدَّةِ سَنَوَاتٍ تَكُونُونَ قَدْ تَخْرُجْتُمْ مِنَ الْجَامِعَةِ – Бир неча йилдан кейин университетни тугатиб бўлган бўласизлар (мз).

Амалий машғулот учун топшириқлар

595-машқ. Қуйидаги гапларда учраган *كَانَ* феълига эътибор беринг, унинг етакчи ёки ёрдамчи феъл сифатида ишлатилганлигини ва қандай вазифани бажарганлигини аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) كانت ريح الجنوب قد سكتت منذ أن طلع أول شعاع للفجر. (2) كانت العجوز
- تمشي الهوينا في كلل بين. (3) آه، يا خالتي... كانت زليحة كالوردة، ذهبت حياتها في
- مقبلها، ذهبت ضحية بريئة. (4) كان مالك عندئذ في شبابه الأول ولكن الناس كانوا
- بخشونه. (5) لم تكن ظروف الثورة في ذلك الحين تسمح لوالدي بإمضاء العقد. (6) لم يكن
- وحده يفكر هذا التفكير، كان هناك عدد من زملائه في التعليم يشاركونه هذا التفكير.
- (7) في هذا الجو الكئيب وفي تلك الطريق الوحيدة كان المعلم وحده ماشيا في ملل إلى
- المقهى. (8) كانت الخالة أعدت للعجوز مرقا بالدجاج فحاولت أن تطعمها قليلا ولكن هذه
- لم تستطع. كانت الحمى تزداد شدة. (9) إن ضعفت في هذه المرة وتراجعت عن قراري
- بذريعة ما قد يصيبني أو يصيب أمي من أذى فإني سأكون بذلك وضعت مصري بين يدي
- غيري إلى الأبد. (10) لقد كنت أحبكم يا بني أمي وقد أضر بي الحب ولم ينفعكم.
- (11) الريح قد حملتني أيضا إلى بابك يا سيدي وأنا للآن لا أدري ما إذا كانت قد كسرت
- جناحي أو هشمت رأسي. (12) كانت عيناه تبرقان بريق الذعر والألم والشروء.
- (13) كانت شوارع هذه المدينة ضيقة ملتوية. (14) كانت أمينة تنصت إليه باهتمام شديد.
- (15) كنا نسمع أن الأقدمين كانوا يطبِّرون على بساط الريح وظننا ذلك خرافة حتى بدأت
- تطير الطائرات أمانا. (16) ستمر الأعوام ويكون أولادنا قد كبروا واستطاعوا أن يتكلموا

ويسيروا. 17) إن لغتنا العربية جميلة جدا ونحن نملكها كما كان القدماء يملكونها.
18) وكان الرئيس قد وصل إلى الإسكندرية صباح أمس على متن طائرته الخاصة.
19) عندما تقربت باخرتنا من الميناء رأينا أنه كان جمهور كثير قد احتشد على الرصيف في انتظار وصولنا.

596-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Тошкент атрофидаги йўллар илгари кенг ва тўғри эмас эди. 2. Яна бир неча йилдан кейин Ўзбекистонимизнинг саноати ривожланиб кетган, унга юксак технология кириб келган бўлади. 3. Собиқ совет замонида бизнинг республикамизда автомобилсозлик йўқ эди, енгил автомобиллар бизга фақат Россия шаҳарларидан келар эди. 4. Ҳали тонг ёришмай туриб, одамлар хонадондалик тўла эди. 5. Болалик пайтимизда кун бўйи ўйнар эдик, каналда чўмилар эдик, кўчаларда чопар эдик, чарчаш нималигини билмас эдик. 6. Қадимгилар осмонга парвоз қилишни орзу қилар, шунинг учун учар гилам ҳақидаги афсонани тўқиб чиқарган эдилар. 7. Мен ошхонага қайтиб кирганимда, дўстларим стол атрофига ўтириб бўлишган эди. 8. Биз темир йўл вокзалига етиб келганимизда, Наманган – Тошкент поезда етиб келиб бўлган бўлади. 9. Болалик йилларида укам бу машҳур хонанда аёл ҳақида жуда кўп эшитар ва уни кўришни орзу қилар эди. 10. Отамиз бизга жуда кўп дер эдилар: «Бир-бирингизни ҳурмат қилинглар, берган ваъдангизнинг албатта устидан чиқинглар». 11. Мен ҳар куни эрталаб уйдан чиқаётганимда, йўлда мактабга шошилаётган ўқувчиларни учратар эдим.

597-машқ. *كَانَ* феъли турли вазифаларни бажарадиган бешта гап тузинг.

§ 151. ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР

Субъектнинг иш-ҳаракатини билдирувчи етакчи феъл билан бирга келиб, унга турли кўшимча маъно берувчи феъллар ёрдамчи феъллар дейилади. Ёрдамчи феъллар ифодаладиган кўшимча маънолар куйидагилардир:

1. Гапдаги иш-ҳаракатнинг бошланишини билдириш учун куйидаги феъллар ишлатилади:

قَامَ، أَقْبَلَ، صَارَ، أَصْبَحَ، شَرَعَ، رَاحَ، جَعَلَ، ابْتَدَأَ، بَدَأَ، أَخَذَ

Бу феъллардан кейин етакчи феъл ҳозирги-келаси замонда ишлатилади. Мазкур кўшма феълнинг замонини ёрдамчи феъллар аниқлайди: кўшма феъл ўтган замонда бўлса, ёрдамчи феъл ҳам ўтган замонда, кўшма феъл ҳозирги-келаси замонда бўлса, ёрдамчи феъл ҳам ҳозирги-келаси замонда келади. Масалан:

بَدَأَ الْعُمَّالُ يَعْمَلُونَ مِنَ الصَّبَاحِ – Ишчилар эрталабдан ишлай бошладилар.

مِنِ أَوَّلِ أَيْلُولٍ يَصِيرُ التَّلَامِيذَةُ يَذْهَبُونَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ – Ўқувчилар биринчи сентябрдан мактабга қатнай бошлайдилар.

2. Иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлигини ва ҳозирги замонда ҳам давом этаётганлигини куйидаги ёрдамчи феъллар билдиради:

وَأَصَلَ، مَضَى، تَابَعَ، دَامَ، اسْتَمَرَّ، مَا فَتَى، ظَلَّ، مَا زَالَ، بَقِيَ، مَا بَرِحَ

Бу феъллардан кейин етакчи феъл ҳозирги-келаси замонда келади. Масалан:

كَانَ شَعْبَنَا يُنَاضِلُ وَ لَا يَزَالُ يُنَاضِلُ مِنْ أَجْلِ السَّلْمِ – Халқимиз тинчлик учун курашган ва ҳозир ҳам курашишда давом этмокда.

تَابَعَ الرَّجُلُ يَسِيرُهُ حَتَّى الْمَسَاءِ – У киши кечгача юришда давом этди.

3. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганлигини ёки иш-ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлигини куйидаги феъллар билдиради: كَادَ (а), أَوْشَكَ. феълдан кейин етакчи феъл ҳозирги-келаси замонда, أَوْشَكَ феълдан кейин эса أَنْ юкламаси билан истак майлида келади. Масалан:

كَادَ الطِّفْلُ يَمُوتُ مِنَ الْخَوْفِ – Қўрқинчдан бола ўлай деди.

تُوشِكَ الْكَارِثَةُ أَنْ تُحِلَّ بِي – Менга бир фалокат бўлай деяпти.

كَادَ феъли инкор юкламаси билан келганида, «зўрға»,

«деярли» маъноларини билдиради. Масалан:

لَا نَكَادُ نَفْهَمُ هَذَا – Буни биз зўрға тушунамиз.

لَا أَكَادُ أَعْرِفُهُ – Мен уни деярли танимайман.

4. Иш-ҳаракатнинг амалга ошиш эҳтимоли борлигини عَسَى феъли билдиради ва бу феъл фақат ўтган замон шаклида ишлатилади. Ундан кейинги феъл أَنْ юкламаси билан истак майлида келади. Масалан:

عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَكْتُبَ – Эҳтимол, Зайд ёзар.

Бу феълга баъзан бирикма олмош кўшилиб келади ва у гапнинг эгасини билдиради. Масалан:

عَسَى أَنْ أَرَكَ – Эҳтимол, мен сени кўрарман.

5. Баъзан ئىسّ فەئلى ىنكور ىوكلاماسى ۋازىفاسىدا ھام ىشلاتىلادى. ماسالان: ذرى – بىلموق فەئلىدان:

لا اذرى لست اذرى – بىلمايمان.

لست اذرى يا حبيبى من انا اين انا – مەن بىلمايمان، ەي ھابىبىم، كىممانۇ كەردامان.

Амалий машғулот үчүн топшириқлар

598-ماشқ. Қуйىдағы гаплардан ёрдамчы фەълларни топинг ва унинг ۋазифасини аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الصمت، الصمت، الصمت! أكاد أجن من هذا الصمت... أكاد أختق من هذا السكون وهذا الصمت! 2) الألواح، الألواح... كم عددت هذه الألواح! عددتها وأعددها بالرغم مني ما دمت حيا هنا... 3) ارتمت نفيسة على أمها وانهالت بالبكاء ولم تجد الأم ما تروّح به عن ابنتها وبقيتا تبكيان متعانقتين برهة من الوقت. 4) انتصف النهار وهي ما تزال منبطحة في الفراش. من يرضى بالزواج من امرأة نؤوم؟! 5) راحت البنت تقلب أوراق القصة عابثة ونظرت إلى السطور التالية... 6) سوف تمر القرون والإنسانية لا تنفك تعلق على لسان علمائها وحكمائنها بأن لا جريمة هناك ولا خطيئة وإنما هناك بشر جياع. 7) وضعت زينب الكتاب على صدرها بصورة عفوية وراحت تصغي إلى الأنغام وتبحث في أعماقها عما تعبر عنه. 8) إنك تزعمين الكبر وأنت لا تزالين صغيرة. لم تغيري أبدا منذ عرفتك. 9) كانت الريح عنيفة فخشيت أن يتغير الجو وينزل المطر وأبقي بلا عمل... 10) ثقلت يدي وصارت ترتعش عندما آخذ في صقل الآنية... 11) إنك لا تأتيين وإذا أتيت فلا تفتنين تنذرعين بمختلف الذرائع للعودة إلى دارك. 12) هناك ميزة أخرى لهذه القرية وهي أن معظم شبابها يعملون في فرنسا. أما مثقفوها فلا يكادون يعدون أصابع اليد. 13) كل واحد هنا صار ينتظر أن يمنح شهرية مقابل ما عمله

أو ما لم يعمله أثناء العمل. 14) إن عقول هؤلاء كعقول الضفادع فبدل أن ينصرفوا إلى شؤونهم ويدعوا غيرهم يستريح أخذت نقتتهم الركيكة تملأ الجو ضجة. 15) كان الكثير من الفلاحين ما زال هناك في انتظاره. 16) عسانا أن نقرأ لك في الغد قصيدة. 17) كانت ريح الجنوب فعلا قد أخذت تستعد للوثوب على القرية النائمة. 18) كانت إحدى قصص نجيب محفوظ فوق منضدة النوم مع قصص أخرى فأخذها أحمد ومضى يقلب أوراقها. 19) قدم له الحاج إبراهيم قهوة ولكن ما كاد الفنجان يصل إلى شفثيه حتى سقطت فيه ثلاث ذبابات. 20) ماذا عساها أن تفعل وحدها لمواجهة كل ذلك؟ 21) أخذت البنت قلما وورقا وشرعت تكتب «خالتي العزيزة...». 22) اقتربي! اقتربي مني يا حبيبة نفسي، فقد خمدت النار وكاد الرماد يخفيها... 23) أصبحت تانك العينان تبعثان نورا ويملاً هذا النور القلب انعطافا. 24) كل شيء كان وسيبقى سائرا نحو الحقيقة ولكننا قد تشبنا بأقوالك وتدبرناها وما برحنا نظنها حكمة باهرة. 25) عندما تتقرح الأجفان من حرارة دموعها وتكاد الضلوع تتمزق من ثمو مخبات الصدور لا يجد المرء غير الكلام والشكوى. 26) ماذا تطلبون مني يا بني أُمي، بل ماذا تطلبون من الحياة والحياة لم تعد تحسبكم من أبنائها!؟

599–ماشқ. 598 – машқ сўзларидан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Биз машинага ўтириб, Шоҳимардонга жўнадик, бироқ у ерга етай деган эдикки, машинамиз бузилиб қолди. 2. Барчанинг кўзи одамлар орасидаги ўғрини қидира бошлади. 3. Эҳтимол мен сизларга эртага ўзимдаги энг яхши ашулани айтиб берарман. 4. Ўқувчи кўлидаги китобни варақлай бошлади ва кўзлари тўсатдан қуйидаги сатрларга тушди: 5. Тун ярим бўлди, бироқ акамнинг хонасидаги чироқ ҳали ҳам ёнар эди. 6. Бувимиз жуда ҳам кексайиб қолганлар, қўллари пиёлани зўрға-зўрға ушлайди. 7. Йиллар ўтади, асрлар ўтади,

лекин ўзбек халқи ўзи танлаган йўлдан бораверади. 8. Дехкон кетмонини бир зум ёнига қўйди ва узоқдан келаётган куй овозига кулоқ сола бошлади. 9. Қўшни аёллар бу хабардан жинни бўлаёздилар ва уйларида ўтиролмай, кўчага чиқа бошладилар. 10. Биз гуруҳингиздаги поплик йигитни ақлли ҳисоблаганмиз ва ҳозир ҳам шундай ҳисоблаймиз. 11. Тоғ устидаги қалин туман пастдаги қишлоқ томон тушишга ҳозирлик кўра бошлади. 12. Мен қариндошларимнинг иродасига қарши нима қилишим мумкин? 13. Карим ўрнидан турди ва баланд овоз билан ўқий бошлади. 14. Гоҳо дарсдан сўнг устозимиз ўша машҳур мисрлик ёзувчининг ҳаёти ҳақида гапириб берар эди. 15. Фотима кечқурунгача кутубхонада ўлтираверди. 16. Синглим ҳали ҳам араб тилини зўр иштиёқ билан ўрганмоқда ва у бу ишда катта ютуқларга эришиш арафасида турибди. 17. Кеч кирди ва дехқонлар (мз.) пахта теримидан уйларига қайта бошладилар. 18. Эҳтимол сиз (мн) бу гапларимни тушуниб етасиз. 19. Биринчи курс талабалари арабча гаплаша бошладилар. 20. Мен араб мамлакатларида бўлмаганман, шунинг учун арабларнинг шеvasини зўрға тушунаман.

§ 152. ИЗОҲЛОВЧИ

Изоҳловчи аниқловчининг бир тури бўлиб, отга бошқа бир ном бериш билан уни аниқлаб келади.

Араб тилида мансабни, қариндош-уруғликни, касб-хунарни ва шу кабиларни билдирувчи изоҳловчилар изоҳланмишдан олдин аниқ ҳолатда ва изоҳланмиш билан жинсда ва келишиқда мослашган ҳолда ишлатилади. Масалан:

الطَّالِبَةُ زَيْنَبُ , أَلرَّفِيقُ نُورُ الدِّينِ – толиба Зайнаб, الشَّيْخُ عَبْدُ الْبَاسِطِ عَبْدُ الصَّمَدِ – шайх Абдулбосит Абдуссамад, أَلْمُطْرِبَةُ فَيْرُوزُ – хонанда Феруз.

Булардан ташқари араб тилида маънони кучайтирувчи изоҳловчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар, كَلَّ (мз) – иккови; ذَاتٌ، عَيْنٌ، نَفْسٌ – ўша сўзлари воситасида ясалади ва буларни қўллашда икки усул мавжуд:

1. Юқоридаги изоҳловчилар изоҳланмиш билан изофа бирикмасини ташкил этади ва изоҳловчи музоф, изоҳланмиш музоф илайҳи бўлиб келади. Масалан:

تَكَلَّمْتُ مَعَ نَفْسِ الطَّالِبِ – Талабанинг ўзи билан гаплашдим.

فِي ذَاتِ الْوَقْتِ جَاءَ الطُّلَّابُ – Шу вақтнинг ўзида талабалар келишди.

اتَّفَقَ كِلَا الْجَانِبَيْنِ عَلَى هَذَا – Ҳар икки томон шунга келишишди.

2. Изоҳланмиш от аниқ ҳолатда келади ва изоҳловчи бўлиб келган юқоридаги сўзлар изоҳланмишдан кейин у билан келишикда мослашган ҳолда ва изоҳланмишга мос келувчи бирикма олмош билан келади. Масалан:

تَكَلَّمْتُ مَعَ الطَّالِبِ نَفْسَهُ – Талабанинг ўзи билан гаплашдим.

تَكَلَّمْتُ مَعَ الطَّالِبِ عَيْنَهُ – Талабанинг ўзи билан гаплашдим.

فِي الْوَقْتِ نَفْسَهُ جَاءَ الطُّلَّابُ – Шу вақтнинг ўзида талабалар келишди.

Агар изоҳланмиш одамни билдирувчи отдан иборат бўлиб, кўпликда келса, أَنْفُسٌ сўзининг кўплиги ишлатилади. Масалан:

يَجِبُ عَلَى الطَّلَبَةِ أَنْفُسَهُمْ أَنْ يَحْتَرِمُوا الْمُدْرَسَ – Талабалар ўзлари ўқитувчини ҳурмат қилишлари керак.

ذَهَبَ التَّلْمِيذَانِ كِلَاهُمَا – Ҳар иккала ўқувчи кетишди.

ذَهَبَتِ التَّلْمِيذَاتَانِ كِلْتَاهُمَا – Ҳар иккала ўқувчи киз кетишди.

Биз илгари кўрган **جَمِيعٌ كُلُّ** сўзлари ҳам ўзлари бири-киб келган сўз билан шу усулда қўлланиши мумкин. Масалан:

تَعَرَّفْتُ بِالطُّلَّابِ جَمِيعِهِمْ – Талабаларнинг барчаси билан танишдим.

ضَيَّعَتِ الْوَقْتَ كُلَّهُ - Вақтнинг ҳаммасини бекор кетказдинг (мз).

Булардан ташқари араб тилида бирор сўзнинг ўрнида ишлатилувчи изоҳловчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар **الْبَدَلُ** дейилади. Бундай изоҳловчи изоҳланмишдаги маънони тўлалигича ёки қисман ўз ичига олади. Бу изоҳловчилар изоҳланмишдан кейин келади ва унга мос бўлган бирикма олмошни ўзига қабул қилади ҳамда изоҳланмиш билан бир хил келишикда келади. Масалан:

يُعْجِبُنِي مَخْمُودٌ عِلْمُهُ – Менга Маҳмуднинг билими ёқади (сўзма-сўз: Менга Маҳмуд, унинг билими ёқади).

ضَرَبْتُ سَلِيمًا رَأْسَهُ – Салимнинг бошига урдим (сўзма-сўз: Салимни, унинг бошига урдим).

أَكَلْتُ الرَّغِيفَ نِصْفَهُ – Ноннинг ярмини едим (сўзма-сўз: Нонни, унинг ярмини едим).

تُعْجِبُنِي سَمَرْقَنْدُ هَوَاؤُهَا – Менга Самарқанднинг ҳавоси ёқади (сўзма-сўз: Менга Самарқанд, унинг ҳавоси ёқади).

Амалий машғулот учун топшириқлар

600-машқ. Қуйидаги гаплардан изоҳловчиларни топинг, уларнинг қандай шаклланганига эътибор беринг ва гапларни ўзбекчага ўгиринг:

- 1) الجداول تسير إلى حبيها البحر والأزهار تتسم لعشيقها النور والغيوم قبط نحو
- مريدها الوادي. 2) أعفني من مآتي السياسة وأخبار السلطة لأن الأرض كلها وطني وجميع
- البشر مواطني. 3) كانت الأمم كلها تشعر بجماعة نفسية إلى تعاليم مترفعة... 4) أنا
- أرى ذاتي غريبا في بلد واحد وخارجا عن أمة واحدة فالأرض كلها وطني والعائلة البشرية
- عشيرتي. 5) قلت: «جئت أطلب الوحدة منك» فقال: «أنا الوحدة نفسها». 6) قد
- ذهب عني الوجع فقلت: «كيف أميز بين الحي والميت وكلاهما يرتعشان أمام العاصفة؟
- 7) أنا مثلك و كلانا متهم بما ليس فيه. 8) صدى صوت المرأة لم يضمحل بعد من زوايا
- منزلي ولكن المرأة نفسها قد رحلت إلى مكان قصي. 9) إن بيت العائلة عبارة عن
- الحجرة ويجتمع فيها كل أفراد العائلة وهذه الحجرة في نفس الوقت تعد بمثابة حجرة
- الاستقبال وحجرة الأكل وأحيانا المطبخ ولا سيما في الشتاء. 10) جلست العجوز رحمة
- ونفيسة وأما خيرة فذهبت تسخن القهوة للعجوز رحمة. 11) سألت السيدة زينب عن
- الطفل أخيها. 12) لما جاءت الطائرات في ذلك الصباح كان مالك وحماته والطفل الحسين
- في دار صديقه. 13) هل أن التعليم هو الطريق إلى الحرية أم لا بل كيف السبيل إلى
- التعليم نفسه؟ ثم أي تعليم؟ 14) إما أن قهوته ليست جيدة وإما أن الشخص لا يدرك
- جيد القهوة من ردينها. وفي كلتي الحالتين يلحق العيب مهنته. 15) أظن أن الناس كلهم
- مثلك. 16) دق الباب وإذا بالطفل عبد القادر يدخل. 17) إن ثقافتها قربت بينهما
- ومكنت كليهما من وجود محادث نبيه في صاحبه. 18) لهذه العوامل كلها كان أحمد يكن
- لأخيه الأكبر تقديرا واحتراما. 19) إن الناس كلهم يتحدثون عن زواج ابنك بابنتي.
- 20) قدمت كلتا المرأتين الإسعافات الأولية إلى الرجلين المصابين. 21) هم يعلمون أن هذا

الأمر يصدر من العميد نفسه. 22) كان المهندس أحمد منذ سنتين عاملا في ذلك المصنع.
23) ذهبت الطيبة ليلي إلى المستشفى. 24) شقة المطربة فاطمة مؤلفة من غرفتين
واسعتين. 25) مدينة القاهرة واقعة على نهر النيل. 26) إن السيدة أم كلثوم فخر البلدان
العربية دائما وأبدا.

601-машқ. Изоҳловчи иштирок этган қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Нил дарёси дунёда энг узун дарёлардан биридир.
2. Ўша газетанинг ўзида мен Тошкент шарқшунослик институти ҳақида катта мақола ўқиган эдим.
3. Фотима билан Марям икковлари бугун эрталаб дугоналариникига кетишган эди.
4. Бу китобларнинг барчасини бир кечада ўқиб чиқолмайсиз (мн).
5. Эртага худди шу пайтда телевизорда ёшлар учун махсус дастур намойиш этилади.
6. Менга Қоҳира шаҳрининг умумий кўриниши ёқади.
7. Дўстим Баҳодир гуруҳимизнинг энг фаол ва энг тиришқок толибидир.
8. Ҳар бир факультетнинг ўз ички қонун-қоидалари мавжуд, бу қоидани ҳар бир толиб ва толиба яхши билиши ҳамда унга амал қилиши керак.
9. Ишчилар ҳар куни завод ва фабрикаларда ишлайдилар, деҳқонлар ҳар куни далада меҳнат қилдилар, шунингдек ҳар бир талаба ҳам ҳар куни ўз устида ишлаши, вазифани ўз вақтида бажариши керак бўлади.
10. Университетимизнинг барча талабалари кеча қишлоққа деҳқонларга ёрдамга жўнаб кетдилар.
11. Ўқитувчимиз матннинг ҳар бир сўзини яхшилаб тушунтиради, сўнг уни талабалардан сўрайди.
12. Кеча Фарида билан Самира дарсга келишмади, бунинг сабабини ҳар иккисидан сўрашимиз керак.
13. Маҳмуд билан Аниса

Миср Араб Республикасига сайёҳ сифатида кетишяпти,
биз уларни кузатиш учун эртага аэропортга чиқамиз.

602- машқ. Қуйидаги мактубни ўрганинг ва уни
ўзбекчага ўғиринг:

رسالة من العراق

أصدقائي الأعزاء، أكتب لكم من بغداد بلد هارون الرشيد وقصص ألف ليلة وليلة.
حضرت أنا وأختي مريم في الأسبوع الماضي وقد زرنا بعض الأماكن التاريخية والمساجد
والمتاحف المشهورة وشاهدنا فيها آثار البابليين، الآشوريين بالإضافة إلى آثار العباسيين
العربية.

وزرنا أيضا مصانع تكرير النفط وسرنا مرارا على شاطئ نهر دجلة.
وفي مدينة البصرة بجنوب العراق رأينا أشجار النخيل العالية وأكلنا كثيرا من التمر
العراقي اللذيذ.

وبعد عودتنا إلى بغداد زرنا الجامعة وتكلمنا مع الطلبة. استقبلنا الطلاب استقبالا
حارا وتحدثت أنا وأختي عن وطننا الحبيب وعن مدنه وقراه وجباله وحقوله واستمع
الطلاب إلينا باهتمام بالغ.

سنعود إليكم في الأيام القليلة المقبلة.

سلامنا لكم ولأسرتكم جميعا وإلى اللقاء.

صديقتكم المخلصة سميرة

603- машқ. Қуйидаги мактубни арабчага ўғиринг:

ВОДИЙДАН ХАТ

Хурматли отажоним ва онажоним! Мен сизларга Ах-
мад ал-Фарғоний юрти бўлган ва ширин-шакар мева-

лари билан дунёга машхур бўлган Фарғона водийсидан ёзаяпман.

Мен ҳозир Фарғона шаҳридаман. Бу ерга мен ўтган ойда етиб келганман. Бир ой мобайнида Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларида бўлдим. У ердаги тарихий обидаларни томоша қилдим. Марғилоннинг машхур атласи, Риштоннинг сопол идиш-товоқлари менда катта таассурот қолдирди. Водий ўзининг мевалари билан дунёга танилган. Айниқса, Наманганнинг олмаси, Қуванинг анори, Андижоннинг ажойиб қовун-тарвузларини емабсиз – дунёга келмабсиз.

Наманган шаҳрида бир ҳафта турдим. У ерда Наманган университети талабалари билан учрашдим. Суриядаги талабаларнинг ҳаёти, қизиқишлари ҳақида гапириб бердим. Улар мени диққат-эътибор билан тинглашди. Андижонда миллий ҳунармандлик намуналаридан сотиб олдим. Уларни ёдгорлик сифатида Дамашққа олиб кетаман.

Онажон, мен яқинда олдиларингизга қайтиб бораман. Сизларга, ака-укаларимга, опа-сингилларимга саломлар йўлламан.

Ҳурмат билан Аҳмад Мустафо, Фарғона шаҳри.

§ 153. БИР МАРТАЛИК ҲАРАКАТ НОМИ

Иш-ҳаракатнинг бир марта содир бўлганлигини билдирувчи сўз бир марталик ҳаракат номи дейилади. Бир марталик ҳаракат номи масдар охирига *ё* ҳарфини қўйиш билан ҳосил бўлади. Масалан:

ضَرَبَ – урмоқ → масдари ضَرْبٌ – уриш, ضَرْبَةٌ – бир марта уриш.

ضَحِكَ – кулмоқ → масдари ضَحْكٌ – кулиш, ضَحْكَةٌ – бир мартаба кулиш.

Бир марталик ҳаракат номи бошқа отлар каби иккилик ва кўплик сонларга эга: ضَحْكَةٌ – бир мартаба кулиш, ضَحْكَتَانِ – икки мартаба кулиш, ضَحْكَاتٌ – кўп мартаба кулишлар.

Кўпинча ة билан тугаган масдарлардан бир марталик ҳаракат номи шу масдардан кейин «وَاحِدَةً» – бир, битта» мослашган аниқловчисини келтириш билан ҳосил қилинади. Масалан: نَجَا (y) – нажот топмоқ → масдари نَجَاةٌ – нажот топиш, نَجَاةٌ وَاحِدَةً – бир марта нажот топиш.

§ 154. ЧЕКЛОВ

Бу грамматик категория араб тилига хос бўлиб, бошқа тилларда учрамайди.

Гапда чеклов бўлиб келган сўз гапнинг кесими ифодалаган маънонинг объектини янада конкретлаштириб, аниқлаб, чегаралаб келади. Чеклов одатда гапнинг эгаси ва кесимидан кейин ёки гапнинг сўнгида ноаниқ ҳолатда тушум келишигида келади. Бунда гапнинг кесими от кесим ҳам, феъл кесим ҳам бўлиб келиши мумкин. Чеклов гапнинг на эгаси, на кесими билан жинсда, сонда мослашмайди. Масалан:

مَحْمُودٌ حَسَنٌ وَجْهًا – Маҳмуд гўзал юзlidir. (сўзма-сўз: Маҳмуд юз жихатидан яхшидир).

مَحْمُودٌ حَسَنٌ خُلُقًا – Махмуд гўзал хулқлидир. (сўзма-сўз: Махмуд хулқ жиҳатидан яхшидир).

مَحْمُودٌ حَسَنٌ نَسَبًا – Махмуд гўзал насаблидир. (сўзма-сўз: Махмуд насаб жиҳатидан яхшидир).

Чеклов кўпинча гапнинг кесими қиёсий ёки орттирма даражадаги сифатдан иборат бўлганида ишлатилади. Масалан:

هُوَ أَصْغَرُ مِنِّي سِنًا – У мендан ёшроқ. (сўзма-сўз: у мендан ёш жиҳатидан кичик).

هُوَ أَصْغَرُ مِنِّي قَامَةً – У мендан пастроқ. (сўзма-сўз: у мендан бўй жиҳатидан кичик).

هُوَ أَصْغَرُ مِنِّي عَقْلًا – У мендан ақлсизроқ. (сўзма-сўз: у мендан ақл жиҳатидан кичик).

Амалий машғулот учун топшириқлар

604–машқ. Қуйидаги феъллардан бир марталик ҳаракат номи ҳосил қилинг:

- | | | | | | | | | | | | |
|----|-----------|----|--------|----|---------|----|------------|----|-----------|----|-------------|
| 1 | تَظَاهَرَ | 2 | نَهَضَ | 3 | أَنَارَ | 4 | اسْتَقَالَ | 5 | ابْتَسَمَ | 6 | انْطَلَقَ |
| 7 | فَسَمَ | 8 | قَرَعَ | 9 | نَفَخَ | 10 | حَفَلَ | 11 | أَرَاقَ | 12 | اسْتَفْهَمَ |
| 13 | أَنْعَمَ | 14 | أَكَلَ | 15 | أَقَامَ | 16 | نَظَرَ | | | | |

605–машқ. Қуйидаги гаплар ичидан бир марталик ҳаракат номларини ва чекловларни топинг ҳамда гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الإنسان الحقيقي أكثر الناس حبا لوطنه وأطيهم قلبا. 2) يجب علي كل ساكن في الريف أن يبذل من عرقه حتى تكون أرضه أكثر خضرة وأغنى إنتاجا. 3) إن أذكيا الناس

أحسنهم أخلاقاً. 4) أيام الشباب أعظم نضارة من أيام الشيخوخة. 5) كيف كانت تبدو هذه القرية القفراء لزائريها إذا لم يكن فيها هذا الراعي الطيب فإنه يملأ سماءها أنعاماً. 6) أصبحت دور بلدنا تمتلئ نشاطاً واحتفالاً بمناسبة عيد استقلالنا. 7) طمأنني أختي بإيماءة خفيفة وخرجت من حجرتي بسرعة. 8) ازدادت الدنيا ضيقاً في عيني زينب وخصوصاً عندما دخل أبوها حجرتها. 9) إن أشد الأيام سروراً يصير أعظمها أسي وأسفاً. 10) لما عاد الحسين وجد أخته علي أحسن حال فسراً لذلك وقال مخاطباً إياها: - أ رأيت، إن أمي أحسن علاجاً للمرضي مني. 11) أتمني أن تبقي حياتي دمعة وابتسامة فالدمعة تطهر قلبي وتفهمني أسرار الحياة و غوامضها والابتسامة تدنيني من أبناء مجدي وتكون رمزا لسعادتي. 12) أريد أن أموت شوقاً ولا أريد أن أحيأ مللاً. 13) النظر إلى المدينة الجالسة كالشكلي تحت أطباق الثلوج يدمي قلبي... اسقى السراج زيتاً يا رفيقة عمري. 14) الموسيقى في الحفلة تملأ الجو ألحاناً مفرحة. 15) الأثير يحمل كل ابتسامة وكل تنهدة وهما تصعدان من أعماق قلوبنا. 16) - أهذا هو الإنسان؟ فأجابت بسكينة جارحة: هذه طريق النفس المفروشة شوكا وقطرباً. 17) اقترب الغني من المستعطي وقبله قبله المحبة والمساواة وملأ يده ذهباً. 18) اتركني أرشف الدمع شراباً وأنشق الحزن نسيماً وأذهب إلى الغرب. 19) التفتُ نحو الأزهار فرأيتها تذرف من عيونها قطرات الندي دمعاً. 20) من وراء جدران الحاضر علي مسرح الأجيال الآتية رأيت الجمال عريسا والنفس عروساً والحياة كلها ليلة القدر. 21) عشتُ في هذه الدنيا فرأيت العامل عبداً للتاجر والتاجر عبداً للجندي والجندي عبداً للحاكم والحاكم عبداً للملك. 22) كانت الأيام أخف وطأة علي صدري والليالي أقل سواداً أمام عيني.

§ 155. ҚУРОЛ ОТЛАРИ

Иш-ҳаракатни амалга ошириш воситасини билдирувчи отлар қурол отлари дейилади. Қурол отлари кўпинча I бобдаги ўтимли феъллардан *مِفْعَل*, *مِفْعَال*, *مِفْعَالَةٌ* вазнларида ҳосил бўлади. Масалан:

بَرَد – эговламоқ → *مَبْرُود* – эгов,

كَنَسَ – супурмоқ → *مَكْنَسَةٌ* – супурги,

فَتَحَ – очмоқ → *مِفْتَاح* – очкич.

Кейинги пайтларда араб тилида юқоридаги вазнлардан ташқари *فَعَالَةٌ* вазнида ҳам қурол отлари ҳосил қилинмоқда. Масалан: *ثَلَاجَةٌ* – музлатгич, *دَبَابَةٌ* – танк, *جَرَّارَةٌ* – трактор ва х.з.

Амалий машғулот учун топшириқлар

606-машқ. Қуйидаги феъллардан қурол отлари ҳосил қилинг:

1) *فَتَحَ* (2) *بَرَدَ* (3) *سَطَرَ* (4) *كَنَسَ* (5) *عَرَفَ*

607-машқ. Қуйидаги қурол отларининг қайси феълдан шакланганини аниқланг ва феълнинг маъносидан келиб чиқиб, қандай қурол эканини топинг:

- 1) *مَحْفَظَةٌ* (2) *مُمَسِّحَةٌ* (3) *مَطْرَقَةٌ* (4) *مِحْرَاطٌ* (5) *مِنْشَارٌ* (6) *مِسْوَاكٌ*
- 7) *مِنْجَلٌ* (8) *مِثْقَبٌ* (9) *مِلْعَقَةٌ* (10) *مِسْمَارٌ* (11) *مِرْآةٌ* (12) *مِضْرَبٌ*
- 13) *مِخْفَرٌ* (14) *غَسَّالَةٌ* (15) *دَبَابَةٌ* (16) *مِيزَانٌ* (17) *مِيرَآةٌ* (18) *مِیْصَارٌ*
- 19) *نَظَّارَةٌ* (20) *جَرَّارَةٌ* (21) *ثَلَاجَةٌ* (22) *مِحْسَنٌ* (23) *مِحْرَاقٌ* (24) *مِرْفَاعٌ*
- 25) *عَبَّارَةٌ* (26) *مِصْفَاةٌ*

608-ماشқ. Қуйидаги гаплар ичидан қурол отларини топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) قطعت هذه الصحيفة بالمقراض الكبير. 2) هذا المسمار من الحديد. 3) يحدد الفلاحون الحنطة والشعير بالمنجل. 4) تصنع المرأة من زجاجة وفضة. 5) مصنع التلاجات واقع في مدينة سمرقند. 6) يلبس معظم الشبان في الصيف النظارة السوداء. 7) المطرقة رمز العمل في المصانع أما المنجل فهو رمز العمل في المزارع. 8) أبو هذا الطالب كان مهندسا في مصنع الجرافات الكبير. 9) تسهل المكينة الكهربائية أشغال ربات البيت المنزلية. 10) تتم تنقية مياه الشرب في المدن الكبيرة بواسطة المصفاة الكهربائية. 11) الأقلام والدفاتر والمساطر من أهم أدوات التلاميذ الدراسية.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАТН

عليشير نوائي

عليشير نوائي هو الشاعر والعالم الفذ للشعب الأوزبكي وهو أحد من الشخصيات البارزة علي مستوى الأدب العالمي.

ولد الشاعر نوائي في التاسع من شهر فبراير عام ألف وأربعمئة وواحد وأربعين الميلادي في مدينة هرات وتحتفل جمهوريتنا سنويا بيوم ميلاد هذا المفكر العظيم علي أوسع نطاق كعيد ثقافي لشعب أوزبكستان. كان أبوه غياث الدين رجلا ذكيا مثقفا ولذا اهتم اهتماما كبيرا بتعليم ابنه وتثديبه فتعلم نوائي القراءة والكتابة وهو في الرابعة من عمره فأحب الأدب كما تعلم أساليب كتابة الخطوط وبرع فيها. قرأ عليشير كثيرا من مؤلفات الشعراء الفرس وتذوقها وبعد مدة قصيرة شرع في كتابة الأشعار.

بعد أن استولي حسين بايقرا زميل عليشير في الدراسة علي الحكم وأصبح ملكا تم تعيين عليشير وزيرا ومستشارا له وبالرغم من أنه انتسب إلي الطبقات العليا في المجتمع إلا أنه دافع دائما عن مصالح الشعب ودعا الناس في مؤلفاته إلي العدالة والفضيلة والأخلاق

الحميدة وشهر بالظلم والتعذيب وبذلك فقد اكتسب سمعة عظيمة بين البسطاء وعامة الشعب.

في ذلك الوقت الذي عاش فيه نوائي كانت تُعتبر كتابة المؤلفات باللغة التركية عيبا كبيرا ولكن جهود نوائي ومحبة الناس له سمحتا له بإبراز إمكانيات اللغة التركية الواسعة وأثبت أن اللغة التركية غنية وقوية مثل باقي اللغات الأخرى ولقد كتب نوائي أشعارا جيدة باللغة الفارسية أيضا وهذه الأشعار وُضعت في ديوانه المسمي بـ "ديوان الفاني".

في السنوات الأخيرة من عمره كتب نوائي عدة مجموعات شعرية وعلمية من بينها مؤلفته بعنوان "خمسة" وهي تضم خمس روايات شعرية وديوانه المسمي بـ "خزائن المعاني" وبذلك أضاف مساهمة كبرى في كنز الأدب العالمي وكذلك كتب في هذه الفترة مؤلفته العلمية المكرسة لمقارنة اللغتين التركية والفارسية وتُسمّى مؤلفته هذه بـ "محاكمة اللغتين" وهذه المؤلفة لها أهمية بالغة في دراسة تاريخ اللغة الأوزبكية.

وتوفي الشاعر نوائي في مدينة هرات في الثالث من يناير عام ألف وخمس مائة وواحد بعد أن ترك لنا حوالي أربعين مؤلفة أدبية وعلمية وأخلاقية.

609-ماشқ. Ўйигирма иккинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ёдланг ва ўзбекчага ўғиринг.

610-ماشқ. Ўйигирма иккинчи матн асосида қўйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) من هو عليشير نوائي؟ 2) متى وأين ولد نوائي؟ 3) ما اسم أبي نوائي؟ 5) متى تعلم عليشير القراءة والكتابة؟ 6) من هو حسين بايقرا؟ 7) عن مصالح من دافع نوائي كوزير و مستشار الدولة؟ 8) إلى أي شئ دعا الشاعر الناس في مؤلفاته؟ 9) ماذا اثبت نوائي طوال عمره؟ 10) هل كتب الشعراء الآخرون أشعارهم في ذلك الحين باللغة التركية؟ 11) هل لعليشير نوائي أشعار باللغة الفارسية أيضا؟ 12) ماذا كتب شاعرنا

العظيم في السنوات الأخيرة من عمره؟ 13) عن أي شيء بحث نواني في مؤلفته " محاكمة اللغتين؟" 14) متى توفي شاعرنا العبقرى؟ 15) لماذا نحتفل سنويا بيوم ميلاده كعيد قومي؟

611-ماشқ. Ёигирма иккинчи матндан ёрдамчи феълларни ажратиб олинг, уларнинг вазифасини аниқланг.

612-ماشқ. Ёигирма иккинчи матндан мутлақ инкорни, изоҳловчиларни, чекловни ва қурол отларини топинг.

613-ماشқ. Ёигирма иккинчи матн сўзларидан фойдаланиб, ўзбек мумтоз шоирларидан бирининг ҳаёти ҳақида ишио ёзинг.

614-ماشқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг.

أحد الشخصيات البارزة، على مستوى الأدب العالمي، بالرغم من ...، في السنوات الأخيرة، مؤلفات أدبية وعلمية وأخلاقية، مصنع الثلجات، معظم الشبان، مكسة كهربائية، تنقية مياه الشرب، أيام الشباب، في الأسبوع الماضي، الأماكن التاريخية، أشجار النخيل العالية، استقبال حار، صدى الصوت، فكرة جميلة، أفراد العائلة، انتصف النهار، بصورة عفوية، قصص نجيب محفوظ، شعاع الفجر، ضحية بريئة، بريق الذبحر والألم، في قديم الزمان، لغتنا العربية، علي متن الطائرة، شوارع طشقند، مصنع السيارات الحديثة بأسكته، موضوع لا قيمة له، خفايا الإنسان، عروس الأحلام.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚИСМ
ЯНГИ ИБОРАЛАР

ابن عشرين йигирма ёшли

йигит

أحمد شوقي Аҳмад Шавқий

(Миср шоири)

أم كلثوم Умм Кулсум (Миср

хонандаси)

إنجلترا Англия

بالأكمل тўлалигича

البردة «Бурда» касидаси,

касидаи Бурда (пайгамбаримизга бағишланган)

بُطرسبرج Петербург

بقيادة ...бошчилигида

جامعة عدن Адан университети

جبل روينزور тоғи

جبل كليمانجارو

тоғи

جبل مونت كينيا тоғи

جملة اسمية от кесимли гап

جملة فعلية феъл кесимли гап

جمهورية اليمن الديمقراطية الشعبية

Яман Халқ Демократик

Республикаси

حفظ عن ظهر القلب I ёд олмоқ,

ёдламоқ

دجلة Тигр (дарё)

رأس الرجاء الصالح Яхши Умид

бурни (Африкада)

روسيا الاتحادية Россия Федера-

цияси

رياض السباطي Риёз ас-Сунбо-

тий (Миср бастакори)

السافانا Саванна

شهادة السائقين ҳайдовчи гувоҳ-

номаси

صلى الله عليه وسلم у Зотга Аллоҳ-

нинг салавоти ва саломи

бўлсин! (пайгамбаримизнинг исмларига қўшиб айтиладиган ибора)

طبقا ...га асосланиб

على مبعده من ...дан узокда

عز فاسلي ёз фасли

داووميدا, ёз бўйи

الفرات Евфрат (дарё)

قاموس المنجد «Ал-Мунжид»

луғати

قناة السويس Сувайш канали

قهوة قذقد қадқад қаҳваси

(Жазоирдаги қаҳва турларидан бири)

قهوة موز муз қаҳваси (Жазоирдаги қаҳва турларидан бири)

كalahari Калахари (тоғ)

كلية دار العلوم Дору-л-улум

факультети (Қоҳира университетиде)

لقب ادبي адабий тахаллус

المجلس الأعلى Олий Мажлис

المحيط الأطلنطي Атлантика

океани

المحيط الهندي Ҳинд океани

مرعى استوائي тропик ўсимлик

مسقط قاني шовва, шаршара

مقياس النيل ниломер, Нил

дарёси сувини ўлчайдиган курилма

ميهايرتز мегагерц

نهر الكونغو Конго дарёси

نهر النيجر Нигерия дарёси

§ 156. SON

Араб тилида ҳам сонлар санок ва тартиб сонларга бўлинади. Санок сонлар ҳам, тартиб сонлар ҳам куйидаги сўзлар асосида ясалади:

Сонлар	Мз	Мн
бир	واحد، أحد	واحدة، إحدى
икки	اثنان	اثنتان
уч	ثلاث	ثلاثة
тўрт	أربع	أربعة
беш	خمسة	خمس
олти	ست	ستة
етти	سبع	سبعة

саккиз	ثَمَان	ثَمَانِيَّة
тўкқиз	تِسْع	تِسْعَةَ
ўн	عَشْرَ (عَشْر)	عَشْرَةَ (عَشْرَة)
йигирма	عِشْرُونَ	عِشْرُونَ
ўттиз	ثَلَاثُونَ	ثَلَاثُونَ
кирк	أَرْبَعُونَ	أَرْبَعُونَ
эллик	خَمْسُونَ	خَمْسُونَ
олтмиш	سِتُونَ	سِتُونَ
етмиш	سَبْعُونَ	سَبْعُونَ
саксон	ثَمَانُونَ	ثَمَانُونَ
тўқсон	تِسْعُونَ	تِسْعُونَ
юз	مِائَةٌ (مِائَة)	مِائَةٌ (مِائَة)
минг	أَلْف	أَلْف
миллион	مِلْيُون	مِلْيُون
миллиард	مِلْيَار	مِلْيَار

Эслатма. Бу сонлар ичидан إِحْدَى – келишикда турланмайдиган сўз, اثنان - اثنان – иккилик сон каби турланадиган сўз, 20 дан 90 гача сонлар музаккар тўғри кўплик каби, қолганлари эса уч келишикли сўзлардир.

اَحَدٌ сўзи гапда «кимдир» гумон олмоши ёки инкор гапларда «ҳеч ким» маъносида ҳам ишлатилади. Масалан:

جَاءَنِي أَحَدٌ – Олдимга кимдир келди.

مَا جَاءَنِي أَحَدٌ – Олдимга ҳеч ким келмади.

Амалий машғулот учун топшириқлар

615-машқ. Сонларни ифодаловчи сўзларни ёд олинг.

616-машқ. Қуйидаги сонларни музаккар ва муаннас жинсда арабча айтинг:

Саксон, минг, миллиард, етмиш, икки, ўн, йигирма, тўксон, тўрт, юз, саккиз, олти, қирқ, бир, етти, беш, эллик, уч, олтмиш, миллион.

§ 157. 1-10 гача САНОҚ СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

1 ва 2 санок сонини ифодалаш учун сонни ишлатмаслик мумкин, чунки бирлик ва иккилик грамматик категорияси предметнинг битта ёки иккиталигини кўрсатиб туради. Масалан:

كِتَابٌ – китоб ёки битта китоб,

مَجَلَّتَانِ – иккита журнал.

Лекин предметнинг бир ёки иккиталиги таъкидланиши керак бўлса, (وَاحِدَةً) (وَاحِدٌ), ёки اثنان (اثنان) сонлари саналмиш отдан кейин қўйилади ва саналмиш от билан мослашган аниқловчи каби тўрт жиҳатдан мослашади. Масалан:

لِي كِتَابٍ وَاحِدٍ – Менда битта китоб бор.

فِي الْكِتَابِ الْوَاحِدِ حَقِيقَةٌ – Битта китобда хақиқат бор.

أَشْتَرَيْتُ كِتَابًا وَاحِدًا – Битта китоб сотиб олдим.

فِي الْمَجَلَّتَيْنِ الْاِثْنَيْنِ مَقَالَتَانِ – Икки журналда иккита мақола бор.

إِنَّ هَاتَيْنِ الْمَجْلَتَيْنِ الْأَثْنَيْنِ تُعْجِبَانِي – Чиндан бу иккита журнал менга ёқади.

3 - 10 гача бўлган сонлар саналмиш билан икки усулда бирикади:

1. Сон билан саналмиш от изофа ташкил этади. Бунда сон музоф, саналмиш от музоф илайҳи бўлиб келади. Сон саналмиш от бирлигининг жинсига тескари жинсда келади, саналмиш от эса, ноаниқ ҳолатда кўпликда келади. Масалан:

أَرْبَعَةُ بُيُوتٍ – тўртта уй,

سَبْعُ عُرُفٍ – еттита хона,

عَشْرَةُ أَيَّامٍ – ўн кун.

8 сони муаннас от билан ишлатилганида, келишикларда قَاصٍ عَالٍ, сўзи каби турланади. Масалан:

ثَمَانِي سَاعَاتٍ – 8 соат,

فِي ثَمَانِي سَاعَاتٍ – 8 соатда,

أَنْتَظَرْنَا ثَمَانِي سَاعَاتٍ – 8 соат кутдик.

Изофа қоидасига мувофиқ гапдаги бажараётган вазифасига қараб, соннинг келишиги ўзгаради холос. Масалан:

فِي أَرْبَعِ عُرُفٍ طُلَّابٌ – Тўртта хонада талабалар бор.

أَشْتَرَتِ الْجَامِعَةُ سَبْعَةَ بُيُوتٍ – Университет еттита уй сотиб олди.

عُطَلْنَا الشَّتَوِيَّةَ عَشْرَةَ أَيَّامٍ – Қишки каникулимиз ўн кун.

Умумий қоидага биноан бундай изофалар **مِنْ** предлоги ёрдамида ажратилиши ҳам мумкин. Масалан:

رَأَيْتُ أَرْبَعَةَ مِنَ الطُّلَّابِ – Тўрт талабани кўрдим.

3 - 10 гача бўлган маълум сонни билдирган «бир неча» сўзи ҳам (بِضْعَةٌ، بَضْعٌ) саналмиш от билан 3 - 10 гача бўлган сон каби изофа ҳосил қилади. Масалан:

بِضْعَةُ أَيَّامٍ – бир неча кун,

بِضْعُ لَيَالٍ – бир неча тун.

2. Аввал саналмиш от, сўнг сон келади. Бунда ҳам соннинг жинси саналмиш отнинг жинсига тескари бўлиши шарт. Гапдаги вазифасига қараб икковининг келишиги ўзгариши мумкин. Масалан:

الأَرْكَانُ الْخَمْسَةُ لِلْإِسْلَامِ – Исломнинг беш рукни,

تَعَلَّمْنَا الْأَرْكَانَ الْخَمْسَةَ لِلْإِسْلَامِ – Исломнинг беш рукнини

ўргандик. الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ – Беш вақт намоз.

Амалий машғулот учун топшириқлар

617-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) عائلتنا عبارة عن ثمانية أشخاص. (2) في مجموعتنا سبعة طلاب وتسع طالبات.
- 3) قرأت هذا النص خمس مرات وحفظته عن ظهر قلبي. (4) جاء إلي بيتنا اليوم ثلاث جرائد وأربع مجلات. (5) اشتريت من دكان الصحف مجلة واحدة وجريدتين اثنتين.
- 6) أختي أصغر مني بخمس سنوات. (7) يعمل أبونا في مصنع الطائرات منذ عشر سنوات.
- 8) تدرس أختي الكبيرة اللغتين العربية والفارسية في معهد الاستشراق بطشقند أما أختي الصغيرة فتكون بعد ثلاث سنوات طالبة بجامعة أوزبكستان الأهلية. (9) جرح مالك جرحا بليغا وبقي تحت العلاج ستة أشهر كاملة، منها ثلاثة في بيت العجوز صانعة الفخار.
- 10) أنواع القهوة ثلاثة: قهوة "موز" بها قليل جدا من السكر وقهوة "قدقد" يتساوى فيها مثقالا السكر واللبن وقهوة حلوة. (11) القرية سليمة بين أحضان الجبال وسكانها نيام

ولكن جدي لم تستطع يوما وتقلبت عشرات المرات في فراشها. 12) كان الموقد حفرة صغيرة في الأرض بزاوية البيت وإلى جانبه الأثافي الثلاث لا تزال نظيفة.

618-машқ. Қуйидаги ибораларни арабчага ўғиринг:

Учта талаба, саккизта дугона, иккита ўқитувчи, тўртта китоб, еттита дарс, тўққизта хона, бешта доска, олтита гап, саккизта дераза, ўнта газета, еттита институт, иккита университет, битта Ватан, уч минут, бешта журнал, олтита қалам, ўнта стол, еттита шаҳар, тўртта чизғич.

619-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Талабалар кеча бу журналдан тўртта мақолани таржима қилдилар. 2. Биз бу қийин дарснинг олтита машқини бажардик. 3. Мен эрталаб икки пиёла қайнатилган сут ичдим. 4. Дўстим бу машқдаги тўққизта гапни уч минутда ўқиб бўлди. 5. Акам Искандария шаҳрида беш кун турган. 6. Бу стол устида еттита арабча ва учта инглизча газета турипти. 7. Ҳар бир талаба университетда бу йилдан бошлаб тўрт йил ўқийди. 8. Гуруҳимизда ҳозир бешта толиб ва саккизта толиба мавжуд. 9. Дўстимнинг квартирасида ҳозир ҳеч ким йўқ. Ҳаммалари ишга ва ўқишга кетишган. 10. – Йўлда бирор кишини учрата олдингизми (ми)? – Йўқ, йўлда мен ҳеч кимни учратмадим. 11. Бу ҳақида мен сизларга икки соатдан кейин айтиб бераман. 12. Беш минутдан кейин дарсларга кўнғироқ чалинади.

620-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида гаплар тузинг:

1) أربع غرف، 2) من ثلاث نوافذ، 3) باب واحد، 4) أريكتان، 5) ستة كتب، 6) ثلاث خرائط، 7) ثمانى دور السينما، 8) عشر مدن صغيرة، 9) خمس قري، 10) سبعة أبحر، 11) تسعة بيوت، 12) أربعة شوارع، 13) ساحتان كبيرتان، 14) أربعة مفاتيح.

621-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг.

Шоҳимардон тоғлари; менинг энг яхши ашулам; узокдан келаётган куй овози; кўшни аёллар; қариндошларимнинг иродаси; машҳур мисрлик ёзувчи; зўр иштиёқ билан; катта ютуқларга эришмок; арабларнинг шевалари; Нил дарёси; Тошқент Шарқшуноелик институти; эртага худди шу пайтда; ички қонун-қоидалар; Аҳмад Ал-Фарғонийнинг юрти; тарихий обидалар; Наманганнинг олмаси; миллий ҳунармандчилик намуналари; Наманган университети талабалари; ҳаммангизга саломлар; ёшлик йилларимиз; ёзги каникул; порлоқ ва мунаввар келажак; саноати тараққий этган мамлакат; қора чой; ҳосилдор ер.

§ 158 11 - 19 гача САНОҚ СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

11 - 19 гача бўлган сонлар саналмиш билан қуйидагича муносабатда бўлади:

1. 11 сони саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади ва ҳар уч келишиқда ҳам танвинсиз тушум келишиғида келади. Саналмиш от эса ноаниқ ҳолатда

бирликда тушум келишигида келади. 1 сони учун أَحَدٌ -
إِحْدَى варианты ишлатилади. Масалан:

فِي مَدِينَتِنَا أَحَدَ عَشَرَ مَتْحَفًا – Шаҳримизда 11 та музей бор.

فِي مَدِينَتِنَا إِحْدَى عَشْرَةَ مَكْتَبَةً
бор.

فِي أَحَدَ عَشَرَ مَتْحَفًا – 11 та музейда.

فِي إِحْدَى عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – 11 та кутубхонада.

زُرْنَا أَحَدَ عَشَرَ مَتْحَفًا – 11 та музейни зиёрат қилдик.

2. 12 сони ҳам саналмиш от билан шундай муноса-
батда бўлади. Фақат 2 сони أَنْتَا، أَنْتَا шаклида, қаратқич ва
тушумда эса أَنْتِي، أَنْتِي шаклида бўлади. Масалан:

لِجَارِنَا أَنْتَا عَشْرَ وَوَلَدًا – Қўшнимизнинг 12 та боласи бор.

جَاءَتِ أَنْتَا عَشْرَةَ طَالِبَةً – 12 та толиба келди.

فِي أَنْتِي عَشْرَ بَيْتًا – 12 та уйда.

فِي أَنْتِي عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – 12 та кутубхонада.

3. 13 - 19 гача бўлган сонлар ҳар доим танвинсиз
тушум келишигида бўлади. Бирлар хонасининг жинси
саналмиш от жинсига тесқари, ўнлар хонасининг жинси
саналмиш от жинси билан бир хил бўлади. Масалан:

سَبْعَةَ عَشَرَ عَامًا – 17 йил,

فِي سَبْعَةَ عَشَرَ عَامًا – 17 йилда,

تِسْعَ عَشْرَةَ مَدِينَةً – 19 та шаҳар,

فِي تِسْعَ عَشْرَةَ مَدِينَةً – 19 та шаҳарда,

أَرْبَعَ عَشْرَةَ طَاوِلَةً – 14 та стол.

§ 159. 20 - 99 гача САНОҚ СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Бу сонларни ишлатишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. 21, 31, 41 ва ҳ.к. 91 даги 1 рақами учун кўпинча *وَاحِدٌ* – *وَاحِدَةٌ* варианты олинади ва у саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади. Бирлар хонаси билан ўнлар хонаси *و* боғловчиси ёрдамида бирикади ҳамда саналмиш от бирликда ноаниқ ҳолатда тушум келишигида келади. Сонлар эса ҳар уч келишикда уч хил турланади:

وَاحِدٌ وَثَلَاثُونَ مِثْرًا – 31 метр,

وَاحِدَةٌ وَ عِشْرُونَ مَجَلَّةً – 21 та журнал,

فِي وَاحِدٍ وَ ثَلَاثِينَ مِثْرًا – 31 метрда,

قَرَأْتُ وَاحِدَةً وَ عِشْرِينَ مَجَلَّةً – 21 та журнални ўқидим,

ثَمَنُ وَاحِدَةٍ وَ عِشْرِينَ مَجَلَّةً – 21 та журналнинг нархи.

2. 22, 32, 42 ва ҳ.к. 92 даги 2 рақами учун *اِثْنَانٌ* – *اِثْنَانٌ* сўзлари олинади ва у саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади. Бу сонларнинг саналмиш от билан бирикуви 21, 31, 41 кабиларнинг бирикуви билан бир хил бўлади.

Масалан:

اِثْنَانٌ وَ عِشْرُونَ كِتَابًا – 22 та китоб,

فِي اِثْنَيْنِ وَ عِشْرِينَ كِتَابًا – 22 та китобда,

قَرَأْتُ اِثْنَيْنِ وَ عِشْرِينَ مَجَلَّةً – 22 та журнални ўқидим,

اِثْنَانٌ وَ خَمْسُونَ مَجَلَّةً – 52 та журнал,

فِي اِثْنَيْنِ وَ خَمْسِينَ مَجَلَّةً – 52 та журналда,

اَشْتَرَيْتُ اِثْنَيْنِ وَ خَمْسِينَ مَجَلَّةً – 52 та журнал сотиб олдим.

3. 23, 33, 43 ва ундан юқори сонларда бирлар хонаси саналмиш от билан жинсда тескари мослашади. Ўнлар хонаси билан و боғловчиси ёрдамида бирикади. Ҳар уч келишиқда турланади. Саналмиш от бирликда ноаниқ ҳолатда тушум келишиғида келади. Масалан:

تِسْعَةَ وَ أَرْبَعُونَ مِثْرًا – 49 метр,

فِي تِسْعَةِ وَ أَرْبَعِينَ مِثْرًا

سِتُّ وَ ثَمَانُونَ رِيشَةً

أَشْتَرَيْتُ سِتًّا وَ ثَمَانِينَ رِيشَةً – 86 та перо сотиб олдим.

4. 20 - 90 гача яхлит сонлар билан келган саналмиш от бирликда тушум келишиғида ноаниқ ҳолатда келади. Гапдаги вазифасига кўра, келишиқларда соннинг ўзи турланади. Масалан:

عِشْرُونَ كِتَابًا – 20 та китоб,

فِي عِشْرِينَ كِتَابًا

قَرَأْتُ عِشْرِينَ كِتَابًا – 20 та китоб ўқидим.

Амалий машғулот учун топшириқлар

622-машқ. Қуйидаги рақамларни музаккар ва муаннас жинсда арабча айтинг:

Йигирма беш; ўн олти; тўксон тўққиз; ўттиз беш; қирқ икки; эллик бир; ўн сакқиз; йигирма тўққиз; ўн бир; эллик тўрт; йигирма икки; ўн икки; олтмиш тўққиз; ўттиз олти; ўн уч; саксон сакқиз; ўн тўққиз; етмиш икки.

623-машиқ. Қўйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

1) في هذا الكتاب المدرسي ثمانى عشرة حكاية صغيرة. 2) في تلك المدينة ثلاث مكتبات وأربع وستون مدرسة ثانوية ومسرحان وعدة دور السينما. 3) في السنة الماضية قرأنا من هذا الكتاب المدرسي سبعة وأربعين درسا. 4) سأل صديقي المعلم عن أربعة وعشرين سؤالاً. 5) سمعت من أخي الكبير أن أستاذنا كتب في هذه السنة اثنتي عشرة مقالة مهمة في المجلات العلمية المختلفة. 6) عمر والدي الآن اثنان وخمسون سنة. 7) كل يوم في كليتنا أربعة دروس. 8) في كل درس ثمانون دقيقة. 9) توجد في هذا الدرس سبع وأربعون كلمة وخمس عشرة عبارة عربية وأحد عشر تمريناً نحويًا وصرفيًا. 10) حصل خمسة وثلاثون تلميذاً علي شهادات السائقين. 11) أقصر شهر السنة هو شباط (فبراير) وفيه ثمانية وعشرون أو تسعة وعشرون يوماً. 12) في هذا الشارع الكبير تسعة وتسعون بيتاً ضخماً. 13) درسنا اليوم في الدرس ثمانى عشرة كلمة عربية جديدة. 14) قرأنا في هذا الكتاب المدرسي خمسة عشر درسا. 15) كان المكان المعين يبعد عن المدينة حوالي خمسة عشر كيلومتراً. 16) لم تكن سن صديقي تتجاوز ثمانيا وعشرين سنة. 17) ابن عشرين رأى بالأمس علي الينبوع صبية جالسة بين الصبايا فأحبها. 18) قد سرتُ خمساً وعشرين مرة حول الشمس ولا أدري كم مرة سار القمر حولي.

624-машиқ. Қўйидаги ибораларни арабчага ўғиринг:

Ўн битта журнал; ўн еттита китоб; йигирма саккизта ўчирғич; ўттиз иккита чизғич; қирқ тўртта дафтар; элликта портфель; олтмиш тўққизта стул; етмиш тўрт-та стол; саксон саккизта қалам; тўқсон еттита уй; ўн тўртта хона; ўн иккита мақола; ўн бешта дўст; ўн етти-та толиб; ўн олтита бино; эллик тўртта эшик; олтмиш иккита шаҳар; ўттиз йил; йигирма

бешта газета; етмиш бешта маъруза; саксон битта ўқувчи қиз.

625-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўзгиринг:

1. Бугун шахримизда ҳаво ҳарорати ўттиз тўққиз даражага кўтарилди. 2. Бу бинода қирқ учта квартира бор. 3. Катта хонадаги ўн иккита стулни, диванни ва ойнани магазиндан кеча сотиб олдик. 4. Дугонам бугун ўттиз иккита янги сўзни ёд олди. 5. Бир кун йигирма тўрт соатдан иборат. 6, Айрим ойларда ўттиз кун, айримларида эса, ўттиз бир кун бор. 7. Бизнинг ён кўшнимиз ўн икки фарзандни тарбиялаган. 8. Акам кеча фарзандларига бозордан олтмиш тўртта дафтар олиб келди. 9. Дарсликдаги бу матнда ўттиз олтита номаълум сўз бор. 10. Кўп қаватли бу бинода олтмиш тўққизта одам яшайди. 11. Томошабинлар хонанда аёлнинг бу ашуласига тахминан ўн беш минут қарсак чалдилар. 12. Нефтни қайта ишлаш заводига яна қирқ бешта янги ишчи қабул қилинди. 13. Бизнинг курсимизда ҳозир олтмиш саккизта толиба ўқийди, йил бошида уларнинг сони етмиш тўртта эди. 14. Амир Темур хотирасига бағишланган илмий-назарий конференция университетимизда ўн уч кун давом этди. 15. Араб мамлакатлари радиоэшиттиришларини ўттиз бир ва йигирма беш метрли тўлқинларда ҳар куни эшитишларингиз (мз.) мумкин. 16. Бу машҳур ёзувчининг янги қиссасидан саксон уч бетни тўрт минут ичида ўқиб бўлдим.

626-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида арабча гап тузинг:

Ўттиз олтита газетадан, қирқ бешта ишчи ҳузурида, эллик иккита ўқувчи болани, олтмиш саккизта толиба,

етмиш еттита журналда, ўттиз еттита ўқитувчи билан бирга, эллик иккита аудитория учун, ўн олтита ойна ёнида, қирқ иккита кўприк устида, йигирма олтита мамлакатдан, ўн иккита стол устида, ўттиз саккизта пиёлани.

627-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганнг, сўз ва ибораларини ёд олинг:

أولوغيك: إنني أود أن أمتحنك يا نجيب كطالب مجتهد مصري، من هو أحمد شوقي.

نجيب: أحمد شوقي هو شاعر مصري مشهور جدا.

أولوغيك: هل له لقب أدبي؟

نجيب: نعم، له لقب أدبي وهو أمير الشعراء.

أولوغيك: لماذا هو يسمي بهذا اللقب؟

نجيب: لأنه أشهر وأفد شاعر مصري.

أولوغيك: أين ومتي ولد أحمد شوقي؟

نجيب: إنه ولد عام 1868 م في القاهرة.

أولوغيك: وأين تعلم؟

نجيب: تعلم أولا في القاهرة ثم سافر إلى فرنسا وواصل دراسته.

أولوغيك: هل هو زار البلدان الأخرى أيضا؟

نجيب: زار أحمد شوقي إنكلترا والجزائر وإسبانيا.

أولوغيك: ما اسم ديوانه الشعري؟

نجيب: يسمي ديوانه بـ "الشوقيات" ويضم ديوانه هذا معظم أشعاره الشهيرة.

أولوغيك: هل له مسرحيات أيضا؟

نجيب: نعم، له عدة مسرحيات.

أولوغيك: وما اسم قصيدته عن سيدنا محمد صلي الله عليه وسلم؟

نجيب: إنما تسمى "فمّج البردة" وهذه القصيدة لا تزال في أفواه المصريين والعرب جميعا لأن سيدة الغناء العربي كوكب الشرق أم كلثوم غنتها في حينها في تلحين الموسيقار العظيم رياض السنباطي.

أولوغبيك: أنت يا نجيب طالب مجتهد ونشيط فعلا، شكرا جزيلًا لإجابتك.

628-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Солим: Айтинг-чи, дўстим Бекпўлат, Абдулла Қодирий ким бўлган?

Бекпўлат: Абдулла Қодирий ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлган.

Солим: У қачон ва қаерда туғилган?

Бекпўлат: У 1894 йилда Тошкентда савдогар оиласида дунёга келган.

Солим: Қодирий қаерларда ўқиган?

Бекпўлат: У аввал эски услубдаги мактабда, сўнг рус мактабида таълим олган.

Солим: Бирор журналга у асос солганми?

Бекпўлат: Ҳа, у «Муштум» сатирик журнали асосчилари ва иштирокчиларидан биридир. Унинг жуда кўп ҳикоя, мақола ва турли хабарлари шу журналда чоп этилган.

Солим: Унинг йирик асарлари ҳам бўлса керак?

Бекпўлат: Албатта. У ўзбек романчилигининг отасидир. 1925 йилда у «Ўтган кунлар» романини ёзган. Унда ўзбек халқининг ўн тўққизинчи асрдаги ҳаёти тасвирланган.

Солим: Бошқа роман ҳам ёзганми?

Бекпўлат: Ҳа, унинг иккинчи романи «Меҳробдан чаён» деб аталади. Бу романда Худоёрхон замонида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинади.

Солим: Қишлоқ ҳаётига бағишланган асари ҳам борми?

Бекпўлат: Ҳа, у қишлоқ ҳаётига оид «Обид кетмон» романини ёзган.

Солим: Ёзувчи қачон вафот этган?

Бекпўлат: У 1937 йилда миллатчиликда айбланиб, ўлимга ноҳақ ҳукм этилган ва, афсуски, ҳукм ижро этилган.

Солим: Қодирий ҳақидаги бу маълумотларингиз учун сизга катта раҳмат, дўстим Бекпўлат.

Бекпўлат: Арзимаиди. Саломат бўлинг, дўстим Солим.

§ 160. 100 ВА УНДАН ОРТИҚ САНОҚ СОНЛАР

Бу сонларни ишлатишда қуйидагиларни билиш керак:

1. 100, 1000 каби яхлит сонлар саналмиш от билан изофа ҳосил қилади. Музоф илайҳи бўлиб келган саналмиш от ноаниқ ҳолатда бирликда келади. Масалан:

مِئَةُ مَسَاءٍ – юз окшом,

فِي مِئَةِ مَسَاءٍ – юз окшомда,

قَضَيْنَا مِئَةَ مَسَاءٍ – юз кечани ўтказдик,

أَلْفُ لَيْلَةٍ – минг кеча,

فِي أَلْفِ لَيْلَةٍ – минг кечада,

قَضَيْتُ أَلْفَ لَيْلَةٍ – минг кечани ўтказдим.

2. 200 ва 2000 каби яхлит сонлар ҳам шу тахлит ясалади. Фақат бу сонларнинг иккилик шакли олинади. Масалан:

مِئَاتَا مِائَةٍ – 200 оқшом,

فِي مِئَاتِي مِائَةٍ – 200 оқшом,

أَلْفَا لَيْلَةٍ – 2000 кеча,

فِي أَلْفِي لَيْلَةٍ – 2000 кечада ва ҳ.з.

3. 1000 гача бўлган юзликларда «юз» сўзига саналмиш от сифатида қаралади, лекин у бирликда келади. Саналмиш от билан эса изофа занжири ҳосил қилинади. Масалан:

ثَلَاثُونَ مِئَةً – 300 ,

أَرْبَعُونَ مِئَةً – 400 ,

خَمْسُونَ مِئَةً – 500 ,

سِتُّونَ مِئَةً – 600 ,

ثَلَاثُونَ تَالِبًا – 300 та талаба ,

مِنْ ثَلَاثِينَ تَالِبًا – 300 та талабадан ,

رَأَيْتُ ثَلَاثِينَ تَالِبًا – 300 та талабани кўрдим – ва ҳ.з.

4. Юзлик сонлар ичида ўнлик ва бирлик сонлар ҳам аралаш бўлса, аввал юзликлар, сўнг бирлик ва охирида ўнлик хонаси ёзилади. Саналмиш от 11 дан 99 гача қандай тарзда бўлса, бунда ҳам шундай тарзда бўлади. Масалан:

سِتُّونَ وَسَبْعَةٌ وَثَمَانُونَ بَيْتًا – 687 та уй

فِي سِتِّينَ وَسَبْعَةٍ وَثَمَانِينَ بَيْتًا – 687 та уйда

بَيْنَا سِتِّينَ وَسَبْعَةٍ وَثَمَانِينَ بَيْتًا – 687 та уй кўрдик

946 та хона – تِسْعَمِئَةٌ وَسِتُّ وَأَرْبَعُونَ غُرْفَةً

946 та хонада – فِي تِسْعَمِئَةٍ وَسِتِّ وَأَرْبَعِينَ غُرْفَةً

946 та хонани кўрдик – رَأَيْنَا تِسْعَمِئَةً وَسِتًّا وَأَرْبَعِينَ غُرْفَةً

5. Яхлит сонлардан кейин 1 ёки 2 сони кўшилса, у куйидагича бўлади:

502 та қалам – أَلْفٌ لَيْلَةٌ وَ لَيْلَةٌ , خَمْسُمِئَةٌ قَلَمٌ وَ قَلَمَانِ

6. Агар минглар хонаси ўн минггача бўлса, «минг» сўзига саналмиш от сифатида қаралади ва у олдинги рақам билан изофага киришади. Юзлар хонаси юқорида кўрганимиздек ёзилади. Масалан:

5000 та китоб – خَمْسَةَ آلَافِ كِتَابٍ

5235 та журнал – خَمْسَةَ آلَافٍ وَ مِئَتَانِ وَ خَمْسٌ وَ ثَلَاثُونَ مَجَلَّةً

7. Агар минглар хонаси юзликлардан иборат бўлса (Масалан: 365723), минг сўзига саналмиш от сифатида қаралади ва шу тартибда ёзилади. Масалан:

365723 та китоб – ثَلَاثُمِئَةٌ وَ خَمْسَةٌ وَ سِتُّونَ أَلْفًا وَ سَبْعُمِئَةٌ وَ ثَلَاثَةٌ وَ

عِشْرُونَ كِتَابًا

8. Миллион ва миллиард сўзлари иштирок этганида, улар минглардан олдин келади ва уларнинг ёзилиши мингликлар каби бўлади:

7683528 та дафтар – سَبْعَةٌ مِلايِينَ وَ سِتِّمِئَةٌ وَ ثَلَاثَةٌ وَ ثَمَانُونَ أَلْفًا وَ

خَمْسُمِئَةٌ وَ ثَمَانِيَةٌ وَ عِشْرُونَ دَفْتَرًا

Амалий машғулот учун топшириқлар

629-машқ. Куйидаги сонларни музаккар ва муаннас жинсда арабча айтинг:

131, 202, 1001, 2003, 3692, 999, 1999, 15732, 20318, 36666, 58002, 67701, 78129, 88888, 90021, 150001, 183246, 1741310, 6823000, 83412548, 651536021, 49532841372.

630-ماشқ. Қўйидаги сонларни сўзлар билан ёзинг:

- 1) 212 جريدة، 2) 346 طاولة، 3) 400 مطعم، 4) 897 طالب،
- 5) 1000 سنة، 6) 18000 ضابط، 7) 109 دول، 8) 2000 مشترك،
- 9) 200 مدرس، 10) 4620 كتاب، 11) 2000 دفتر، 12) 200002 قلم،
- 13) 345789 بطاقة.

631-ماشқ. Қўйидаги гапларда учрайдиган сонларни сўзлар билан ёзинг, гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўгиринг:

- 1) في تلك البلدة 3572 بيتا. 2) في هذه القرية الصغيرة 653 نسمة. 3) دخل جامعة تخمنان في هذه السنة 775 طالبا. 4) بلغ عدد العمال في معمل الغزل والنسيج 2000 عامل و200 عاملة. 5) في السنة 365 يوما. 6) ذهب الطلاب إلى القرية ليساعدوا الفلاحين في جني القطن وفي هذه الأيام يجني كل من الطلاب أكثر من 200 كيلو غرام من القطن في اليوم. 7) يسكن في جمهورية أوزبكستان حوالي 24000000 من السكان. 8) القاموس العربي الروسي للبروفيسور بارانوف يحتوي على أكثر من 42000 كلمة أما قاموس المنجد فهو عبارة عن حوالي 90000 كلمة. 9) علماء جامعة تخمنان قد ألفوا قاموسا عربيا أوزبكيا وتوجد في هذا القاموس الجديد حوالي 50000 كلمة عربية.
- 10) عاصمة أوزبكستان طشقند كبيرة وواسعة جدا ويدخلها جوا وبرا كل يوم عشرات آلاف من الضيوف والزوار. 11) تستلم مكتبة جامعتنا العلمية 8458 كتابا سنويا.
- 12) تحمل سيارة النقل هذه 5500 طن من البضائع. 13) يساوي طول السفينة 103 أمتار أما عرضها فهو 14 مترا. 14) 361000000 كيلومتر مربع من سطح الأرض عبارة عن الماء وهذا الجزء من الكرة الأرضية يحتوي على 1300000000 كيلومتر مكعب من الماء. 15) هذه الباخرة الضخمة مزودة بمحركين وقوة كل منهما 1400 حصان.
- 16) إن مصطفى الثالث سلطان الأتراك كان له 582 ابنا ولم ينجب بنتا واحدة.

18) مساحة المصنع كانت 4055 مترا مربعا في البداية وبعد مرور 3 سنوات أصبحت 92400 متر مربع.

632-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг.

1. Йўлсозлар бир йилда уч минг тўрт юз километр асфальт йўл ётқиздилар. 2. Самолётнинг ўртача вазни тўрт минг беш юз тонна келади. 3. Вилоятимизнинг марказий кутубхонасида ҳозир уч миллион етти юз тўқсон беш минг икки юз олтимиш бешта китоб сақланмоқда. 4. Тошкент ҳайвонот боғида уч юз йигирма етти турдаги ҳайвон, бир юз саксон олти турдаги турли қушлар ва бир неча турдаги сув ҳайвонлари мавжуд, яқинда ҳайвонот боғи маъмурияти яна бир юз ўттиз бешта ҳайвонлар ва қушлар сотиб олди. 5. Бир соатда уч минг олти юз секунд бор. 6. Сизлар (мз.) ҳозир араб тилининг кўпгина грамматик қоидаларини ва тахминан олти юз элликта арабча сўз биласизлар. 7. Бухородаги Минорайи калоннинг қурилганига минг йилдан ошди. 8. Бу йил ер юзидаги аҳоли сони олти миллиардга етади. 9. Африка қитъасининг майдони ўттиз миллион уч юз минг квадрат километр дир. 10. Бобом бир юз ўн бир йил яшадилар ва бундан икки йил олдин вафот этдилар. 11. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бундан беш юз эллик саккиз йил илгари Ҳирот шаҳрида туғилган. 12. Фуқаро авиациясига қарашли замонавий самолётлар ҳозир тўққиз минг, ўн минг метр баландликда учади. 13. Тошкент ва Наманган ўртасидаги масофа тахминан уч юз километр дир. 14. Бу йил Республикамиз дехқонлари тўрт миллион тоннадан ошиқ пахта етиштирмоқчилар, ҳозиргача унинг икки миллион тоннаси йиғиштириб бўлинди. 15. Ҳурматли тингловчилар,

бизнинг эшиттиришларимизни ўттиз бир метр, йигирма беш метр, ўн тўққиз метрдаги қисқа тўлқинларда эшитишингиз мумкин. 16.Сўнги уч йил ичида пахтани қайта ишлаш заводининг хизматчилари икки юз ўн иккита янги квартирага кўчиб ўтдилар.

633-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида арабча гап тузинг:

Бир юз ўн учта китобдан; уч юз қирқ иккита журнални; уч юз битта янги эшик учун; бир минг ўн саккизта кўк ўчирғич ҳақида; ўн саккиз минг тўққиз юз олтмиш тўртта катак дафтари деб; йигирма минг қирқ тўртта портфелдан; уч миллион беш юз минг нафар аъзо; икки минг беш юз битта кенг кўчада; етти минг беш юз беш туп олма дарахти устида; саккиз юз саксон тўртта замонавий квартирага; тўрт юз эллик учта эски заводни.

§ 161. КАСР СОНЛАР

Каср сонлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Махражи ўн ва ундан кичик бўлиб, сурати 1 дан иборат бўлган каср сонлар махражидаги сон ўзагидан **فُعَلٌ** ёки **فُعَلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан: $1/3$ – **ثُلُثٌ** ёки **ثُلُثٌ**, $1/9$ – **تِسْعٌ** ёки **تِسْعٌ**.

Эслатма. Махражи 6 дан иборат бўлса, каср сон **سُدُسٌ** ёки **سُدُسٌ** шаклида ҳосил бўлади.

2. Махражи 10 ва ундан кичик бўлиб, сурати 2 дан иборат бўлган каср сонлар махражидаги сон ўзагидан

бош келишикда **فُعْلَانٌ** , қаратқич ва тушум келишигида **فُعْلَيْنِ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

2/5 – **خُمْسَانٍ** (خُمْسَيْنِ) , 2/7 – **سُبْعَانٍ** (سُبْعَيْنِ).

3. Юқоридаги каби сонларнинг сурати 3-9 гача бўлса, сурати билан махражи изофа ҳосил қилади. Бунда сурати музоф бўлиб, муаннаса келади, махражи ноаник ҳолатда **أَفْعَالٍ** вазнида келади. Масалан:

5/9 – **خُمْسَةُ أَسْدَاسٍ** , 8/9 – **ثَمَانِيَةُ أَتْسَاعٍ** .

4. 1/2 - «ярим» **نِصْفٌ** - сўзи билан ифодаланади.

5. Сурати ва махражи 10 дан катта бўлса, **جُزْءٌ** сўзи ёрдамида синтактик йўл билан шаклланади. Масалан:

16/19 – **سِتَّةَ عَشَرَ جُزْءًا مِنْ تِسْعَةِ عَشَرَ جُزْءًا**

أَثْنَانِ وَخُمْسُونَ جُزْءًا مِنْ سَبْعَةِ وَتِسْعِينَ جُزْءًا

§ 162. ТАҚСИМ СОН ВА ПРОЦЕНТ

Тақсим сон қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Тушум келишигидаги санок сонни икки марта такрорлаш билан. Масалан:

وَاحِدًا وَوَاحِدَةً – битта-биттадан,

اِثْنَيْنِ وَاِثْنَتَيْنِ – иккита-иккитадан.

2. **مَفْعَلٌ** ёки **فُعَالٌ** вазнида:

ثَلَاثٌ – учтадан, **مَثَلثٌ** – учтадан,

رُبَاعٌ – тўрттадан, **سَبَاعٌ** – еттитадан.

Маъно жиҳатидан сонга алоқадор сифатлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Сон ўзагидан ҳосил қилинган II боб феълининг мажҳул нисбат сифатдоши шаклида. Масалан:

مَثَلْتٌ – уч (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

مُرَبَّعٌ – тўрт (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

2. 2. Ҳақиқий сифат вақнидаги сонлардан سِي – ёрдамида ҳосил қилинган нисбий сифат шаклида. Масалан:

رُبَاعٌ → رُبَاعِيٌّ – тўрт (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

خَمَاسٌ → خَمَاسِيٌّ – беш (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

مَثْنِيٌّ → مَثْنَوِيٌّ – икки (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

Араб тилида процент فِي ёки بِ предлоғи билан келувчи (الْمِائَةُ) (الْمِائَةُ) сўзи ёрдамида ифодаланadi. Масалан:

تِسْعَةَ عَشَرَ فِي الْمِائَةِ – 19 фоиз,

اِثْنَانِ وَ خَمْسُونَ بِالْمِائَةِ – 52 фоиз ва ҳ.з.

Амалий машғулот учун топшириқлар

634 – машқ. Қуйидаги каср сонларни сўзлар билан арабча ёзинг:

2/5; 5/6; 8/9; 0,9; 0,8; 20 %; 43 %; 97 %; 7/12; 9/16; 1/27; 3/65; 0,43; 7/16; 18/23; 74/85; 7,8; 15,13; 323,75; 25,7 %; 103,8 %; 25 %; 444,400.

635–машқ. Қуйидаги гаплар ичидан рақамлар билан ифодаланган сонларни сўзлар ёрдамида ёзинг, ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

1) تبلغ مساحة العراق 4،444 ألف كيلومتر مربع. 2) يتكون الشعب العراقي من أقوام مختلفة: عربية وكردية وفارسية وتركية. فيؤلف العرب 78 % والكرد 17 % والفرس 3،75 % والترک 2.25 % . 3) يبلغ طول نهر الفرات 2350 كيلومترا. أما طول نهر دجلة فيبلغ 1800 كيلومتر. 4) خرجت السفن من الخليج واحدة واحدة وأبحرت في اتجاه الشمال. 5) رقصت الطالبة هذا الرقص ثلاث. 6) يشكل العمال والفلاحون 2/3 نواب المجلس العالي في أوزبكستان. 7) أكثر من 30 % من النواب يعملون في الإنتاج الصناعي والزراعي في الجمهورية. 8) 51،34 % من هيئة تدريس جامعتنا نساء. 9) فقد تكاثر الإنتاج العام خلال السنتين الأخيرتين 6،11 % مقابل 4،9 % المحددة في الخطة. 10) أما الدخل الوطني فتكاثر 14،5 % مقابل 7،8 % المقررة بالخطة. 11) جاء المندوبون خماس ومخمس وعادوا سداس ومسدس. 12) الاسم ثنائي وثلاثي ورباعي وخماسي أما الفعل فهو ثلاثي ورباعي فقط. 13) أيها المستمعون الكرام يمكنكم أن تستمعوا إلى برامجنا على ذبذبتين قدرهما 12،8 ميهايرتز و 18،5 ميهايرتز يوميا. 14) مساحة محافظة أندجان 4،3 آلاف كيلومتر مربع. وهي إحدى من محافظات متطورة في أوزبكستان. 15) 457،3 ألف هيكتار من أرض أندجان صالحة للزراعة.

636-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг.

1. Америка Қўшма Штатлари Шимолий Америка қитъасига жойлашган давлатдир, унинг майдони тўққиз миллион уч юз олтмиш тўрт минг квадрат километрни ташкил этади. 2. Карима юз метрлик масофани уч минут қирқ саккиз секундда босиб ўтиб, югуриш бўйича факультетимиз ғолиби бўлди. 3. Талабалар ўнта-ўнтадан гуруҳларга бўлиндилар, сўнг спорт мусобақалари бошланди. 4. Бир аёл кўйлагига уч бутун юздан етмиш икки метр газлама кетади. 5. Шаҳримиздаги мактаб-

ларнинг олтидан бир қисми ўтган ўқув йилида янги бинога кўчиб ўтди. 6. Факультет талабаларининг йигирма саккиз бутун ўндан уч фоизини қизлар ташкил этади. 7. Экинзорларнинг учдан икки қисмига пахта экилади, қолган учдан бирига эса ўтган йили кузда буғдой сепилган. 8. Соғлом кишининг тана ҳарорати ўттиз олти бутун ўндан олти даражадан ошмаслиги керак. 9. Миср Араб Республикасининг атиги беш бутун ўндан уч фоизи қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлардир. 10. "Машъал" радиостанцияси эшиттиришларини беш бутун ўндан бир мегагерцли частотада ҳар куни йигирма уч соат давомида эшитиш мумкин. 11. Квартирамиздаги умумий ўлтириш ҳонасининг юзаси ўн тўрт бутун юздан етмиш беш квадрат метр, кухнямизнинг юзаси эса унинг бешдан тўрт қисмига тенг. 12. «Волга» автомобилининг узунлиги тўрт бутун юздан тўқсон беш метр, эни эса икки бутун ўндан бир метрдир. 13. Араб тилида тўрт ўзак ундошли феъллар уч ўзак ундошли феъллардан озроқ. 14. Ер шарининг тўртдан уч қисми сувликдан иборат.

637-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида арабча гап тузинг:

Учта-учтадан; ҳосилнинг тўқсон олти бутун ўндан уч фоизини; беш бутун мингдан олти юз қирқ икки литр сувда; саккиз бутун мингдан икки юз ўн бир литр сут; икки бутун юздан тўқсон бир метр газламадан; йигирма беш бутун мингдан тўққиз юз тўқсон саккиз квадрат метрга; йигирма беш бутун юздан қирқ олти метрли қиска тўлқин орқали; соатига бир юз ўттиз бутун юздан саксон беш километр; йиллик даромаднинг тўртдан уч

қисмидан; ер шарининг тўртдан бир қисми; аҳолининг
йигирма бир бутун юздан ўн бир фоизида.

638-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва
ибораларини ёд олинг:

حُسنی: يا أخي جعفر، هل قرأت اليوم المقالة في جريدة الأهرام عن مقياس النيل؟

جعفر: لا، يا حسنى، أنا لا أقرأ جريدة الأهرام كالعادة ولم أقرأ هذه المقالة. قل لي

من فضلك في أي عدد نشرت هذه المقالة؟

حسنى: نشرت هذه المقالة في عددها من 25 سبتمبر (أيلول) سنة 1998م.

جعفر: ماذا قيل فيها عن مقياس النيل؟

حسنى: قيل إن مقياس النيل هذا بُني منذ حوالي ألف سنة.

جعفر: ومن قام ببنائه؟

حسنى: قامت ببنائه مجموعة من العلماء المشهورين في حينه بقيادة العالم الفلكي أحمد

الفرغاني.

جعفر: ومن هو أحمد الفرغاني؟

حسنى: أحمد الفرغاني هو عالم من علماء آسيا المركزية، ولد الفرغاني كما تشير إلي هذا

نسبته الفرغاني في وادي فرغانة ونشأ فيه ثم ذهب إلى بغداد وانضم إلى علمائها

المشهورين.

جعفر: يبدو من كلامك أن هذه المقالة ممتعة ولا بد من أن أقرأها. هل عندك نسخة من

عددها هذا؟

حسنى: نعم، عندي نسخة وسأعطيك إياها في الوقت المناسب إن شاء الله.

جعفر: شكرا يا عزيزي حسنى. هل جريدة الأهرام جريدة يومية أم أسبوعية؟

حسنى: إنها جريدة يومية.

جعفر: وأين يقع وادي فرغانة؟

حسنی: يقع وادي فرغانة في جمهورية أوزبكستان المستقلة وهو مشهور جدا بأراضيه
الخصبة ومناخه المعتدل وأهاليه الأسخياء.

جعفر: شكرا جزيلًا لهذه المعلومات يا صديقي حسني.

639-машиқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғаринг:

Сарвар: Ассалому алайкум, Тўланбек, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сиз араб тили дарслигидаги матнларни луғатсиз ўқий оласизми?

Тўланбек: Ҳа, уларни луғатсиз ўқий оламан.

Сарвар: Ўқиган матнларингизнинг мазмунини тўла тушунасизми?

Тўланбек: Ҳа, тўла тушунаман.

Сарвар: Арабча газеталарни-чи? Уларни ҳам луғатсиз ўқиб, мазмунини тушунасизми?

Тўланбек: Йўқ, газетадаги мақолаларни луғат ёрдамида таржима қиламан ва мазмунини тушунишга ҳаракат қиламан.

Сарвар: Сиз араб ёзувчиларининг асарларини ҳам ўқиб турсангиз керак, а?

Тўланбек: Ҳа, мен араб тилида чоп этилган китобларни ўқиб тураман, аммо луғат ёрдамида.

Сарвар: Мен ҳам Миср ва Сурия ёзувчиларининг асарларини араб тилида ўқишга жуда қизиқаман. Лекин мазмунини тўла тушунмайман.

Тўланбек: Сиз араб тилини қаерда ўргангансиз?

Сарвар: Мен араб тилини ўрта мактабда ўрганганман.

Тўланбек: Сиз ўқиган мактабда араб тили ўқитилармиди?

Сарвар: Ҳа, собиқ Совет Иттифоқи даврида Наманганда араб тили ўқитилмас эди. Республикамиз истиқлолга эришгач, Тошкент, Марғилон каби Намангандаги айрим мактабларда ҳам араб тили ўқитила бошлади. Мен шундай мактаблардан бирини тамомлаганман.

Тўланбек: Қандай яхши.

Сарвар: Агар хоҳласангиз, Тўланбек, мен сизга араб мамлакатларида чоп этилган китобларни олиб келиб беришим мумкин. Бундай китоблар менда анчагина бор.

Тўланбек: Мени жуда хурсанд қилдингиз, Сарвар. Мен у китобларни албатта ўқиб чиқаман. Таклифингиз учун минг бор ташаккур, раҳмат.

§ 163. ТАРТИБ СОНЛАР

Тартиб сонлар қуйидагича ясалади:

1. Тартиб сонлар мослашган аниқловчи каби тартиби билдирилаётган оддан кейин келиб, у билан мослашган аниқловчи каби мослашади.

2. 1 - 10 гача тартиб сонлар санок сонларнинг ўзагидан **فَاعِلٌ** (мн. **فَاعِلَةٌ**) вазнида ҳосил бўлади. Факат «биринчи» сўзи **أَوَّلٌ** (мн. **أَوَّلِي**) ва «олтинчи» сўзи **سَادِسٌ** (мн. **سَادِسَةٌ**) шаклида ҳосил бўлади. Масалан:

بَيْتٌ خَامِسٌ – бешинчи уй,

الْبَيْتُ الْخَامِسُ – бешинчи уй,

فِي الْبَيْتِ الْخَامِسِ – бешинчи уйда,
 رَأَيْتُ الْبَيْتَ الْخَامِسَ – бешинчи уйни кўрдим,
 غُرْفَةٌ سَادِسَةٌ – олтинчи хона,
 الْغُرْفَةُ السَّادِسَةُ – олтинчи хона,
 فِي الْغُرْفَةِ السَّادِسَةِ – олтинчи хонада,
 دَخَلْنَا الْغُرْفَةَ السَّادِسَةَ – олтинчи хонага кирдик.

3. 11 - 19 гача тартиб сонларда аввал бирлик хонаси тартиб сон шаклида, ўнлик хонаси санок сон шаклида келади ҳамда булар доим танвинсиз тушум келишигида ишлатилади. Улар тартиби билдирилаётган сўз билан жинсда тўғри мослашади. «Биринчи» сўзи ўрнида حَادٍ (الْحَادِي), мн. حَادِيَةٌ (мн. الْأَحَادِيَّةُ) сўзи ишлатилади. Масалан:

الدَّرْسُ الْحَادِي عَشْرَ – ўн биринчи дарс,
 الْغُرْفَةُ الثَّانِيَةَ عَشْرَةَ – ўн иккинчи хона,
 الْجِلْدُ التَّاسِعَ عَشَرَ – ўн тўққизинчи жилд.

4. 20 ва ундан юқори яхлит сонлар санок сонлардан фарқ қилмайди. Фақат улар отдан кейин аниқ ҳолатда келади. Масалан:

الْغُرْفَةُ الْعِشْرُونَ - йигирманчи хона,
 فِي الْغُرْفَةِ الْعِشْرِينَ - йигирманчи хонада,
 الْمَحْبُوسُ الْمِئَةَ – юзинчи тутқин,
 عِنْدَ الْمَحْبُوسِ الْمِئَةَ – юзинчи тутқинда,
 اللَّيْلَةُ الْآلِفُ - мингинчи кеча,
 حَتَّى اللَّيْلَةِ الْآلِفِ – мингинчи кечагача.

5. 21 - 99 гача яхлит бўлмаган тартиб сонларнинг аввал бирлар хонаси тартиби билдирилаётган сўз билан жинсда мослашган ҳолда, وَ боғловчисидан кейин ўнлар хонаси (ҳар иккови ҳам тартиб сон шаклида) келади ва улар от билан келишиқда мослашади. Масалан:

الدَّرْسُ الثَّلَاثُ وَالْثَلَاثُونَ – ўттиз учинчи дарс,
فِي الدَّرْسِ الثَّلَاثِ وَالْثَلَاثِينَ – ўттиз учинчи дарсда,
الْصَّفْحَةُ السَّادِسَةُ وَالْثَمَانُونَ – саксон олтинчи бет,
فِي الصَّفْحَةِ السَّادِسَةِ وَالْثَمَانِينَ – саксон олтинчи бетда.

6. 100 дан юқори тартиб сонларда ҳам шу услуб сақланади ва бунда юзлик хона олдин келади. Масалан:

الْصَّفْحَةُ الثَّلَاثِينَ وَالسَّابِعَةُ وَالْثَمَانُونَ – уч юз саксон еттинчи бет,
فِي الصَّفْحَةِ الثَّلَاثِينَ وَالسَّابِعَةِ وَالْثَمَانِينَ – уч юз саксон еттинчи бетда,
الْغُرْفَةُ الثَّمَانُونَ وَالْثَمَانِينَ وَالْثَمَانِينَ وَالْثَمَانِينَ – икки юз қирқ тўққизинчи хона,
إِلَى الْغُرْفَةِ الثَّمَانِينَ وَالْثَمَانِينَ وَالْثَمَانِينَ – икки юз қирқ тўққизинчи хонага.

Баъзан юзлар ва минглар хонаси бирлар ва ўнликлардан орқага ўтиши ҳам мумкин. Бунда ўртага بَعْدُ предлоги қўйилади. Масалан:

اللَّيْلَةُ الرَّابِعَةُ وَالسَّبْعُونَ بَعْدَ الثَّلَاثِينَ – уч юз етмиш тўртинчи кеча.

Амалий машғулот учун топшириқлар

640-машқ. Қуйидаги саноқ сонлардан музаккар ва муаннас жинсларда тартиб сонлар ҳосил қилинг:

3; 11; 16; 19; 20; 23; 29; 36; 50; 58; 61; 101; 210; 391; 426; 548; 796; 1002; 2004; 3006; 4018; 5126; 6451; 7834; 10100; 12246; 50936; 98373; 100001.

641-машқ. Қуйидаги гаплардан тартиб сонларни топинг, уларнинг ҳосил бўлишига эътибор беринг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) هذه الفكرة أنست نفيسة بالتالي مرضها و حزنها وأعاد إليها أمل الفتاة في الثامنة عشرة من العمر.
- 2) يعمل أبونا مدرسا في معهد الطب الثاني منذ عشر سنوات.
- 3) تتعلم أختي الكبيرة في الصف الرابع من جامعة الدراسات الشرقية بطشقند.
- 4) الدرس الحادي عشر أكثر صعوبة في هذا الكتاب المدرسي.
- 5) طلاب القسم العربي الآن في غرفة الدرس الثالثة والثلاثين.
- 6) في الصفحة الحادية والعشرين يمكنكم أن تروا صورة جميلة من مناظر أوزبكستان.
- 7) يسكن أخي مع أسرته في البيت السادس والسبعين من هذا الشارع.
- 8) في التمرين الثاني عشر أمثال كثيرة للجمل الفعلية والاسمية.
- 9) الجماعة المائة والسادسة والعشرون مستعدة للمشاركة في المباراة.
- 10) بعد الشهر يحتفل الشعب الأوزبكي بالذكرى الثمانيمئة لشاعره وبطله العظيم جلال الدين مانغوبيردي.
- 11) افتحوا الصفحة المئة والحادية والخمسين واقرأوا النص فيها.
- 12) يجب علينا أن نقف في الكيلومتر الستمئة والعاشر لكي نستريح قليلا.
- 13) الدرس الرابع والثلاثون سهل أما الدرس الخامس والثلاثون فهو ليس سهلا.
- 14) يسكن هذا العامل النشيط في الطابق الثامن من هذه البناية.
- 15) تزوجت أختي الكبيرة في التاسعة عشرة من عمرها ولها الآن سبعة من الأولاد.

642-машқ. Тартиб сонларни ҳарфлар билан ёзган ҳолда қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Йигирма иккинчи дарснинг матнида ўттиз олти таянги сўз мавжуд. 2. Сизлар (мз.) бу дарсликнинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи дарси матнларини дафтарингизга кўчириб ёзишингиз керак. 3. Ўртоғим ўз оиласи билан тўққизинчи қаватда саксон саккизинчи квартирада яшайди. 4. Мен ҳозир йигирма уч ёшга кирдим. 5. Бу меҳмонхонанинг учинчи қаватида улкан ресторан бор, еттинчи қаватида эса кенг балкон жойлашган. 6. Менинг хонам меҳмонхонанинг олтинчи қаватида эди. 7. Менинг бешта фарзандим бор эди, сен (мз.) эса олтинчиси бўл-динг. 8. Уч-тўрт километр йўл юрганларидан кейин бир юз саксон еттинчи километрда улар (мз.) нонушта қилишди. 9. Икки юз йигирма бешинчи бетдаги тўртинчи машқни бажаришимиз керак. 10. Кенжа синглим бошланғич мактабнинг тўртинчи синфида ўқийди. 11. Мен Наманган шаҳридаги қирқинчи ўрта мактабда ўқиганман. 12. Жаҳон тиллари факультетининг инглиз тили ўқитувчиси Абдулла Қодирий кўчасидаги бир юз биринчи уйда оиласи билан яшайди. 13. «Шарқ юлдузи» журналининг ўн биринчи сонида ўзбек адабиёти ўқитувчисининг қизиқарли мақоласи босилиб чиқди. 14. «Араб тили грамматикаси» дарслигининг иккинчи жилди бир йилдан кейин нашрдан чиқади. 15. Йигирма бешинчи болалар боғчаси шаҳардаги энг намунали боғчадир.

643-машқ. Қуйидаги бирикмалар ёрдамида арабча гаплар тузинг:

Саккиз юз эллик учинчи саҳифадан; беш юз ўттиз биринчи мактубни; ўн иккинчи қаватда; бир юз қирқ биринчи хона томон; йигирма бешинчи гуруҳ; икки юз

иккинчи машқнинг; уч юз ўн саккизинчи уй; ўн олтинчи талаба ҳақида; уч юз тўртинчи газета учун; тўқсон тўққизинчи марта; ўн иккинчи мавзе; қирқ биринчи мага-зинда; икки минг бешинчи маҳбусни; газетанинг икки юз йигирма иккинчи сони; йигирма биринчи дарсада; китобнинг ўн тўққизинчи боби.

§ 164. ВАҚТ, ОЙ, КУН ВА ЙИЛНИ ИФОДАЛАШ

Вақтни ифодалаш қуйидагича бўлади:

1. Соат бўйича вақтни ифодалаш учун тартиб сон ишлатилади:

فِي السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ عَشْرَةَ، 5 – السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ – соат 12 да.

2. 1 сони ўрнида тартиб сон эмас, санок сон *وَاحِدَةً* ишлатилади. *السَّاعَةُ الْوَاحِدَةُ لَيْلًا* – тунги соат 1.

3. Вақтни ифодалашда фақат 12 гача бўлган сонлар ишлатилади. Шунинг учун сонлардан кейин *صَبَاحًا* – эрталаб, *نَهَارًا* – кундузи, *مَسَاءً* – оқшом, *لَيْلًا* – тун каби сўзлар қўшиб қўйилади. Масалан:

السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ صَبَاحًا – соат эрталабки 5,

فِي السَّاعَةِ السَّادِسَةِ مَسَاءً – соат 18 да.

حَتَّى السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ نَهَارًا – соат 14 гача.

4. «Роппа-роса» сўзи қуйидагича ишлатилади:

الآن السَّاعَةُ الثَّانِيَةِ عَشْرَةَ تَمَامًا – Ҳозир соат роппа-роса 12.

فِي السَّاعَةِ الثَّامِنَةِ بِالضَّبْطِ مَسَاءً – Соат роппа-роса 20 да.

5. 30 минутгача бўлган вақт тартиб сондаги соатга *وَ* боғловчиси ёрдамида санок сон билан ифодаланган минутни қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

السَّاعَةُ الثَّلَاثَةُ وَ خَمْسُ دَقَائِقَ – Соат 3 дан 5 минут ўтди.

السَّاعَةُ الْوَاحِدَةُ وَ ثَلَاثَ عَشْرَةَ دَقِيقَةً – Соат 1 дан 13 минут ўтди.

السَّاعَةُ الرَّابِعَةُ وَ الرَّابِعُ – Соат 4 дан 15 минут ўтди.

السَّاعَةُ الْعَاشِرَةُ وَ الثَّلَاثُ لَيْلًا – Соат 22 дан 20 минут ўтди.

6. «Ярим» сўзи (نِصْفٌ) ҳам ў боғловчиси ёрдамида ясалади. Масалан: السَّاعَةُ الْحَادِيَةَ عَشْرَةَ وَ النِّصْفَ – соат 11 ярим.

7. 30 минутдан ортиқ бўлган вақт кейинги соат тартиб сон билан ифодалангандан кейин إِلا юкламаси воситасида кейинги соатга етмаган минутни саноқ сонда келтириш йўли билан ифодаланади ва бу саноқ сон тушум келишигида келади. Масалан:

السَّاعَةُ الثَّلَاثَةُ إِلَّا سِتَّ دَقَائِقَ – Соат 2 дан 54 минут ўтди.

فِي السَّاعَةِ الْوَاحِدَةِ إِلَّا رُبْعًا – Соат 12 дан 45 минут ўтганда.

8. Баъзан 30 минутдан ошган вақт кичкина миқдорни ташкил этса, қуйидагича шаклланиши ҳам мумкин:

السَّاعَةُ الرَّابِعَةُ وَ النِّصْفُ وَ أَرْبَعُ دَقَائِقَ – Соат 4 дан 34 минут ўтди.

Кунни ифодалаш учун ҳам тартиб сон ишлатилади. Масалан:

الْيَوْمُ الْعَاشِرُ مِنْ شَهْرِ حَزْرِيَّانَ – 10 июнь,

الْيَوْمُ الْخَامِسُ وَ الْعِشْرُونَ مِنْ شَهْرِ أَيْلُولَ – 25 сентябрь.

Баъзан شَهْرٌ сўзи тушиб қолиши ҳам мумкин.

Масалан: الْيَوْمُ الْعَاشِرُ مِنْ رَجَبٍ – ражаб ойининг 10- чиси.

Баъзан مِنْ предлоги ишлатилмаслиги мумкин. Бунда тартиб сон билан ой номи изофа ҳосил қилади. Масалан:

الْيَوْمُ الْسادِسُ مِنْ رَجَبٍ – 6 апрель.

Йилни ифодалашда тартиб сон ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

1992 йилда, فِي السَّنَةِ الْآلْفِ وَ التَّسْعِمِنَةِ وَ الثَّانِيَةِ وَ التَّسْعِينَ

1882 йилда. فِي السَّنَةِ الثَّانِيَةِ وَ الثَّمَانِينَ بَعْدَ الْآلْفِ وَ الثَّمَانِيَةِ

Ҳозирги араб тилида йилни ифодалаш учун санок сон ишлатилмоқда ва у «йил – سَنَةٌ , عَامٌ» сўзи билан изофа ҳосил қилади. Бунда «йил» сўзи музоф, санок сон музоф илайҳи бўлиб келади. Лекин шунга қарамай, соннинг бирлар ва ўнлар хонаси «йил» сўзи билан саналмиш от билан қандай мослашса, шундай мослашади. Масалан:

1654 йил, سَنَةٌ أَلْفٌ وَ سِتْمِئَةٌ وَ أَرْبَعٌ وَ خَمْسِينَ

1654 йилда, فِي سَنَةِ أَلْفٍ وَ سِتْمِئَةٍ وَ أَرْبَعٍ وَ خَمْسِينَ

1582 йилда, سَنَةٌ أَلْفٌ وَ خَمْسِمِئَةٌ وَ اَثْنَتَيْنِ وَ ثَمَانِينَ

1582 йилда, عَامٌ أَلْفٌ وَ خَمْسِمِئَةٌ وَ اَثْنَتَيْنِ وَ ثَمَانِينَ

Амалий машғулот учун топшириқлар

644-машқ. Мелодий тақвимдаги ойларнинг григориан ва сурёний номларини ёдда сақлаб қолинг:

ўзбекча	григориан	сурёний
1. Январь	يَنَآيِرُ	كَأثُونُ الثَّانِي
2. Февраль	فِبرَايِرُ	شَبَّاطُ
3. Март	مَارِسُ	آذَارُ
4. Апрель	إِبْرَيْلُ	نَيْسَانُ
5. Май	مَآيُو	آيَازُ
6. Июнь	يُونِيُو	حَزِيْرَانُ
7. Июль	يُوْلِيُو	تَمُوْزُ

8. Август	أَغُسْطُسُ	آبُ
9. Сентябрь	سِبْتَمْبَرُ	أَيْلُولُ
10. Октябрь	أَكْتُوبِرُ	تَشْرِينُ الْأَوَّلُ
11. Ноябрь	نُوفَمْبَرُ	تَشْرِينُ الثَّانِي
12. Декабрь	دِسْمَبَرُ	كَائُونُ الْأَوَّلُ

645-машқ. Ҳижрий тақвимдаги ойларнинг номларини ёдда сақлаб қолинг:

арабча	ўзбекча	маҳаллий
1. الْمُحَرَّمُ	Мухаррам	Ошур ойи
2. صَفَرٌ	Сафар	Сафар ойи
3. رَبِيعُ الْأَوَّلُ	Рабиу-л-аввал	Мавлид ойи
4. رَبِيعُ الثَّانِي	Рабиу-с-соний	Мавлид ойи
5. جُمَادَى الْأُولَى	Жумода-л-уло	Мавлид ойи
6. جُمَادَى الْآخِرَةَ	Жумода-л-охира	Мавлид ойи
7. رَجَبٌ	Ражаб	Ражаб ойи
8. شَعْبَانُ	Шаъбон	Барот (Бароат) ойи
9. رَمَضَانُ	Рамазон	Рўза ойи
10. شَوَّالٌ	Шаввол	Ҳайит ойи
11. ذُو الْقَعْدَةِ	Зу-л-қаъда	Ора ойи
12. ذُو الْحِجَّةِ	Зу-л-ҳижжа	Қурбон ойи

646-ماشқ. Ҳафта номларини ёдда сақлаб қолинг:

1. Душанба	يَوْمُ الْاِثْنَيْنِ	ёки	الاثنين
2. Сешанба	يَوْمُ الْاَلْاِثْنَاءِ	ёки	الثلاثاء
3. Чоршанба	يَوْمُ الْاَرْبَعَاءِ	ёки	الأربعاء
4. Пайшанба	يَوْمُ الْاَلْمِيسِ	ёки	الخميس
5. Жума	يَوْمُ الْجُمُعَةِ	ёки	الجمعة
6. Шанба	يَوْمُ السَّبْتِ	ёки	السبت
7. Якшанба	يَوْمُ الْاَحَدِ	ёки	الأحد

647-ماشқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) في يوم الأربعاء رجعنا من الجامعة في الساعة الثالثة وسبع دقائق بعد الظهر.
- 2) ينهض هذا العامل من نومه في الساعة السابعة إلا ربعا ويتناول الفطور ثم يذهب إلى عمله حيث يشرع في العمل في الساعة الثامنة تماما. 3) قابلتُ هذا الضيف المحترم في العاشر من تموز وتكلمنا معه طويلا. 4) ولد والدي سنة ألف وتسعمائة وخمس وثلاثين في منغان. 5) في الساعة الثامنة والنصف مساء وصل إلي صديقي لدراسة الكلمات العربية. 6) ابتدأت الحرب العالمية الثانية في سنة ألف وتسعمائة وتسع وثلاثين. 7) أما الحرب العالمية الأولى فابتدأت عام ألف وتسعمائة وأربعة عشر. 8) نزل الثلج لأول مرة في هذه السنة في يوم الجمعة الماضية. 9) الدكاكين مفتوحة كل يوم من الساعة العاشرة والنصف صباحا إلى التاسعة مساء. 10) الساعة الآن الثانية عشرة إلا اثني عشرة دقيقة. 11) أنشئت جامعة القاهرة عام ألف وتسعمائة وثمانية وأما جامعة الإسكندرية فتم إنشاؤها سنة ألف وتسعمائة واثنين وأربعين. 12) سافرت إلى مصر لأول مرة سنة ألف وتسعمائة وسبع وستين وخلال عام ألف وتسعمائة وسبعة وستين وألف وتسعمائة وثمانية وستين الدراسي درست في كلية دار العلوم بجامعة القاهرة.

648-машқ. Қуйида рақамлар билан берилган сонларни сўзлар билан ёзинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) حصلت جمهورية أوزبكستان على استقلالها (1991/9/1). 2) اتخذ المجلس العالي لأوزبكستان دستور الجمهورية في (1992/12/8). 3) في كل سنة يتدئ العام الدراسي الجديد من (9/1). 4) تزلزلت أرض طشقند في (1966/2/26) في الساعة 5،23 صباحا. 5) ابتداء العدوان الإسرائيلي على البلدان العربية المجاورة في (1967/6/6).
- 6) أنا مولود سنة 1945 م. 7) من سنة 1985 إلى سنة 1987 اشتغلت مدرسا و مترجما في جامعة عدن بجمهورية اليمن الديمقراطية الشعبية. 8) دخلت أنا الكلية الشرقية بجامعة طشقند في سنة 1963 وبعد 5 سنوات أي في سنة 1968 تخرجت منها. 9) ولد ابني الكبير في (1972/10/16) م. 10) اتفقنا مع صديقي على الالتقاء يوم (1999/11/20) في الساعة 2.48 ظهرا. 11) القاهرة أكبر المدن الصحراوية ومساحتها 414 كيلومترا مربعا وعدد سكانها أكثر من 11 مليون نسمة حسب التعداد الأخير. 12) توفي مستعرب القرن العشرين العظيم كراتشكوفسكي في عام 1951. 13) ابتدأت دراسة اللغة العربية في روسيا الاتحادية سنة 1818 في مدينة بطرسبرج. 14) طبقا لقرار رئيس مجلس الوزراء (رقم 186 من تاريخ (1991/8/15) تم تأسيس جامعة الدراسات الشرقية بطشقند.
- 15) بني الخديوي إسماعيل دار الأوبرا في مصر سنة 1869 لكي يحتفل فيها بافتتاح قناة السويس.

649-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. **Пайшанба** куни роппа-роса соат саккизда мен уйдан **чиқаман**. 2. **Сешанба** куни кеч соат еттидан йигирма беш минут ўтганда бизникига синглим келади. 3. Ўртанча опам 1936 йил 6 август куни туғилганлар. 4. Бу йил август ойида мен Самарқандга бораман ва Мухаммад ибн Исмоил Бухорий мақбарасини зиёрат қиламан.

5. Ўтган якшанба, 15 декабрь куни Фарғона водийсида кучли қор ёғди. 6. Кечки 25 минут кам саккизда телеви- зорда футбол мусобақаси олиб кўрсатилади. 7. Миср- даги биринчи темир йўли 1852 йилда Қоҳира билан Искандарийя ўртасида қурила бошлаган ва 1856 йилда қуриб битказилган. 8. Сувайш канали 1859 йил 25 апрелда қурила бошланиб, унинг расмий очилиши 1869 йил 17 ноябрь куни бўлиб ўтган. 9. 12 июнь куни соат 10 дан 15 минут ўтганда барча талабалар 22-аудиторияга тўпланишлари керак. 10. Кенжа укам бошланғич мак- табнинг учинчи синфида ўқийди, унинг дарс машғулот- лари пешиндан кейин бўлади, шунинг учун у мактабга ҳар куни соат бирдан ўн беш минут ўтганда жўнайди. 11. Наманган .- Тошкент поезда ҳафтанинг сешанба, пайшанба, жума кунлари кечқурун соат 6 дан 10 минут ўтганда жўнайди, Тошкентга эса эрталаб 5 дан 42 минут ўтганда етиб келади. 12. Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта опера ва балет театри 1939 йил 20 июнда ташкил этилган ва унинг ҳозирги биноси 1947 йилда қуриб битказилган. 13. Ливанлик машҳур ёзувчи Амин Ар-Райҳоний 1876 йилда туғилган ва 1940 йилда вафот этган. 14. Амударё Марказий Осиёдаги энг узун дарё ҳисобланади ва узунлиги 2540 километр дир. 15. Машҳур мутасаввиף олим ва шоир Аҳмад Яссавий 1166 йилда вафот этган.

650-машқ. Қуйидаги числолар иштирокида арабча гаплар тузинг ва числоларни сўзлар билан ёзинг:

1. I/IX-1991 й. 2. 9/II-1441 й. 3. 8/XII-1992 й. 4. 22/VI-1941 й. 5. 9/V-1945 й. 6. 7/XI-1917 й. 7. 12/IV-

1961 й. 8. 14/I-1992 й. 9. 26/VII-1952 й. 10. 6/X-1972 й.
11. 16/II-1999 й. 12. 6/VIII-1945 й. 13.30/IX-1970 й.

651-маишқ. Қўйидаги вақтларни араб тилида ифода-
ланг ва улар иштирокида гап тузинг:

1.00; 2.07; 3.15; 4.18; 5.35; 6.27; 7.30; 8.55; 9.10;
10.33; 11.47; 12.45; 13.21; 14.02; 15.42; 16.31; 17.42;
18.59; 19.01; 20.26; 21.28; 22.20; 23.40; 24.00.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ МАТН

إفريقيا من الوجهة الطبيعية

إفريقيا مدججة متضامة في الشكل، ليس لها بحار داخلية فيها ولا أشباه جزر. توجد بعض الجزر القليلة حول الساحل ولكنها تمثل نسبة 2 في المائة فقط من مساحة إفريقيا الكلية. يبلغ طول الخط الساحلي لإفريقيا حوالي 19000 ميل، بينما يبلغ طول هذا الخط في أوروبا ومساحتها تبلغ ثلث مساحة إفريقيا فقط - 24000 ميل تقريبا.

حتى القرن السادس عشر حينما دار الملاحون البرتغاليون حول رأس الرجاء الصالح في الطرف الجنوبي لإفريقيا في طريقهم إلى الهند فإنهم قلما كانوا يهبطون على الساحل الإفريقي. فلم تكن ثمة موانئ طبيعية لسفنهم وكان من المجازفة الشديدة رسو السفن على مبعدة من الشاطئ وإرسال قارب للبحث عن مراس للسفن. ولقد كان يشبط من عزمهم صعوبة إيجاد الماء وجفاف المناخ ولم يكن من المستطاع أن يبحروا في مجاري الأنهار إلى قلب القارة لأن هذه الأنهار تشق طريقها خلال الجبال وكانت تعترضها حواجز في شكل مساقط مائية ومنحدرات سريعة وشلالات.

وحيث لا تكون الأرض شديدة الجفاف توجد الغابات الاستوائية وتكاد كل بقعة فيها تكون مأهولة بأقوام بدائيين شبه محاربين وبوحوش ضارية مما يعوق تقدم المستكشفين وعندما كان الملاحون الأوائل يحتاجون إلى الماء والخضر الطازجة كانوا يفضلون الهبوط في جزر المحيط الأطلنطي على مبعدة من الشاطئ الإفريقي أو في جزر المحيط الهندي. وفي القرن

التاسع عشر فقط بدأ الأوروبيون يستكشفون إفريقيا وسرعان ما قاموا باحتلال القارة بأكملها.

يقع خط الاستواء في مركز إفريقيا وفي المناطق القريبة من خط الاستواء تساعد الحرارة الشديدة والأمطار المتكررة علي سرعة نمو النباتات وتنتج عنها مناطق الغابات الاستوائية الكثيفة.

وبالابتعاد عن خط الاستواء إلي الشمال وإلي الجنوب تقع مناطق المراعي الاستوائية. تشتد في هذه المناطق الحرارة أيضا ولكن تسقط فيها أمطار موسمية فقط. إن الأمطار تمطر بغزارة شديدة علي مدى أيام فصل الصيف ثم يعقبها الجفاف ونتيجة لهذا توجد أشجار قليلة. ولكن توجد مناطق ممتدة وينمو بها نوع من الحشائش بكثرة بعد الأمطار. هذه المناطق تعرف باسم السافانا.

توجد إلي الشمال والجنوب من السافانا مناطق ممتدة جافة قصيرة الشجر، حيث يحول نقص المياه دون نمو الأشجار والحشائش ويسمح لنبات الأشجار المتفرقة المتناثرة. ووراء هذه المناطق توجد الصحارى، حيث الأرض قاحلة مجربة وفي الجانب الآخر من الصحارى (الصحراء الكبرى في الشمال وصحراء كالاهارى في الجنوب). تمتد مناطق ذات مناخ معتدل نسبيا وأمطار شتوية حيث تنمو بها أشجار النخيل والزيتون والبرتقال والليمون والقطن والحبوب. تُعرف هذه المناطق باسم مناخ البحر المتوسط لأنها مماثلة في مناخها لمناخ الأراضي المجاورة للبحر المتوسط.

في إفريقيا ثلاثة أنهار وأولها نهر النيل وطوله أكثر من 4,150 ميلا وثانيها نهر الكونغو وطوله 2,900 ميل وثالثها نهر النيجر وطوله 2,600 ميل.

وكذلك هناك ثلاثة جبال وأولها جبل كليمنجارو وارتفاعه 19,565 قدما وثانيها جبل مونت كينيا وارتفاعه 17,058 قدما وكلاهما براكين خامدة وثالثها جبل رويروري وارتفاعه 794,16 قدما وهو بقايا أراض قديمة مرتفعة.

652-машқ. Йигирма учинчи матнни дафтарингизга, кўчиринг, нотаниш сўзларини ўрганинг ва ўзбекчага ўгиринг.

653-машқ. Йигирма учинчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) هل في إفريقيا بحار داخلية؟
- 2) كم ميلا طول الخط الساحلي لإفريقيا؟
- 3) لماذا لم يكن الملاحون البرتغاليون يهبطون على الساحل الإفريقي؟
- 4) لماذا لم يستطيعوا أن يبحروا إلى قلب القارة؟
- 5) متى استكشف الأوربيون إفريقيا؟
- 6) في أي قسم من إفريقيا يقع خط الاستواء؟
- 7) بم تتميز المناطق القريبة من خط الاستواء؟
- 8) أين تقع مناطق المراعي الاستوائية؟
- 9) بم يتميز مناخ هذه المناطق؟
- 10) متى قُطِلَ الأمطار الغزيرة في هذه المناطق؟
- 11) أية مناطق في إفريقيا تسمى السافانا؟
- 12) في أي قسم من إفريقيا توجد الصحاري؟
- 13) أين تقع الصحراء الكبرى وصحراء كالاهاري؟
- 14) في أية منطقة من المناطق تنمو أشجار النخيل والزيتون والبرتقال والليمون والقطن والحبوب؟
- 15) أية منطقة من المناطق تعرف باسم مناخ البحر المتوسط؟

654-машқ. Йигирма учинчи матндан сонларни ажратиб олинг, уларнинг қандай сон эканини аниқланг ва шаклланиш қондасини тушуунтиринг.

655-ماشқ. Йигирма учинчи матн сўзларидан фойдаланиб, Осиё қитъаси ҳақида маълумот тайёрланг.

656-ماشқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

بين أحضان الجبال، الكتاب المدرسي، مقالة من جريدة الأهرام، مقياس النيل،
مجموعة من العلماء المشهورين، وادي فرغانة، في الوقت المناسب، في الساعة الثالثة، في
منتصف الليل، أوزبكستان المستقلة، متضامة الشكل، بحار داخلية، الساحل الإفريقي،
صعوبة إيجاد الماء، الغابات الاستوائية، أقوام بدائيون، المحيط الهندي، خط الاستواء،
أمطار موسمية، نقص المياه، الأشجار المتفرقة المتناثرة، مناخ البحر المتوسط، دراسة اللغة
العربية، افتتاح قناة السويس، جامعة عدن، جمهورية اليمن الديمقراطية الشعبية، بطلنا
العظيم جلال الدين مانغوبيردي، الإنتاج الصناعي.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ ИБОРАЛАР

<p>ابن خلدون <i>Ибн Халдун (араб файласуфи)</i> أَرْضُ فَاغِرَةَ فَاهَا турган ер إِسْكَانْدِيَا <i>Скандинавия</i> IV أَقَامَ الْعَدْلَ <i>адолат ўрнатмоқ</i> VII انْعَقَدَ اللِّسَانُ <i>тили боғлан- моқ</i> إيرلندا <i>Ирландия</i> الْبَحْرُ الْأَسْوَدُ <i>Қора Денгиз</i> الْبَحْرُ الْمُتَجَمِّدُ الشَّمَالِيُّ <i>Шимолий Муз Океани</i> بُرُوعُ الشَّمْسِ <i>куёшнинг чиқиши</i> الْبَلْقَانُ <i>Болқон</i> • بَلَى <i>ҳа (инкор шаклидаги саволга шу инкорни инкор қилиш учун ишлатилади. Масалан: – Бормадингиз- ми? – «Бордим» маъноси- даги «Ҳа»)</i> تَرْفِيهِ الْمَعِيْشَةِ <i>яшаш шароитла- рини яхшилаш</i> حَفِظَ الْقُرْآنَ <i>кўп. حَفِظَ الْقُرْآنَ</i> Қуръонни ёд олган киши, қори</p>	<p>حُطَامُ الدُّنْيَا <i>ўтар дунё лаззатлари</i> الْحَقُّ مَعَكَ <i>сен ҳақсан</i> الدَّائِبُ <i>Дунай (дарё)</i> دَرَاجَةٌ بُخَارِيَّةٌ <i>мотоцикль</i> دَرَجَةُ الدُّكْتُورَاهُ <i>докторлик илмий даражаси</i> دَنِيبَرُ <i>Днепр (дарё)</i> الرَّيْنُ <i>Рейн (дарё)</i> سَرْدِيْنِيَا <i>Сардиния (орол)</i> سُلْسَلَةٌ جَبَلِيَّةٌ <i>тоғ тизмаси</i> السُّلْطَانُ بَرْقُوقُ <i>султон Барқук</i> سَنَوَاتٌ عَجَافٌ <i>очлик йиллари</i> صَعِيدُ مِصْرَ <i>Мисрнинг жанубий қисми</i> صَقْلِيَّةٌ <i>Сицилия (орол)</i> ضَارِبُ الْجُدُورِ <i>кучли, таъсирчан (сўз. илдизга урувчи)</i> عِلَاقَةٌ دِبْلُومَاسِيَّةٌ <i>дипломатик алоқа</i> فُولْغَا <i>Волга</i> فِي الْغَالِبِ <i>кўпинча, кўп ҳолат- ларда</i></p>
--	--

كِرِيْتُ Крит (орол)

كُورْسِيكَا Корсика (орол)

مَالِكِيَّةُ Имом Молик издош-
лари

المُحِيطُ الأَطْلَسِيُّ Атлантика

океани

هَنْغَارِيَا Венгрия

وَأَسْعُ النَّطَاقِ кенг кўламли

§ 165. ИСТИСНОЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

«Истиснолик» термини ўзбек тили грамматикасида ишлатилмайди, чунки у алоҳида грамматик категория ҳисобланмайди.

Истисноликни конкрет тасаввур қилиш учун «Сендин ўзга кимни дерман, ёри жононим - ўзинг», «Боғимизда гилосдан бошқа ҳамма мевалар мавжуд» мисолларини келтириш кифоя. Бу мисоллардаги «сендин ўзга», «гилосдан бошқа» иборалари истисноликни билдиради.

Араб тилида истисноликни ифодалаш учун истисно қилинаётган сўздан олдин қуйидаги юкламалар қўйилади:

غَيْرٌ، سِوَى، عِندَ، خِلا، حَاشَا، إِلا.

Булар ичида энг кўп ишлатиладигани **إِلا** юкламасидир. Унинг қуйидаги морфологик хусусиятлари мавжуд:

1. Истиснолик иштирок этган гап бўлишли (тасдик) гап бўлса, **إِلا** юкламасидан кейинги сўз тушум келишигида келади. Масалан:

وَصَلَ الْجَمِيعُ إِلا سَلِيمًا – Салимдан бошқа ҳамма келди.

رَأَيْتُ الْأَقْلَامَ عِنْدَ جَمِيعِ الطَّلَابِ إِلَّا مَحْمُودًا – Махмуддан бошқа барча талабаларда қалам кўрдим.

2. Агар гап бўлишсиз маънодаги (инкор) гап бўлса, **إِلَّا** дан кейинги сўз қайси сўздан истисно қилинаётган бўлса, ўша сўзнинг келишигини қабул қилади. Масалан:

لَمْ يُسَافِرِ الضُّيُوفُ إِلَّا كَرِيمًا – Каримдан бошқа меҳмонлар сафарга жўнамадилар (**الضُّيُوفُ** – бош келишикда),

مَا رَأَيْتُ الْفَلَاحِينَ إِلَّا مَحْمُودًا – Махмуддан бошқа деҳқонларни кўрмадим (**الْفَلَاحِينَ** – тушум келишигида),

لَمْ أَسَلَمْ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا سَلِيمًا – Салимдан бошқа ҳеч кимга салом бермадим (**عَلَى أَحَدٍ** – қаратқич келишигида).

3. Агар бўлишсиз (инкор) маънодаги гапда истиснолик мавжуд бўлса-ю, қайси сўздан истисно қилинаётганлиги мавжуд бўлмаса, **إِلَّا** дан кейинги истисно шу **إِلَّا** юкламаси бўлмаганида қайси келишикда бўлса, ўша келишикда ишлатилади ва бундай гап бўлишсиз шаклда эмас, балки «фақат» сўзи ёрдамида бўлишли (тасдиқ) гап шаклида таржима қилинади. Масалан:

مَا ذَهَبَ إِلَّا حَسَنٌ – Фақат Ҳасан кетди (Ҳасандан бошқаси кетмади).

لَمْ أَرِ إِلَّا زَيْدًا – Фақат Зайдни кўрдим (Зайддан бошқасини кўрмадим).

4. **عَدَا، خَلَا، حَاشَا** юкламаларидан кейинги истисно сўз қаратқич келишида ҳам, тушум келишигида ҳам ишлатилиши мумкин:

أَسْتَقِظَ كُلُّهُمْ حَاشَا زَيْدًا – Зайддан бошқа ҳаммалари уйғонишди.

أَسْتَقِظَ كُلُّهُمْ حَاشَا زَيْدٍ – Зайддан бошқа ҳаммалари уйғонишди.

Агар юкламалари олдидан *مَا* юкламаси келса, бу юкламаларнинг мазмуни ўзгармайди, лекин булардан кейинги истисно фақат тушум келишигида келади. Масалан:

مَا عَدَا مُحَمَّدًا – Махмуддан бошқа,

مَا خَلَا زَيْنَبَ – Зайнабдан бошқа.

5. *سَوَى* *غَيْرَ* сўзларидан кейинги сўз қаратқич келишигида келади, чунки бу сўзлар ўзларидан кейинги истисно билан изофа ҳосил қилади (*غَيْرَ* сўзининг ишлатилишига юқорида тўхталинган - §39). Масалан:

حَضَرَ الدَّرْسَ جَمِيعُ الطَّلَبَةِ غَيْرُ كَرِيمٍ – Каримдан бошқа барча талабалар дарсада ҳозир бўлишди.

لَمْ يُشَارِكْ فِي الْمُسَابَقَةِ سَوَى مُحَمَّدٍ – Конкурсада Муҳаммаддан бошқаси иштирок этмади.

Амалий машғулот учун топшириқлар

657-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қуйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) ارتقت نفيسة على أمها وانمالت بالبكاء ولم تجد الأم ما تروح به عن ابنتها إلا الدموع.
- 2) جرح الكبد لا يضر إلا صاحبه (مثل عربي).
- 3) عندي كثير من الأغنام ولا أحصل على المبلغ المطلوب إلا ببيع أحد منها.
- 4) لم يعلم أحد بأن ابن القاضي كان سببا في حراب القرية ما عدا مالكا.
- 5) إن سروري اليوم يفوق التقدير. إنني أتخيل أن ما عشناه من أيام مظلمة لم يكن سوى حلم مزعج.
- 6) السكان في الغالب لا يستعملون السيارات إلا نادرا لأن وسائل نقلهم لا تتعدى البغال والحمير.
- 7) لم يكن الطاهر يعرف لغة أخرى غير العربية ولم يكن زملاؤه يعرفون غيرها ولم يكن شيوخهم أيضا يحسنون سواها ولعلمهم أيضا

لم يعرفوا بلدا غير بعض البلدان العربية. (8) كان سكان القرية في مجموعهم فقراء وأمينين ما عدا بعض حفظة القرآن. (9) أما هذا اليوم القاتم فلم تتصور سعاد وراهه إلا الفراغ واليأس. (10) إنني لا أحس أي ألم ما عدا كتفي ورقبتي، سأضع ضمادة من الخباز في المساء قبل أن أنام. (11) هب مرض على القرية في إحدى السنوات العجاف لم يسلم منه إلا القليل. (12) لم يعبر مالك عن تلك الحكاية إلا بدمعة. (13) قد فتحت عيني فلم أر غير الظلمة وأطلقت لساني فلم أتكلم بغير الأسي. (14) ها قد انتصف الليل وأنا ساهرة وليس لي مسل غير دموعي ولا معز سوى أمني برجوعك إلي من مخالب الحرب. (15) ما هذه السنوات إلا لحظة من حياة أزلية أبدية. (16) ليس عندي يا وحيدي إلا الدموع فهل تتغذى بها بدلا من الحليب؟ (17) أنا ضعيف أيها الحب فلم تحاصمني وأنت قوي؟ لماذا تدلني ولم يكن غيرك ناصري؟ (18) عاش ابن خلدون في مصر وقام بالتدريس في الجامع الأزهر فأقبل الناس عليه ما خلا الحاقدين، وقد ولاه السلطان برقوق قاضيا لقضاة المالكية فأقام العدل وضرب على أيدي القضاة ما عدا العدول منهم. (19) بلاد العرب في آسيا يحيط بها الماء من جميع الجهات عدا جهة واحدة. (20) رأيت المدينة قد اندثرت ولم يبق من آثارها غير تطل بال.

658-ماشқ. Қавс ичида бош келишиқда берилган сўзларни керакли келишиқка қўйиб, гапларни тўлдириңг ва уларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) في الأسبوع الماضي كنت مريضا وزارني جميع أصدقائي سوى (عَلِيٍّ). (2) كان والدي مثقفا وكان يحب المثقفين، خلا (مُتَكَبِّرٍ). (3) أمس كان يوم الراحة وفي الطريق لم أر إلا (أَخُوكَ). (4) صدقني يا عزيزي، فلا تصدق كلام بعض الناس، لا يسرنني إلا (نَجَاحُكَ). (5) في سنوات الجوع والقحط تعاون في ترفيه المعيشة جميع إخواننا ما عدا (الْحَائِنُونَ). (6) عندما دخلت الغرفة ما رأيت إلا (حَسَنٌ). (7) إن كل البلدان العربية غير (تُونِسُ وَالْمَغْرِبُ) قطعت علاقاتها الدبلوماسية مع بعض الدول الغربية. (8) إن جميع

الطلاب ما عدا (مَحْمُودٌ) زاروا أمس متحف الفنون وتعرفوا هناك بالفن الأوزبكي
الأصيل.

659-машқ, 657 - машқ сўзларидан фойдаланиб, қуйи-
даги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Зайнабдан бошқа барча талаба қизлар аудитория-
дан чиқиб кетишди. 2. Концертда факультетимиздан
атиғи икки талаба қатнашди. 3. Барча таклиф этилганлар
хонага киришди, бироқ у ерда ўтириш учун битта
дивандан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. 4. Отамдан қолган бу
эски жавонда иккита тарелка, битта чойнак ва бир неча
пиёладан бошқа ҳеч вако йўқ. 5. Охирги машқдан таш-
қари барча уй вазифаларини бажариб тугатдим. 6. Соат
роппа-роса учда тўртинчи дарсимиз тугайди, шундан
кейин айрим домлалардан ташқари барча ўқитувчи-лар
уйларига кетишади. 7. Уруш йилларида айрим киш-
лоқларда вабо тарқалган ва ундан жуда оз одамлар омон
қолишган эди. 8. Ўзбек халқининг жуда кўп орзу-
умидлари мустақилликдан кейингина рўёбга чиқа
бошлади. 9. Акрамдан бошқа барчамиз бу шаҳар
эрамиздан илгариги иккинчи минг йилликда барпо
этилганлигини билардик. 10. Олтмишинчи йилларда
Африкадаги кўпчилик давлатлар фақат сиёсий мус-
тақилликни қўлга киритган эдилар. 11. Миср Араб
Республикасидан қайтиб келган талабаларимиз айтиш-
ларича, улар Искандария ва Қохирадан бошқа ҳеч
қаерни кўришмабди. 12. Суриядаги бу қадимий шаҳар
ҳақида бизнинг устозимиздан бошқа ҳеч ким муфассал
гапириб беролмайди, чунки у бу шаҳарда етти йил
яшаган.

§ 166. МАВҲУМ ОТЛАР

Иш-ҳаракат, сифат ёки ҳолат ҳақидаги мавҳум тушунчаларни ифодаловчи отлар мавҳум (абстракт) отлар дейилади. Мавҳум отлар араб тилида қуйидаги тур сўзлар охирига **يَّة** – кўшимчасини кўшиш билан ҳосил қилинади:

1. Отларга. Масалан: **أَنسَان** – инсон → **أَنسَانِيَّة** – инсоният, **أَبَد** – абад → **أَبَدِيَّة** – абадият.

2. Масдарга. Масалан: **أَشْتَرَاكَ** – қатнашиш → **أَشْتِرَاكِيَّة** – социализм.

3. Сифатдошга. Масалан:

مَسْئُول – жавобгар → **مَسْئُولِيَّة** – жавобгарлик,

قَابِل – иқтидорли → **قَابِلِيَّة** – қобилият.

4. Сифатга. Масалан:

أَغْلَبُ – энг кўп → **أَغْلَبِيَّة** – кўпчилик,

حُرٌّ – эркин → **حُرِّيَّة** – эркинлик.

5. Олмошга. Масалан:

كَيْف – қандай → **كَيْفِيَّة** – кайфият,

هُوَ – у → **هُوِّيَّة** – шахсият.

§ 167. КИЧРАЙТМА ОТЛАР

Ўзбек тилида -ча, -чок, -чак аффикслари ёрдамида кичрайтма отлар ҳосил бўлганидек, араб тилида ҳам кичрайтма отларнинг айрим ҳосил бўлиш вазнлари мавжуд:

1. Уч ундош ўзакли сўзлардан: **فَعِيلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

كَلْبٌ → **كَلِيْبٌ** – кучук, **رَجُلٌ** → **رُجَيْلٌ** – кичкина одам.

2. Иккинчи бўғинида чўзиқ унли мавжуд бўлган отлардан **فَعِيْلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

غُلَامٌ → **غُلَيْمٌ** – кичкина хизматкор,

جَمِيْلٌ → **جُمَيْلٌ** – чиройли (кичкина).

3. Биринчи бўғинида чўзиқ унли мавжуд бўлган сўзлардан **فُوَيْعِلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

فَارِسٌ → **فُوَيْرِسٌ** – кичик чавандоз,

كَاتِبٌ → **كُوَيْتِبٌ** – кичик котиб,

خَادِمٌ → **خُوَيْدِمٌ** – кичик хизматкор.

4. Нотўғри ўзакли сўзлардан ҳам шу нотўғрилиқнинг хусусиятига мос ўзгаришга учраган ҳолда ҳосил бўлади. Масалан:

بَابٌ → **بُوَيْبٌ** – эшикча, **أَبٌ** → **أُبِيٌّ** – (аслида **أَبِيٌّ**) – дадажон,

أَبْنٌ → **أُبْنِيٌّ** – (аслида **أَبْنِيٌّ**) – ўғилча, **أَسْمٌ** → **أُسْمِيٌّ** – (аслида **أُسْمِيٌّ**) – исмча, **بِنْتٌ** → **بُنْيَةٌ** – қизча.

5. Тўрт ҳарфдан иборат бўлган отлардан иккинчи ундош товушдан кейин «-ай» кўшимчасини кўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

مَسْجِدٌ → **مُسَيْجِدٌ** – масжидча, **عَقْرَبٌ** → **عُقَيْرَبٌ** – чаёнча.

6. Агар сўзнинг охиридан иккинчи бўғинда

« ā , ū , ū » чўзиқ унлиларидан бири мавжуд бўлса, булар чўзиқ «ū» га ўзгариб кетади. Масалан:

عُصْفُورٌ → **عُصَيْفِيرٌ** – чумчуқча, **مِفْتَاحٌ** → **مُفَيْتِيْحٌ** – калитча.

7. Беш ундош ўзакли сўзлардан кичрайтма сўз ҳосил қилинганида, охириги ўзак ундош тушиб қолади. Масалан:

عُنْدَلِبٌ → عُنَيْدَلٌ – булбулча, سَفْرَجَلٌ → سَفَيْرِجٌ – беҳича.

8. Муаннас сўзлардан ясалган кичрайтма отларда ҳам муаннаслик белгиси тушиб қолмайди. Масалан:

قَلْعَةٌ → قَلَيْعَةٌ – қалъача, هِرَّةٌ → هُرَيْرَةٌ – мушукча,

حَمْرَاءُ → حُمَيْرَاءُ – қизил (кичкина).

9. «ё – та марбута» ҳарфисиз ҳосил бўлган муаннас отлардан кичрайтма отлар ҳосил қилинганида, охирига ё ҳарфи қўшиб қўйилади:

شَمْسٌ → شَمَيْسَةٌ – қуёшча, أَرْضٌ → أَرِيضَةٌ – кичик ер.

10. كَانٌ – қўшимчаси билан тугаган от ва сифатлардан кичрайтма отлар ҳосил қилинганида ҳам كَانٌ қўшимчаси сақланиб қолади:

سَلْمَانٌ → سَلَيْمَانٌ – Сулаймон ёки кичик Салмон,

كَسْلَانٌ → كَسَيْلَانٌ – дангасача,

سَكْرَانٌ → سَكَيْرَانٌ – кичкина маст (одам).

11. Кичрайтма от шакллари айрим предлогларда ҳам қўлланилади ва шу предлоглардаги маънонинг оз ёки қисқа эканлигига ишора қилади. Масалан:

قَبْلَ → قَبَيْلَ – бир оз олдин, فَوْقَ → فُوقَيْقَ – бир оз устида,

بَعْدَ → بُعَيْدَ – бир оз кейин.

Амалий машғулот учун топшириқлар

660-машқ. Қуйидаги сўзлардан мавҳум отлар ҳосил қилинг ва маъносини тушунтиринг:

أَخ - ака, биродар; جِنْسٌ - жинс; شَعْبٌ - халқ; إِمْكَانٌ - имкон; شَكْلٌ - шакл; عَدَمٌ - йўқлик; عَسْكَرِيٌّ - аскар; مَرْكَزٌ - марказ; رَأْسَمَالِيٌّ - капиталист; وَطَنِيٌّ - миллий; إِنْسَانٌ - инсон; إِقْطَاعِيٌّ - феодал; أَبٌ - ота.

661-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан мавҳум отларни топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) الإنسان مخلوق من تراب من تحت أقدام الدهور وريح من صحراء الجهل ورمل من شاطئ بحر الأناية. 2) أنا قلب بشري قد أهملت في زوايا غي المدينة فقضيت ولسان الإنسانية منعقد وعيونها ناشفة. 3) الحرية الحقيقية في الاستقلال المعنوي والمادي. 4) أنت ترتفعين نحو العلو بجاذبية السماء وهذا الجسد يسقط إلى تحت بجاذبية الأرض. 5) إن هذه الأرض الفارغة فاما تخلص نفسك من عبودية جسدك. 6) الإنسان لا يدري كيفية انعتاق النفس من عبودية المادة إلا بعد الانعتاق. 7) أنتم تعساء وتعاستكم نتيجة بغي القوى وظلم الغنى وأناية عبد الشهوات. 8) من وراء جدران الحاضر سمعت تسايح الإنسانية. 9) إن تلك الساعة هي من ساعات قليلة وهذه الساعات تدعم اعتقادي بأزلية النفس وخلودها. 10) كان وجه الفارس القوي يتكلم بلا نطق عن شدة رجوليته. 11) الأناية يا أخي أوجدت التنافس الأعمى والتنافس وُلد العصبية.

662-машқ. Қуйидаги сўзлардан кичрайтма отлар ҳосил қилинг:

مِنْشَارٌ - яшиқ; حَسَنٌ - Ҳасан; مَنَزَلٌ - уй; قَلْبٌ - юрак; مَدْرَسَةٌ - мактаб; قَنْدِيلٌ - қандил; عَثْمَانُ - Усмон; وَرْدَةٌ - арра;

اتيرгул; أُخْتٌ – сингил, опа; نَجْلَاءٌ - кўзлари чўлпон(мн);
نَهْرٌ - дарё; غُصْنٌ - буток; شَجْرَةٌ - дарахт; كَوْكَبٌ - юлдуз; زَهْرَةٌ -
гул; فَهْدٌ - йўлбарс; مُطْرَبٌ - хонанда; نَخْلَةٌ - хурмо дарахти;
مَهْرَجَانٌ - фестивалъ; بَحْرٌ - денгиз.

663-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан кичрайтма
отларни топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) كانت جميع الرافصات يلبسن فستانا أزرق من الحرير الصناعي وبه زهيرات بيضاء كثيرة.
- 2) كتب الشيخ في جزء من ورقة كتابة غير مفهومة وقسمها إلى سبع وريقات مختلفة الأشكال.
- 3) بُعيد أن تلفت الفتى إلى كل ناحية قال لي بصوت منخفض:...
- 4) بعد هنيئة من سكينة الليل المؤثرة سمعت هذا الكلام صادرا مع تنهدات عميقة.
- 5) ابتسم الفتى ابتسامة الزهرة الذابلة بعيد المطر وراح مسرعا.
- 6) عند الفجر قبيل بزوغ الشمس من وراء الشفق جلست في وسط الحقل أناجي الطبيعة.
- 7) جاء الربيع وتكلمت الطبيعة بالسنة السواقي ففرحت القلب وابتسمت بشفاها الأزهار فأسعدت النفس ثم غضبت ودكت المدينة الجميلة فأنست الإنسان عذوبة كليماها ورقة ابتساماتها.
- 8) لم يكن معه إلا بعض الدرهمات ولذا لم يستطع أن يشتري كل ما يحتاج إليه.
- 9) كان منزل المدرس يقع بُعيد المدرسة.
- 10) أثناء سيرها إلى المدرسة شاهدت المعلمة وُليدا وكان هذا الوليد يسخر من شيخ كبير ثم نظرت إلى الشيخ وقالت له: يا أبي، لا تحزن إنه ولد صغير سيئ الخلق.
- 11) ذات يوم شاهدت رجلا وكان هذا الرجل يركب دراجة بخارية ووراءه على الدراجة صنيديق وفيه منيشير وقنيديل.
- 12) قد تعود محمد أن يزين ملابسه بوريدة ويتجول في شوارع القاهرة مصطحبا أخته.
- 13) كان يقول له والده كل يوم: يا بُني، اجتهد في دروسك.
- 14) قد اعتاد أخي الصغير أن يجلس على شاطئ النهر ويستمتع بزقزقة العصافير.
- 15) خرج أحمد من بيته قبيل الفجر.
- 16) إنك درست الكمنجة في

إيطاليا ثم عدت إلى بلادك لترتق من موهبتك بعيد أن مات والداك ولم يترك لك من
حطام الدنيا غير كمنجتك.

664-ماشқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча варианты топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Икки пиёла қайнатилган сут; ҳаво ҳарорати; бизнинг ён қўшнимиз; кўп қаватли бу бино; нефтни қайта ишлаш заводи; Амир Темури хотираси; илмий-назарий конференция; ёзувчининг янги қиссаси; «Муштум» сатирик журнали; «Ўткан кунлар» романи; Худоёрхон замони; қишлоқ ҳаётига бағишланган асар; самолётнинг ўртача вазни; ҳайвонот боғи маъмурияти; Африка қитъасининг майдони; фуқаро авиацияси; Тошкент билан Наманган ўртасидаги масофа; ҳурматли тингловчилар; «Машъал» радиостанцияси; тўрт ўзак ундошли феъллар; Миср ва Сурия ёзувчилари; республикаимиз истиклоли; ўзбек адабиёти ўқитувчиси.

665-ماشқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёд олинг:

فؤاد: أين تقع قارة أوروبا يا صديقي؟

سمير: تقع أوروبا في غربي قارة آسيا.

فؤاد: أي بحر أو محيط يحيط بأوروبا؟

سمير: يحيط بها البحر المتجمد الشمالي شمالا والمحيط الأطلسي غربا والبحر الأبيض

المتوسط والبحر الأسود جنوبا.

فؤاد: هل هناك سهول؟

سمير: نعم، في شمالي أوروبا وشرقيها سهول فسيحة وأشهرها سهل روسيا.

فؤاد: أعتقد أن في أوروبا سلاسل جبلية أيضا. أليس كذلك؟

سمير: بلى، فيها سلاسل الجبال الكثيرة ويقع معظم هذه السلاسل في جنوبي أوروبا وأهمها: قوقازيا والكاربات والبالقان والألب؟ وهذه المناطق الجبلية جميلة ورائعة ولا سيما في الصيف ولذا معظم المنزهات والمصحات الشهيرة يقع في هذه المناطق.

فؤاد: يبدو من الخريطة أن شواطئ أوروبا متقطعة جدا. هل هناك جزر وأشباه جزر؟

سمير: نعم، في أوروبا شبه جزيرة إسكاندينافيا وشبه جزيرة إيبيريا وشبه جزيرة إيطاليا وشبه جزيرة البلقان ومن جزرها المشهورة: بريطانيا وإيرلاندا وكورسيكا وسردينيا وصقلية وكريت وقبرص.

فؤاد: كثير من الجبال في العالم يُعتبر مصدرا للأهبار. هل جبال أوروبا أيضا مصدر للمياه؟

سمير: في أوروبا عدة أنهر متوسطة المسيل صالحة للملاحة. منها: نهر فولغا ودينير ونهر الدانوب ونهر إلب ونهر الرين.

فؤاد: ماذا تقول عن مناخ أوروبا؟

سمير: مناخها معتدل رطب وذلك بفضل جوار البحار لا سيما جوار الأطلنطي. غير أن المناطق الشرقية قاسية الهواء جليدية في الشتاء وحارة في الصيف.

فؤاد: أي نوع من المزروعات يزرع في أوروبا؟

سمير: تزرع الحبوب وخصوصا القمح في روسيا الجنوبية وهونغاريا وفي شمال أوروبا غابات كثيفة ممتدة. أما في المناطق المجاورة للبحر الأبيض المتوسط فتزرع الكرمة والزيتون والبرتقال والتين وأنواع الخضر والفواكه الأخرى. وجوف الأرض غني بالدفائن من فحم حجري وحديد وبنفط.

فؤاد: شكرا جزيليا يا سмир لهذه المعلومات القيمة عن قارة أوروبا.

666-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Эркин: Дўстим Бердикул, Осиё қитъаси ҳақида суҳбатлашайлик. Осиёнинг ҳудуди қанча?

Бердикул: Осиё ер шаридаги қитъаларнинг энг каттаси бўлиб, ҳудуди 44180200 квадрат километр дир. Бу эса ер шари ҳудудининг учдан бирига тенг дир.

Эркин: Осиё қитъаси нималар билан чегараланади?

Бердикул: У шимолда Шимолий Муз океани билан, ғарбда Европа билан, жанубда Ўрта Ер денгизи, Қизил Денгиз ва Ҳинд океани билан, шарқда эса Тинч океани билан чегараланади.

Эркин: Осиёда қандай минтақалар мавжуд?

Бердикул: Шимолий минтақалари пасттекисликлардан ва чўзилиб кетган ясситоғликлардан иборат. Жанубий минтақалари эса бепоён соҳилли бўлак-бўлак қисмларга бўлинади. Арабистон ярим ороли, Ҳиндистон ярим ороли, Ҳиндихитой ярим ороллари шулар жумласидандир. Шимолий ва жанубий минтақалар ўртасида Марказий Осиё мавжуд. Марказий Осиёнинг марказида Тибет ясситоғлиги бор бўлиб, уни улкан тоғлар ўраб туради. Бу тоғлар орасида Гималай тоғ тизмаси бор ва дунёнинг энг юқори чўққиси бўлган Эверест чўққиси шу тоғлар ичида дир.

- Эркин: Осиёдаги дарёлар ҳақида ҳам гапириб беринг.
- Бердикул: Сибирда Об, Енисей, Лена дарёлари оқади. Улар қишда музламайдилар. Хитойда Сарик дарё ва Кўк дарё, Ҳиндистонда Ганг ва Ҳинд дарёлари, Арабистон ярим оролида Тигр ва Евфрат дарёлари мавжуд. Марказий Осиёдан эса Сирдарё ва Амударё дарёлари оқиб ўтади. Бу дарёларнинг бир қисми ўз сувини денгиз ёки кўлларга қуяди. Масалан, Байкал кўли, Орол денгизи, Каспий денгизи, Қора денгиз ва ҳ.з.
- Эркин: Бу маълумотларингиз учун катта раҳмат, Бердикул.

§ 168. ДОНА ОТЛАР

Дона отлар бир хил предметлар ичидан бир донасини билдиради ва у от охирига «ё - та марбута» ҳарфини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

جَزْرٌ – (умуман) сабзи → جَزْرَةٌ – (бир дона) сабзи,

بَصْلٌ – (умуман) пиёз → بَصْلَةٌ – (бир дона) пиёз,

تَبْنٌ – (умуман) сомон → تَبْنَةٌ – сомоннинг бир чўпи.

Булардан ташқари у ёки бу предмет жуда кўп учрайдиган, ҳосил бўладиган, тўпланадиган ўринни билдирувчи отлар ҳам бўлиб, у араб тилида **اسْمُ الْكَثْرَةِ** дейилади ва у **مَفْعَلَةٌ** вазнида ҳосил бўлади:

بَطِيخٌ – тарвуз → مِطْخَةٌ – тарвуз экилган полиз,

لَبَنٌ – сут → مَلْبَنَةٌ – сут комбинати,

أَسَدٌ – йўлбарс → مَأْسَدَةٌ – йўлбарс кўп учрайдиган

ўрмон.

§ 169. КИШИ НОМЛАРИ

Кишиларга кўйиладиган номлар содда (арабча – **غَيْرُ**) ва мураккаб (арабча - **مُرَكَّبٌ**) бўлиши мумкин.

Содда номлар биргина сўздан иборат бўлади. Масалан: **كَرِيمٌ** – Карим, **سَلِيمٌ** – Салим.

Мураккаб номлар икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлиб, куйидаги шаклларга эга:

1. Изофа шаклидаги номлар. Масалан:

عَبْدُ اللَّهِ – Абдуллох, **سَيْفُ الدِّينِ** – Сайфиддин,

أَمْرُؤُ الْقَيْسِ – Имрау-лқайс, **عَبْدُ مَنَافٍ** – Абдуманноф.

2. Икки сўзнинг изофа бўлмаган бирикувидан ҳосил бўлган номлар. Масалан:

حَضْرَ مَوْتٌ – Ҳадрамавт, **بَعْلُ بَكٌ** – Баалбак.

3. Гап шаклидаги номлар. Масалан:

تَأَبَّطُ شَرًّا – Тааббата шарран (жоҳилият шоирининг исми, луғавий маъноси «у ёвузликни кўлтиғига қистирди»дир).

Араб халқида ўтмишда номлар куйидаги элементлардан иборат бўлган:

1. Туғилганда кўйилган ном (арабча - **عَلَمٌ**). Масалан:

أَلْحَسَنُ – Ал-Ҳасан, **أَسَلَيْمَانُ** – Сулаймон,

زَيْدٌ – Зайд, طَلْحَةُ – Талҳа.

2. Ота ёки ўғил номи билан боғлиқ ҳолда ишлатиладиган ном (арабча - كُنْيَةٌ). Масалан:

أَبُو الْحَسَنِ – Абул Ҳасан, أَبُو عَبْدِ اللَّهِ – Абу Абдуллоҳ,

أَبُو عَلِيٍّ – Абу Али, ابْنُ بَطُّوْتَةَ – Ибн Баттута.

3. Туғилган қабиласи, шаҳри ёки яшаган ватани номи билан боғлиқ ном (арабча - نِسْبَةٌ). Масалан:

الْتَّرْمِذِيُّ – Аттирмизий, الْبُخَارِيُّ – Албухорий,

الرَّازِيُّ – Аррозий.

4. У ёки бу нарсага ўхшатиш, касби, ҳунари, қобилияти, таланти билан боғлиқ ном (арабча - لَقَبٌ). Масалан:

مَلِكُ الْكَلَامِ – Маликулкалом (сўз подшоҳи),

شَرَفُ الدِّينِ وَ الدَّوْلَةِ – Шарофуддин ваддавла (дин ва давлат фаҳри).

Бу элементлар ўтмишда биргаликда бир бутунни ташкил этган ва уларнинг тартиби қуйидагича бўлган: аввал лақаб, сўнг «абу» сўзи билан бошланадиган куня, ундан кейин туғилганда қўйилган ном – алам, сўнг «ибн» сўзи билан бошланадиган куня, ундан кейин нисба ва охирида қолган лақаблар. Масалан:

أَبُو إِسْحَاقَ إِبْرَاهِيمَ بْنِ مُحَمَّدٍ الْفَارِسِيِّ الْإِسْطَخْرِيِّ

- Бу ном ўзбекчада қуйидагича талқин қилинади: Исҳоқнинг отаси Муҳаммаднинг ўғли Иброҳим Ал-Форисий Ал-Истахрий.

عَزُّ الدِّينِ أَبُو الْحُسَيْنِ عَلِيُّ الشَّيْبَانِيِّ الْمَعْرُوفُ بِابْنِ الْأَثِيرِ

- Дин қуввати Ҳусайннинг отаси Ибну-л-Асир номи билан танилган Али аш-Шайбоний.

Агар *أَبْنُ* сўзи туғилганда қўйилган ном билан отасининг исми ўртасида турганида, бу сўздаги *أَبْنُ* ёзилмайди ва туғилганда қўйилган ном охиридаги танвин тушиб қолади. Масалан:

مُحَمَّدُ بْنُ زَيْدٍ – Муҳаммад ибн Зайд,

إِلَى مُحَمَّدِ بْنِ زَيْدٍ – Муҳаммад ибн Зайдга,

رَأَيْتُ مُحَمَّدَ بْنَ زَيْدٍ – Муҳаммад ибн Зайдни кўрдим.

Амалий машғулот учун топшириқлар

667-машқ. Қуйидаги сўзлардан *дона* отлар ҳосил қилинг:

جَوْزٌ - гул; *مَوْزٌ* - банан; *زَيْتُونٌ* - зайтун; *شَجَرٌ* - дарахт; *عِنْفُوكٌ* - ёнғок; *بَلَحٌ* - хурмо; *لَوْزٌ* - бодом; *نَحْلٌ* - асалари; *تُفَاحٌ* - олма; *بَقَرٌ* - сугир; *رَغِيْفٌ* - обинон; *تَمَلٌ* - чумоли; *تَبْنٌ* - сомон; *رُقَاقٌ* - нон; *وَرَقٌ* - варақ; *تَمْرٌ* - хурмоқоқи.

668-машқ. Қуйидаги киши номларини ўрганинг ва уларнинг таркибий қисмларини аниқланг:

1) *أبو عبد الله محمد بن إسماعيل بن إبراهيم بن المغيرة البخاري.* (2) *أبو عبد الرحمن الخليل بن أحمد الفراهيدي الأزدي.* (3) *أبو الحسين عبيد الله ابن أحمد الإشبيلي.* (4) *أبو ضياء الدين عبد الرحمن نور الدين بن أحمد نظام الدين الجامي.* (5) *أبو عبد الله محمد بن سليمان الكافيجي.* (6) *محمد بن الحسن نجم الملة والدين الأسترابادي.* (7) *أبو الحسن علي بن محمد الخضرمي الإشبيلي.* (8) *أبو العباس أحمد بن عبد الرحمن اللخمي القرطبي.* (9) *أبو محمد بن عبد الله بن بري المصري.* (10) *أبو محمد ناصح الدين سعيد بن المبارك البغدادي.*

- 11) أبو القاسم محمود بن عمر جار الله الزمخشري. 12) أبو زكريا يحيى بن علي بن الخطيب الشيباني التبريزي. 13) أبو الحسن محمد بن الوليد التميمي. 14) أبو محمد عبد الله بن مسلم بن قتيبة الدَّيْنُورِي. 15) أبو محمد عبد الله بن جعفر بن دَرَسْتَوَيْه الفارسي. 16) أبو بجر عبد الله بن أبي إسحاق زيد الحضري البصري. 17) أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر سيبويه.

669-машиқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёдланг ва ўзбекчага ўгириг:

ياسر: يا أخي تورسونباي، سمعت أنك جئت إلى جامعة القاهرة من جمهورية أوزبكستان، أليس كذلك؟

تورسونباي: نعم، الحق معك، أنا كنت ساكنا في بلد تمنغان وعملت هناك في معمل الغزل والنسيج.

ياسر: أظن أنك تستطيع القول عن تطور هذا النوع من الصناعة الخفيفة في بلدكم.

تورسونباي: نعم، أنا اشتغلت في المعمل ثلاث سنوات ورأيت هذا التطور بعيني.

ياسر: عظيم! هل وضعت حكومتكم خطة خاصة لتطوير الصناعة؟

تورسونباي: نعم، تقوم الحكومة بدراسة مستمرة لتعزيز دعائم الاقتصاد الوطني.

ياسر: وصناعة الغزل والنسيج هي صناعة أساسية عندكم. أليس كذلك؟

تورسونباي: أثناء السنوات الطويلة في عهد الاتحاد السوفيتي السابق كانت أوزبكستان

تعتمد على الزراعة والقطن كان إحدى مزارع رئيسية في بلادنا و لذا

صناعة الغزل والنسيج كانت قائمة عليه.

ياسر: والآن؟ هل تغيرت خطة جمهوريتكم؟

تورسونباي: نعم، بعد الحصول على استقلالنا بدأت حكومتنا تهتم بتطوير الصناعة

الخفيفة والثقيلة أيضا. لذا بعد الاستقلال مباشرة ابتدأت الأعمال في بناء

مجموعة مصانع سيارات الركاب والنقل. وكذلك توجد الآن في طشقند

مجموعة مصانع الطائرات ومصنع الماكينات الزراعية وتم خلال فترة قصيرة
بناء مصنع تكرير النفط في بخاري ما عدا المصانع والمعامل الجديدة الأخرى.
ياسر: كما أرى أنت متخصص في الاقتصاد.

تورسونباي: لا، أنا لست متخصصا ولكنني أعرف كثيرا عن اقتصاد بلادي.

670-ماشқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Дилдора: Илтимос, Шаҳноза, айтиб беролмайсизми,
ҳозир соат неча бўлди?

Шаҳноза: Ҳозир соат саккиздан йигирма минут ўтди.

Дилдора: Эрталабки машғулотлар факультетингизда
нечада бошланади?

Шаҳноза: Факультетимизда машғулотлар саккиз
яримда бошланади. Сизларда-чи?

Дилдора: Биз пешиндан кейин ўқиймиз, шунинг учун
машғулотларимиз соат иккида бошланади.

Шаҳноза: Бугун неча соат ўқийсизлар?

Дилдора: Биз ҳар куни уч жуфт - олти соат ўқиймиз.
Сизлар-чи?

Шаҳноза: Бизда ҳам уч, баъзан тўрт жуфт дарс
бўлади.

Дилдора: Уч жуфт дарсингиз соат нечада тугайди?

Шаҳноза: Уч жуфт дарсимиз бир яримда тугайди.
Соат иккидан бошлаб хоналаримизда
бошқа факультетнинг машғулотлари бош-
ланади.

Дилдора: Сизларда танаффуслар қандай тартибда
бўлади?

Шаҳноза: Бизда ҳар саксон минутда ўн минутдан
танаффус қилинади ва шу саксон минут бир

жуфт ҳисобланади. Иккинчи жуфтдан кейин катта танаффус бўлади.

Дилдора: Катта танаффус қанча давом этади?

Шаҳноза: Катта танаффус эллик минут давом этади. Бунда барча талабалар ва кўпчилик ўқитувчилар тушлик қиладилар. Сизларда-чи?

Дилдора: Бизда ҳам шундай.

§ 170. ИККИ ТОМОНЛАМА МОСЛАШУВЧИ АНИҚЛОВЧИ

Сифат ва сифатдошдан ясалган мослашган аниқловчи аниқланмиш билан тўрт жиҳатда мослашиши маълум. Масалан: *الْمَدِينَةُ الْجَمِيلَةُ*, *بَلَدٌ جَمِيلٌ* ва ҳ.з.

Бундан ташқари араб тилида яна шундай мослашган аниқловчилар ҳам мавжудки, улар ҳам ўзидан олдинги, ҳам ўзидан кейинги сўз билан мослашади. Масалан:

لِي صَدِيقٌ جَمِيلَةٌ عَيْنُهُ – Менинг кўзи чиройли дўстим бор.

Бундай ибораларда аниқловчи ҳар доим бирликда келади. Аслида бу аниқловчи (*جَمِيلَةٌ*) ўзидан кейинги сўзни аниқлаб келади, яъни бу аниқловчининг аниқланмиши *عَيْنٌ* дир. Бу аниқланмиш билан аниқловчи биргаликда олдинги (*صَدِيقٌ*) сўзини аниқлаб келади. Морфологик жиҳатдан эса, аниқловчи жинсда ўзидан кейинги сўз билан, ҳолат ва келишикда эса ўзидан олдинги сўз билан мослашади. Бу иборанинг охириги компоненти (*عَيْنُهُ*) доим бош келишикда келади. Масалан:

عِنْدَ الصَّدِيقِ الْجَمِيلَةِ عَيْنُهُ كِتَابٌ – Кўзи чиройли ўртоқнинг китоби бор.

Юзи чиройли дўстнинг қалами
бор.

Менинг юзи чиройли дўстим бор.

Амалий машғулот учун топшириқлар

671-машқ. Қуйидаги гаплардан икки томонлама мос-
лашувчи аниқловчини топинг, гапларни ўзбекчага
ўғиринг:

- 1) ليست هناك فتاة فيمن تعرف يا عزيزي لها حاجبان كثيف شعرهما بهذه الصورة!
- 2) نظرتُ نحو الغيوم المتلبدة المتلونة أطرافها من أشعة الشمس الجميلة. 3) هذا الكتاب المطبوعة فيه فصول السعادة والشقاء واللذة والألم والمسرة والأحزان فلا يقرأه إلا الرفيق الحقيقي. 4) جلسنا في الحديقة الكثيرة أثمارها. 5) شخصت أبصار العالم إلى هذه الجمهورية الصغيرة البالغ عدد أهلها ثلاثة ملايين إنسان. 6) لنا منزل جيد هواؤه. 7) وجدت أبا ذلك الطالب شخصا نافعة نصانحه. 8) كان على تلك الأرملة فستان ممزقة أطرافه. 9) اشترينا أمس من السوق كتابا مدرسيا سهلة تمارينه. 10) هاتان الشفتان الرقيقتان المشدودة أطرافهما بأثقال كآبة لم تفتحا. 11) إن هذه البناية الثابت بريقها حتى اليوم بنيت منذ حوالي ألف سنة.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ МАТН

طه حسين

ولد الأديب العبقري الكاتب المشهور المصري طه حسين بصعيد مصر سنة
1889 م. دخل جامعة الأزهر عام 1902م. وحين أنشئت الجامعة المصرية
الأهلية وهي الآن جامعة القاهرة عام 1908م. أخذ يتردد عليها ثم نال درجة
الدكتوراه في هذه الجامعة سنة 1914 عن بحثه "ذكرى أبي العلاء".

ثم أوفدته الجامعة مبعوثا لها في نفس العام إلى فرنسا فظل في باريس حتى عام 1919م. و قد نال درجة الدكتوراه عن بحثه "فلسفة ابن خلدون".

عمل طه حسين مدرسا للتاريخ القديم بالجامعة المصرية ثم أستاذا للأدب العربي فيها ثم انتخب عميدا لكلية الآداب سنة 1920 م. ثم مديرا لجامعة الإسكندرية عام 1943 م.

للأديب تاريخ ضارب الجذور في أعماق الحياة الثقافية و التعليمية و السياسية.وقد بذر طه حسين في الحياة الفكرية الفنية المصرية بذور الخير والحرية والجمال فهو أول من استطاع أن يستخدم الأسلوب القائم علي الشك في تحليل الفكر العربي منذ فجر تاريخه. وقد أحدث كتابه "الشعر الجاهلي" ضجة واسعة النطاق وشملت هذه الضجة العالم العربي بأجمعه. إن طه حسين لا يعتمد علي العقل وحده كأساس المعرفة في الدراسات العلمية فهو يتجلى بالإرادة وتبصره هذه الإرادة علي الجانب الطيب من الحياة وتقربه من جماليات الوجود لأن فيها الخير والحرية والعدالة.

وبالفعل لعب طه حسين دورا خارقا في إقامة صرح ولا يختلف علي ضخامة هذه العبقرية أحد وإن علمه الدقيق المتخصص ورؤيته العميقة النفاذة وثقافته المنوعة الرحبة كلها تتداخل و تتناغم وكلها تجعل منه كاتبا مشهورا في العالم العربي وأديبا عبقريا.

توفي طه حسين في سنة 1973م. وأبرز ما كتبه الكاتب "الأيام" و"الأديب" و"عودة الروح".

(Э. Талабовнинг «Учебное пособие по разговорной практике арабского языка» китобидан айрим ўзгартишлар билан)

672-машқ. Йигирма тўртинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ўрганинг ва ўзбекчага ўғиринг.

673-машқ. Йигирма тўртинчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) من هو طه حسين؟ 2) متى وُلد طه حسين وأين؟ 3) في أية جامعة درس طه حسين؟ 4) كيف كانت تسمى جامعة القاهرة في أوائل القرن العشرين؟ 5) عن أي بحثه نال طه حسين درجة الدكتوراه الأولى؟ 6) إلى أين أوفدته الجامعة بعد حصوله علي درجة الدكتوراه؟ 7) حتى أية سنة ظل طه حسين في فرنسا؟ 8) متى انتخب عميدا لكلية الآداب بالجامعة المصرية؟ 9) متى تعين مديرا لجامعة الإسكندرية؟ 10) ما هو دور هذا الكاتب في الحياة العلمية والثقافية المصرية؟ 11) كيف استقبل العالم العربي كتابه "الشعر الجاهلي"؟ 12) ما هي أبرز مؤلفات طه حسين؟ 13) متى توفي هذا الكاتب المصري العملاق؟

674-машқ. Йигирма тўртинчи матндан феълларни ажратиб олинг, уларнинг бобларини аниқланг ва тўла морфологик таҳлил қилинг.

675-машқ. Йигирма тўртинчи матндан масдар ва сифатдошларни топинг, қайси феълнинг қайси бобидан эканлигини аниқланг ва гапдаги вазифасини тушунтиринг.

676-машқ. Йигирма тўртинчи матнда мавжуд феълларнинг барчасидан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошларини ҳосил қилинг, ҳар бир сифатдошга биттадан гап тузинг.

677-ماشқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар
иштирокида гап тузинг:

بزوغ الشمس، البحر المتجمد الشمالي، ترفيه المعيشة، درجة الدكتوراه، حافظ
القرآن، سلسلة جبلية، ضارب الجذور، واسع النطاق، وسائل التنقل، السنوات
العجاف، علاقات دبلوماسية، الحرية الحقيقية، شدة الرجولية، زقزقة العصافير، قبيل
الفجر، غيوم متلبدة متلونة، أشعة الشمس، الحديقة الكثيرة أثمارها، الأديب العبقرى،
الجامعة المصرية الأهلية، بالفعل، غابات كثيفة ممتدة، كثير من الجبال، شبه جزيرة،
الاستقلال المعنوي، سكان القرية، منتصف الليل.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ ИБОРАЛАР

اِتِّحَادُ اَدْبَاءِ اُوْزْبِكِسْتَانِ	Ўзбекистон	سُبْحَانَ اللهِ	Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!
اِطْلَاقُ رِصَاصٍ	ёзувчилари уюшмаси ўқ отиш	طَارِقُ بِنُ زِيَادٍ	Торик ибн Зиёд (араб лашкарбошичи)
اِطْلَاقُ اسْمًا	IV исм қўймоқ	عَافَاكَ اللهُ	III Офарин! Браво!
جَاهِزُ التَّرَكِيبِ	йирик панелли, йиғма (уй)	فَارِسُ الْفَجَائِي	Форис ал-Фужоий
جَدِيرٌ بِالذِّكْرِ أَنْ	шуни айтиш керакки,...(сўз. шу нарса эслаб ўтишига арзийдики,...)	كُونْفُوشِيُوسُ	Конфуций (қа- димги Хитой файласуфи)
حَيٌّ سَكْنِيٌّ	турар жой маскани	مَضِيقُ جَبَلِ طَارِقٍ	Гибралтар бўғози
الْحَيَاةُ الدُّنْيَا	ҳозирги дунё, бу дунё	مَعَشَرُ الْأَطِبَّاءِ	докторлар жамоа- си, врачлар
دَارُ الْحَضَانَةِ	ясли	الْمَغْرِبُ	Марокко
ذُو الدَّقْنِ	ипак қурти	I وَدَعَّ وَشَأْنُهُ	ўз ҳолига ташлаб қўймоқ
رَوْضَةُ الْأَطْفَالِ	болалар боғчаси		

§ 171. ТААЖЖУБНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Араб тилида таажжуб ёки ҳайратни ифодаловчи маълум феъл шакллари мавжуд бўлиб, улар **أَفْعَالُ التَّعْجُبِ** дейилади. Бу феъллар икки шаклда ишлатилади:

1. **مَا** юкламаси ва IV боб феъли ўтган замоннинг III шахс бирлик музаккар шаклида – **مَا أَفْعَلٌ**. Масалан:

جَمِيلٌ – чиройли → **مَا أَجْمَلٌ** – Қандай чиройли!

طَيِّبٌ – яхши → مَا أَطْيَبَ – Қандай яхши!

بَغِيضٌ – хунук → مَا أَبْغَضَ – Қандай хунук!

Ҳайрат ва таажжуб объекти бўлган предмет тушум келишигида келади. Бунда юқоридаги феъллар от билан жинсда ва сонда мослашмайди:

مَا أَحْسَنَ الطِّفْلَ – Қандай яхши бола!

مَا أَسْعَدَ الرَّجُلَ – Қандай бахтли одам!

مَا أَسْعَدَ الْمَرْأَةَ – Қандай бахтли аёл!

2. Ҳайратланиш феъли IV бобнинг II шахс музаккар бирликдаги буйруқ майлида келиб, ҳайратланиш объекти — предлоги билан қаратқич келишигида келади.

Масалан:

أَحْسِنِ بِالطِّفْلِ – Қандай яхши бола!

أَسْعِدِ بِالْمَرْأَةِ – Қандай бахтли аёл!

Ҳар икки форма бир хил маънони ифодалайди. Шунинг ҳам айтиш керакки, иккинчи форма ҳозирги араб адабий тилида кам қўлланилади.

3. Агар ҳайратланиш объекти предмет бўлмай, ҳаракат номи бўлса, у أَنْ юкламасидан кейин истак майлида келган феъл воситасида ҳам шаклланиши мумкин. Масалан:

مَا أَحْسَنَ بِالرَّجُلِ أَنْ يَصْدُقَ وَ مَا أَقْبَحَ بِهِ أَنْ يَكْذِبَ

- Инсоннинг рост гапиргани қандай яхши ва унинг алдагани қандай ёмон!

4. Агар ҳайратланиш ўтган замон ёки келаси замонга тегишли бўлса, таажжуб феълидан олдин كَانَ феъли ўтган ёки келаси замонда қўйилади. Масалан:

مَا كَانَ أَسْعَدَ زَيْدًا – Зайд қандай бахтли эди!

مَا يَكُونُ أَسْعَدَ زَيْدًا – Зайд қандай бахтли бўлади!

5. Таажжуб баъзан يَا ва لَ юкламалари билан келган хайратланиш объекти ёки кўшилиб келувчи олмош билан ифодаланиши мумкин:

يَا لَهُ رَجُلًا يَا لَهُ مِنْ رَجُلٍ – Бу қандай одам!

يَا لَكَ – Сен қанақасан ўзи!

Амалий машғулот учун топшириқлар

678-машқ. Қуйидаги гаплардан таажжубни ифодаловчи элементларни топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) يا ليت الجداول لا تسيل بالماء ولكن بالقهوة! ما ألد الحياة أن تسيل الجداول بالقهوة الغالية. 2) ما أمر الوحدة إذا ساكنت الشيخوخة والمرض. 3) يا للمأساة! إننا نعيش في القرون الوسطى! 4) سوف تلتقين الأميرات والسيدات فيحسدنك علي حلاك وملابسك. كل ذلك لك مني. آه، ما أحلى ابتسامتك! 5) ما أحب الحياة إلينا وما أبعدا عن الحياة! 6) – ما أكمل بهاءك يا حبيبي وما أعظم حيي لك! – ما أجملك بين الفتيان يا حبيبي وما أكثر شوقي إليك! 7) آه، ما أكرمك خليلا وما أوفاك خليلا وما أجمل هداياك وأنفس عطاياك! 8) عافاك الله يا ابني، فما أبلغك شاعرا وما أذكاك أدبيا! فأنا أفتخر بأمثالك ولا أشك بأنك ستكون من رجال الشرق الكبار. 9) سكتُ قائلا في سري: ما أغرب هذا الرجل وما أصعب السبيل إلي حقيقته. 10) سافرت إلى سمرقند لأشاهد آثار وطني فقلت: سبحان الله! يا لجمال تناسقها ودقة رسمها! فما أصبر الفنانين الأوزبكيين القدماء على دقة فنهم وأعظم برسومهم على جدران المساجد والمدارس والمقابر! 11) قال أحد السائحين الأجانب حين زار مدينة الأقصر: ما أروع تخطيط جثث الموتى وأكثر بتقدم

الفنانين المصريين القدامى في هذا المجال. 12) إن في مدينة سمرقند أكثر من نصف آثار جمهوريةنا فما أقبح ألا نحفظ قدرها وأجدر بأن تُرعى قيمتها. 13) ما أجمل الحب إذا كان نظيفا. 14) ما أصعب أن تعاشر الناس وتكلمهم بلغتهم فيحسبون أن لا لغة لك سواها وأكبر بهجتك عندما تقع على من يعرف لغتك مثلما تعرفها. 15) ما أعجبهم قوما هؤلاء الفلاحون وما أجمل ذوقهم! لون لباسهم كلون سماتهم. 16) ما أطيب هذه الرائحة للرياحين. 17) أجمل بالبنائيات المتشامخة في وسط مدينتنا الحبيبة. 18) يا له من رجل! لا يعرف إطلاق رصاص. 19) يا لك من الجهالة ما اشترت زهرة بل اشترت عشب.

679-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

биламиз. 7. Биз Миср Араб Республикасининг араб мамлакатлари орасида энг ривожланган, замонавий маданиятни тўла эгаллаган давлат эканлигини биламиз. 8. Сиз (*мн*) билан бир гурӯҳда ўқиётган дугонангиз айтдики, араб тилини университетга кирмасингиздан илгари мустақил ўрганган экансиз. 9. Биз эртага Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш учун Самарқандга кетаётганимиз ҳақида гуруҳ раҳбарингизни огоҳлантирганман. 10. Институтимизга араб тилидан дарс бериш учун Кувайтдаги араб тили марказидан устоз келган ва бир-икки ҳафтадан кейин Саудия Арабистонидан ҳам яна бир устоз келади деб эшитганман. 11. Биз инглизча журналда ўқидикки, Кувайт ҳудуди жиҳатидан араб мамлакатлари ичида энг кичиги экан. 12. Машҳур инглиз ёзувчиси ёзадики, араб тили ўрта асрларда илм-фан тили ҳисобланган. 13. Акам айтадики, Сиз (*мз.*) Қоҳира университетининг филология факультетида акам билан бирга ўқиган экансиз. 14. Кимдандир эшитдимки, уйимизда ўтирган меҳмоннинг акаси ўтган йили иқтисодиёт университетини тугатипти. 15. Ошхонада бизга овқат тайёрлаётган онам сездиларки, биз дарсга жуда шошилиб турибмиз. 16. Ректоратдан маълум қилишларича, университетимиз учун янги ўқув корпуси қурилиши келаси йилда бошланармиш.

709-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг:

سمير: هل تعرف أطول كلمة في اللغة العربية يا كريم؟

كريم: دعني أفكر... هل هي كلمة «المستشفيات»؟

سمير: لا.

كريم: لا أعرف. قل لي أنت.

سمير: كلمة «جميلة».

كريم: ولكن هذه الكلمة فيها خمسة حروف فقط، فكيف تكون أطول كلمة عربية؟

سمير: لأن بين الحرف الأول والحرف الأخير «ميل».

710-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

- Хайрли тонг, Саодат.

- Хайрли тонг, Нафиса.

- Сиз қаердан келяпсиз?

- Мен дугонам билан озиқ-овқат магазинига борган эдим. Ҳозир у дорихонага дорига кириб кетди.

- Сиз қайси магазинга бордингиз?

- Биз Навоий кўчасидаги магазинга бордик. У теле-студия биноси яқинига жойлашган.

- Биламан, у катта магазин. Мен ҳам у магазинга тез-тез бориб тураман. У ердан олма, нок, узум каби мевалар сотиб оламан. Сиз ҳам мевалар харид қилганга ўхшайсиз-а?

- Ҳа, биз ҳам олма, узум олдик. Бу магазиннинг қандолат бўлими ҳам жуда бой экан.

- Тўғри, аммо Пушкин кўчаси бошланишидаги магазиннинг қандолат бўлими яна ҳам бой. У ерда доим янги турли хил конфетлар бўлади. Биз у магазинга ҳам тез-тез бориб турамиз.

- У ерга сиз нимада борасиз?
- Биз метрода борамиз. Сиз-чи?
- Бизнинг уйимизга метро бекати анча узок, шунинг учун мен автобусда бораман.
- Ана, дугонам келяпти. Дорини тез олипти.
- Сиз ётоқхонага кетаяпсизми?
- Йўқ, Дилфуза келмоқчи эди, мен уни кутиб турман. Биз у билан чеварга бормоқчи эдик.
- Хайр бўлмаса, биз ётоқхонага кетдик.
- Хайр, саломат бўлинг, яхши боринг.

§ 183. ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАП

Эгаси мавжуд бўлмаган ва кесим ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлган гап шахси номаълум гап дейилади. Шахси номаълум гап учун муҳими ўша иш-ҳаракатнинг бажарувчиси эмас, балки унинг бажарилиш фактидир («Темирни қизиғида бос, дейдилар» каби).

Араб тилида шахси номаълум гапнинг кесими ўтган ва ҳозирги-келаси замонда бўлиши мумкин ва у қуйидагича ифодаланади:

1. Кесим III шахс кўплик музаккар феъл билан ифодаланади. Масалан:

يَقُولُونَ إِنَّهُ يَعْرِفُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ حَقَّ الْمَعْرِفَةِ - Айтадиларки, у араб тилини жуда яхши билади.

كَتَبُوا أَنْ كُلَّ مُؤَلِّفَاتِهِ سَتُنَشَرُ فِي الْوَقْتِ الْقَرِيبِ - Ёзишларича, унинг барча асарлари яқин вақт ичида нашрдан чиқади.

2. Кесим III шахс бирлик музаккар мажҳул нисбатдаги феъл билан ифодаланади. Масалан:

Бу - يُقَالُ فِي هَذِهِ الْمَقَالَةِ عَنِ الْحَوَادِثِ الْأَخِيرَةِ فِي الشَّرْقِ الْأَوْسَطِ
мақолада Якин Шарқдаги сўнгги воқеалар ҳақида
гапирилади.

فورس کۆرфазидаги
قِيلَ كَثِيرًا عَنِ الْعَمَلِيَّاتِ الْقِتَالِيَّةِ فِي الْخَلِيجِ الْعَرَبِيِّ
уруш операциялари ҳақида кўп гапирилди.

3. Баъзан бундай гапларда кесим бўлиб келган
феълнинг аниқ нисбат сифатдоши гапнинг формал эгаси
бўлиши мумкин. Бунда феъл музаккар бирлик аниқ
нисбатда бўлади. Масалан:

سؤال سائل أن... - Сўралдики...
قال قائل إن... - Айтилдики...

Амалий машғулот учун топшириқлар

711-машқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) يقولون لي: ما نكبة بلادك سوى جزء من نكبة العالم وما الدموع والدماء التي
أهرقت في بلادك سوى قطرات من فخر الدماء والدموع المتدفق ليلا ونهارا في أودية الأرض
وسهولها. 2) كُتِبَ فِي هَذِهِ الْمَقَالَةِ أَنَّ عِدَدَ سَكَانِ جُمْهُورِيَّةِ مِصْرِ الْعَرَبِيَّةِ ازْدَادَ فِي السَّنَوَاتِ
الْأَخِيرَةِ بِكَثِيرٍ. 3) أُذِيعَ بِالتَّلْفِزْيُونِ الْجُمْهُورِيِّ أَنَّهُ سَيَصِلُ رَئِيسُ الْحُكُومَةِ السُّورِيَّةِ إِلَى
طَشْقَنْدِ فِي الْأَسْبُوعِ الْقَادِمِ. 4) قِيلَ فِي نَشْرَةِ الْأَخْبَارِ الْأَخِيرَةِ إِنَّهُ سَيَحْتَفِلُ الشَّعْبُ الصِّينِيُّ
غَدًا بِعِيدِهِ الْوَطْنِيِّ وَهُوَ عِيدُ الْاِسْتِقْلَالِ. 5) قَدْ يُقَالُ إِنَّ هَذِهِ الْكُتُبَ غَيْرَ مَعْرُوفَةٍ لَهُمْ.
6) يَقُولُونَ إِنَّهُ يَعْرِفُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ حَقَّ الْمَعْرِفَةِ. 7) يُحْسِبُونَ أَنَّ الْقَضِيَّةَ يُمْكِنُ حَلُّهَا بِطَرِيقِ
هَيْئَةِ الْأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ فَقَطْ. 8) يُعْتَبَرُ أَنَّهُ عَالَمٌ كَبِيرٌ. 9) يُقَالُ فِي هَذِهِ الْمَقَالَةِ عَنِ الْحَوَادِثِ
الْأَخِيرَةِ فِي تَرْكِيَا. 10) أَرْجَفَ الْمَرْجِفُونَ أَنَّ الزَّوْجَةَ دَبَرَتْ مَوَامِرَةً لَزَوْجِهَا.

712-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. «Ўзбекистон» нашриётида яқинда чоп этилган ўша
китобда Ўзбекистонинг нефть ва газ саноатида қўлга

киритган ютуқлари ҳақида гапирилади. 2. Саудия Арабистонининг энг нуфузли газеталаридан бирида ёзилишича, бу йил ҳаж зиёратига келувчилар сони аввалги йиллардагидан анча ошади. 3. Айтадиларки, илмий-назарий конференцияда маъруза қилган ўша толиба қиз инглиз ва француз тилларини жуда яхши билади. 4. Ётироф этилишича, Англия Фанлар Академиясидан маъруза қилиш учун келган доктор атом физикаси соҳасидаги энг йирик олимлардан биридир. 5. Ёшлар телеканалидан хабар беришларича, Ўзбекистоннинг футбол терма командаси Бирлашган Араб Амирлигида ўтказилган футбол мусобақасида барча командалар усти-дан голиб келиб, чемпионликни қўлга киритган. 6. «Машъал» радиостанциясидан ўқилган сўнги ахборотда маълум қилинишича, йигирма йилдан буён давом этаётган афғон уруши фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комиссияси томонидангина ҳал этилиши мумкин. 7. Республиканинг иқтисодий сиёсати ҳукуматнинг ўз ички иши ҳисобланади ва четдан бунга аралашига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. 8. Ҳар йили 1 сентябрь куни биз нишонлайдиган Мустақиллик куни республикамизнинг энг катта ва энг нуфузли миллий байрами ҳисобланади.

§ 184. ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шартини билдирувчи эргаш гап шарт эргаш гап дейилади. Араб тилида кўпинча шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади.

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шarti реал («Яхши ўқисанг, тушунасан» каби) ва нореал

(«Яхши ўқиганингда эди, тушунардинг» каби) бўлиши мумкин:

1. 1. Реал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олдидан **إِن**, **إِذَا**, **مَتَى**, **مَنْ** юкламаларидан бири келиши мумкин:

إِن, **مَتَى**, **مَنْ** юкламалари иштирок этганида, эргаш гапдаги феъл ҳам, бош гапдаги феъл ҳам ёки ўтган замонда, ёки шарт майлида келади. Лекин бу гапдан англашилган шарт маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлади. Масалан:

إِن خَرَجْتَ مِنَ الْعُرْفَةِ خَرَجْتُ مِنْهَا - Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إِن تَخْرُجَ مِنَ الْعُرْفَةِ أَخْرَجْتُ مِنْهَا - Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إِن تَسْأَلُوا كَثِيرًا تَعَلَّمُوا كَثِيرًا - Кўп сўрасангизлар (мз), кўп биласизлар.

مَتَى تَخْرُجَ أَخْرَجْتُ - Қачон сен чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

مَنْ زَرَعَ الْمَعْرُوفَ حَصَدَ الشُّكْرَ - Кимки эзгулик экса, таҳсин теради.

2. **إِذَا** юкламаси ишлатилганида, ҳар икки гапдаги феъл ўтган замон шаклида келади. Лекин шартнинг маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишлилигича қолади. Масалан:

إِذَا دَخَلْتَ الْعُرْفَةَ رَأَيْتَ الْقَنْدِيلَ فِيهَا - Сен(мз) хонага кирсанг, ундаги қандилни кўрасан.

3. Баъзан бош гапнинг мазмунига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, бош гап эргаш гапдан олдин келиши ҳам мумкин. Масалан:

لَسْتُ مُبَالِغًا إِذَا قُلْتُ إِنَّنِي مَرِيضٌ - Агар мен касалман десам,
муболаға қилмаган бўламан.

Қуйидаги ҳолларда бош гап олдидан **فَ** юкламаси қўйилади:

1. Бош гап от кесимли гапдан иборат бўлса. Масалан:

إِنْ لَمْ تَرَ هَذِهِ الْكَارِثَةَ فَأَنْتَ سَعِيدٌ - Агар сен бу фалокатни кўрмаган бўлсанг, бахтлисан.

2. Бош гапдаги феълдан буйрук, илтимос, хоҳиш-истак маънолари англашилса. Масалан:

إِذَا لَمْ يَعِشْ حُرًّا بِمَوْطِنِهِ الْفَتَى فَسَمَّ الْفَتَى مَيِّتًا وَ مَوْطِنَهُ قَبْرًا - Агар инсон ўз ватанида эркин яшамаса, уни ўлик, ватанини қабр ҳисобла.

3. Бош гапдаги феъл **قَدْ**, **سَ**, **سَوْفَ** каби юкламалар билан, шунингдек, **مَا** ёки **لَنْ** инкор юкламалари билан бошланган бўлса:

إِنْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ - Агар сен улар учун кечирим сўрасанг, Оллоҳ уларни ҳеч қачон кечирмайди.

II . Нореал шартни билдирувчи шарт эргаш гап одидан **لَوْ** юкламаси қўйилади ва бу гапдаги феъл кўпинча ўтган замон шаклда келади. Масалан:

لَوْ زُرْنَا الْمَسْرَحَ شَاهَدْنَا فِيهِ تَمَثِيلًا رَائِعًا - Агар театрга борганимизда эди, унда ажойиб спектакль томоша қилган бўлар эдик.

Бундай гапларда бош гап олдидан **لَ** юкламаси ҳам қўшилиши мумкин. Бу юклама гапнинг маъносига таъсир ўтказмайди. Масалан:

لَوْ كَانَ عِنْدِي وَقْتُ لَكْتُبْتُ مَقَالََةً لِجَرِيدَةِ الْحَائِطِ - Вақтим бўлганида эди, деворий газетага мақола ёзган бўлардим.

Баъзан нореал шартни ифодалашда бош гап бирикма олмош билан ў юкламасидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

لَوْ لَاحُكُّنَا لَكُنْتُ تَعَسًا - Агар у (мз) бўлмаганида эди, мен бахтсиз бўлган бўлар эдим.

لَوْ لَاحُكُّنَا لَكُنْتُ تَعَسًا - Сен бўлмаганида эди, йўлда адашган бўлардим.

Амалий машғулот учун топшириқлар

713-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва реал шарт эргаши гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўгиринг:

- 1) إِنْ كَانَ بَقَائِي يَوْجِبُ فَنَاءَ سِوَايَ فَالْمَوْتُ إِذْنٌ أَلَدِي وَأَحِبُّ. (2) الْحَيَاةُ امْرَأَةٌ عَاهِرَةٌ وَلَكِنَّهَا جَمِيلَةٌ وَمَنْ يَرِ عَهْرَهَا يَكْرَهُ جَمَالَهَا. (3) اسْكُتْ يَا قَلْبِي حَتَّى الصَّبَاحِ فَمَنْ يَتَرَقَّبُ الصَّبَاحَ مَتَجَلِّدًا يَعْانِقُهُ الصَّبَاحُ مَشْتَاقًا. (4) هَزَّ الطَّيِّبُ رَأْسَهُ قَائِلًا: مَنْ الْغَبَاوَةُ أَنْ نَسْتَأْصِلَ الضَّرْسَ إِذَا كَانَ بِإِمْكَانِنَا تَطْيِيبَهُ. (5) إِذَا قَالَ لِي "صَبَاحَ الْخَيْرِ" يَحْمَرُّ وَجْهَهُ.
- 6) – المثل يقول: "لا تمشي الأرجل إلى حيث يحب القلب" وأنا أحبكم. – إن كنت تحبيننا فاقعدي معنا حتى الغداء. (7) إِنْهَا صَارَتْ الْآنَ امْرَأَةٌ أَيْ فِي سَنِ الزَّوْجِ فَإِنْ لَمْ تَتَعَلَّمِ الطَّبِيخَ وَالشُّؤُونَ الْمَنْزِلِيَّةَ فَأَيْنَ تَتَعَلَّمِ؟ (8) إِذَا لَمْ يَعْجِبْنَا طَعَامُكَ فَأَيَّ طَعَامٍ يَعْجِبُنَا إِذْنُ؟ (9) هَلْ قَرَيْتُنَا وَمَدِينَةَ الْجَزَائِرِ مَتَسَاوِيَتَانِ؟ الرِّجَالُ هُنَا كَالْوَحُوشِ يَلْتَهْمُونَكَ بِأَعْيُنِهِمْ إِنْ رَأَوْكَ.
- 10) طَبَعًا لَمْ تَكُنْ عِدَاؤَهُمَا صَرِيحَةً بَيْنَهُمَا فَهَمَا إِذَا التَقِيَا لَا يَبْدُو عَلَيْهِمَا مَا يُوْحِي بِعِدَاوَةٍ. وَلَكِنْ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا يَحْسُ بِعَدَمِ ارْتِيَاكِ إِذَا وَجَدَ نَفْسَهُ أَمَامَ الْآخَرِ. (11) إِنْ رَأَيْتَ مَصْوَغَاتِي تَكْفِي لِتَسْدِيدِ الْمَبْلَغِ الْمَطْلُوبِ فَبِعَهَا. أَمَا إِذَا بَعْنَا الْغَنَمَ فَلَمْ يَعُدْ لِبَقَائِنَا هُنَا أَيَّ مَبْرَرٍ.

12) الولد الصالح مثل الأرض الصالحة إن لم تربحك الربح الكثير فلن تخسرك. 13) هو لا يلعب دائما ولكنه إذا لعب فإما أن يخسر إلى النهاية أو يربح أيضا إلى النهاية.

714-ماشқ. Куйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва нореал шарт эргаши гапларни аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) إحدى وعشرون لوحة بهذا السقف! لو كان به ثمانى عشرة لوحة فقط لبقيت ثغرة فيه أو لو كانت الألواح أعرض قليلا مما عليه لكفت الثماني عشرة لوحة... 2) لو قضيت هذه العطلة في الجزائر لاستطعت أن ألقى صديقي ذلك. 3) أنا أتعجب ممن لا يحب القهوة! إنني لو لاها لما استطعت القيام ولا القعود. 4) لو كان بيدي مال لتصدقت كل جمعة بالطعام. 5) لولا هذا الناي لظننا القرية خلت من سكانها منذ سنين. 6) إنني مشغولة بمراجعة دروسي يا خالتي، ثم إنني لو حاولت أن أتعلم صنع ما تصنعين هنا من الأواني لكسرت كلها. 7) لا أحد يدري كيف كانت تبدو هذه القرية القفراء لزائريها لو لم يكن فيها هذا الراعي الطيب الذي يملأ سماءها أنغاما. 8) منذ أن كانت الدنيا كان الموت وكانت الحياة فلو أوقف الناس قلوبهم عند موتاهم الأعماء لتوقفت الحياة. 9) لو فكّرت البلدية في إنشاء ورشات للعمل ولو فكّرت في بناء دار للتربية والثقافة الشعبية ولو فكّرت في تعبيد طرق هذه القرية والقرى التابعة لها ولو فكّرت في شق المجاري... لو فكّرت في كل ذلك لما بقي فقر ولا جهل ولا ذباب. 10) لو كان الناي معه ولم يكن بهذا المكان القريب من الدار لأخذه وعزف أرقّ الألحان لهذه الآمال الغامضة. 11) لو أحدثك عن كل ما وقع في تلك السنة من مأس ورزايا لما كفتني أيام بلياليها. 12) النار... النار... لو لاها لما استطعت صنع آنية واحدة! 13) هو الوحيد من جيله الذي شارك في الحرب العالمية الأولى وكاد أن يضيع فيها حياته لو لا لطف الأقدار. 14) الشفاه الرقيقة، الأنف المستقيم، البسمة الساحرة... كالقمر، كهلال العيد! أنا لو أوماً لي إيماءة واحدة لذهبت معه إلى حيث يريد. 15) لو كنت سنبله من القمح نابتة في تربة بلادي لكان الطفل الجائع يلتقطني

ويزيل بجباي يد الموت عن نفسه. لو كنت ثمرة يانعة في بساتين بلادي لكانت المرأة الجائعة تتاولني وتقضمني طعاما. لو كنت طائرا في فضاء بلادي لكان الرجل الجائع يصطادني ويزيل بجسدي ظل القبر جسده.

715-машқ. Қуйидаги реал ва нореал шарт эргаши гапли қўшма гапларни арабчага ўғиринг:

1. Агар университетга мен билан бормоқчи бўлган бўлсангиз (мз.), мен боришга тайёрман. 2. Агар Муҳаммад дарсларидан сўнг бу хонага кирса, мени стадионга кетди деб айтинг (мн). 3. Агар сизлар (мн) Миср маданий марказига борсангизлар, ҳозирги замон сиёсатининг актуал муаммоларига бағишланган маърузада қатнаша олмай-сизлар. 4. Агар дугонам касал бўлмаганида эди, биз билан ҳозир тўртинчи курсда ўқиган бўлар эди. 5. У (мн) меҳнатдан қочмаганида эди, эрта тонгда кийиниб, бу ерга етиб келган бўлар эди. 6. Ҳурматли меҳмон, агар Сиз (мз.) Фарғона водийсига ташриф буюргангизда эди, Ўзбекис-тоннинг ҳақиқий жамолини кўрган бўлардингиз. 7. Агар биз шахримизнинг шимолий қисмидаги турар - жой масканидан янги квартира олганимизда эди, унга мос бўлган янги чиройли мебель ҳам сотиб олган бўлар эдик. 8. Мисрлик устоз бу илмий-назарий конференцияда иштирок этганида эди, ота-боболаримиздан қолган расм - русумлар, урф-одатларимиз ҳақида кўп янги маълумотлар эшитган бўлар эди. 9. Агар тўққизинчи синф ўқувчилари уй вазифаларини бажармаганларида эди, янги мавзунини тушунмаган бўлар эдилар. 10. Агар биз Наманган - Тошкент поездига бугун билет ололмасак, эртага Тошкентга жўнай олмаймиз. 11. Сизлар (мз.) бўлмаган

нингизда эди, мен бу офатдан кутулолмаган бўлардим. 12. Бу матнни таржима қилишда ёрдам бермаганларида (мз.) эди, бугун бу ерда сизлар (мз.) билан ўлтирмаган бўлардим. 13. Тўнғич опам янги ҳовли сотиб олса, мен албатта янги мебель совға қиламан. 14. Қачонки улар (мз.) мени чорлашса, мен ўша пайтда «лаббай» деб жавоб бераман. 15. Сиз (мз.) қаерда бўлманг, мен Сизни албатта қидириб топаман. 16. Агар сизлар (мз.) Миср Араб Республикасига борсангизлар, албатта Луксор ва «Води-л-мулук» ёдгорликларини бориб кўринглар. 17. Агар у (мз.) уйига кечаси кеч қайтса, менга телефон қилмасин. 18. Агар бу йил ёзда Нанай қишлоғига борсак, у ерда тўрт ҳафта турамиз. 19. Агар Сиз (мн) бугунги «Ал-Аҳром» газетасини ўқиган бўлсангиз, демак Сиз Қоҳира ҳақида кўп янги маълумотларни биласиз. 20. Агар мен келаси йили университетни тугатсам, албатта икки йил Бирлашган Араб Амирликларида ишлайман.

716-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Офарин!; бу дунё; турар-жой маскани; Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси; духтурлар жамоаси; тарихий ёдгорликлар; заковатли йигит; худо номи билан қасам ичаман; Сиз (мн) ноҳақсиз; отамнинг соқоли ҳақи; мутасаввиф олим; соф муҳаббат; Шимолий Фарғона канали; эрталабки бадантарбия машқлари; соғлиқни сақлаш вазирлиги; элчи жаноблари; кекса ўқитувчилар; иқтисодий тараққиёт; ҳар меванинг ўз мазаси бор; сизлардан (мз.) ўтиниб сўрайман; Ўзбекистон Мадҳияси.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ МАТН

وادي فرغانة

إن هذا الوادي الذي اكتسى بالرداء الأخضر في وسط صحارى آسيا المركزية الواسعة الصفراء والذي تتوفر فيه فاكهة الصيف والشتاء دون انقطاع اشتهرت شهرته في العالم العربي بفضل رواية "عروس فرغانة" للكاتب المصري الشهير جرجي زيدان...

سُمي السائحون هذا الوادي في العهود القديمة باسم "لؤلؤة آسيا المركزية" وفي الحقيقة إن هذا الوادي من قديم الزمان كان يجذب انتباه الملوك و السلاطين والقادة العسكريين في العالم كله وذلك لأراضيه الخصبة و مياهه التي تتدفق في أنهاره وجداوله ولعادات سكانه الذين يتلذذون بمسابقاتهم في الكرم والسخاء ولسنا مبالغين إذا قلنا إن القائد اليوناني العظيم إسكندر ذا القرنين وقائد الجيش المغولي تشينجيزخان والقيصرة الروس عندما استهدفوا غزو آسيا المركزية كان هدفهم الرئيسي هو الاستيلاء على وادي فرغانة والسيطرة على ثرواته الموجودة فوق أراضيه وتحتها.

وفي كثير من آيات القرآن الكريم تُسمى البساتين التي تجري من تحتها الأنهار بالجنة والفردوس في الآخرة... أليس من حقنا أن نطلق على هذا الوادي اسم "فردوس الحياة الدنيا"؟!

إن هذا الوادي الجميل الرائع محاط بجبال تيان شان شمالا وجبال حصار آلاي جنوبا وطوله من الغرب إلى الشرق حوالي 300 كم وعرضه من الشمال إلى الجنوب حوالي 170 كم. أما ارتفاعه عن سطح البحر فهو في المناطق الغربية 330 مترا وفي المناطق الشرقية حوالي 1000 متر.

والمصدر الرئيسي للمياه في وادي فرغانة هو نهر "سردريا" وهو يقوم برى جميع حقول هذا الوادي وكذلك يشرب جميع السكان من هذا النهر العظيم ولغرض توسيع شبكة الري في الوادي أنشئت في بداية القرن العشرين قناة فرغانة الشمالية. أما في منتصف هذا القرن فقد تم افتتاح قناة فرغانة الكبيرة وقناة قرغانة الجنوبية وفي السبعينيات تم إنشاء قناة نمغان الكبيرة ومع ذلك أسست بحيرة "قيراق قوم"، المملوءة حاليا بالمياه وكل هذه الشبكات تساعد في توسيع الأراضي الزراعية ولرفع مستوى المعيشة لسكان هذا الوادي.

وفي الوادي توجد سبع مدن كبيرة وهن مدينة فرغانة ومرغلان ونمغان وخوقند وأنديجان وأوش وخوجند وسكان تلك المدن يشتهرون بمروءتهم وسخاوتهم. إن فتياته الجسر وفتياته ذوات الحياء والأخلاق الحميدة ونساء الحثاثة وشيوخه العقلاء الفضلاء والأجداد المحترمين والجدات هم أعظم وأعلى ثروة هذا الوادي. فكل بيت في هذا الوادي محترم مكرم بوجودهم فيه وكل مدينة وقرية مزدهرة بدعائهم وكل من يسكن هذا الوادي سواء كان شابا أو شيخا، فتاة كانت أو امرأة يفتخر بأنه واحد من سكان هذا الوادي العظيم!

أيها القارئ العزيز وأيتها القارئة المحترمة إننا نتمنى لكم زيارة وادي فرغانة فسترون كل ما أخبرناكم به بأعينكم وستأكدون عندئذ أن قولنا وكلامنا لا مبالغة فيه...

717-ماشқ. Йигирма олтинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ўрганинг ва ўзбекчага ўғиринг.

718-ماشқ. Йигирма олтинчи матндаги гапларни синтактик таҳлил қилинг.

719-машқ. Йигирма олтинчи матндан аниқловчи эргаши гапли, эга эргаши гапли, кесим эргаши гапли қўшима гапларни топинг ва уларнинг қандай шаклланганини тушунтиринг.

720-машқ. Йигирма олтинчи матндан тўлдирувчи эргаши гапли, шарт эргаши гапли қўшима гапларни ва шахси номаълум гапларни топинг ҳамда уларнинг шаклланиши қондасини тушунтиринг.

721-машқ. Йигирма олтинчи матндан фойдаланиб, ўзингиз яшаб турган водий (воҳа) ҳақида араб тилида баён ёзинг.

722-машқ. Қуйидаги бирикмаларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

أنغام الناي، يد القوة غير المعروفة، تلك الأيام السوداء، ميعاد قيام الطائرة، ضابط
الجوازات، القيادة السريعة، عصر السرعة، نهاية الكلام، إعداد القهوة، إدراك أسرار
هذه الأرض، عدم ارتياح من هذه المقابلة، انكماشات رقيقة، ذلك الفتى القروي، حرارة
الطقس، الطريق الموصلة إلى مزرعة القطن، هذه هي المرة الأولى، مطالعة بعض الكتب،
الشنون المنزلية، تسديد المبلغ المطلوب، الولد الصالح، مراجعة الدروس، ورشات
للعمل، الثقافة الشعبية، تعبيد الطرق، شق المجاري.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҚИСМ
ЯНГИ ИБОРАЛАР

ابن الأَطْرَشِ Ибн ул-Атраш

أَغْنِيَةُ النَّوْمِ алла

بِالتَّفْصِيلِ муфассал

بَعَثُ السُّرُورِ хурсандлик сабаб-
чиси

بِنْتُ الْبَحْرِ сув париси, русалка

خَزَائِنَةُ مَالِيَّةٍ молиявий хазина

ذُقَّةُ الْقَلْبِ юрак уриши

(тепиши)

رَجُلٌ عَمَلٍ тадбиркор

سُعَادٌ Суод

سَكِينَةُ اللَّيْلِ тун сокинлиги

شَدِيدُ النَّشَاطِ ўта ҳаракатчан

قَضَى لَوْعَةً кийналиб жон бермок

كُلُّ عَامٍ وَأَنْتُمْ بِخَيْرٍ янги йилингиз

(байрамингиз) муборак

бўлсин! (жавоби *بِخَيْرٍ*)

لَيْسَ مِنَ الْعَدْلِ أَنْ... адолатдан

эмаски,...

مَا شَاءَ اللَّهُ! қандай ажойиб!

مَحْضَةُ النَّصِيحِ самимий масла-

хат бермок

مَذْكُورٌ أَعْلَاهُ юқорида зикр

этилган

مَسَاءَ الْخَيْرِ хайрли оқшом!

(тилак)

مَسَاءَ النُّورِ хайрли оқшом!

(жавоб)

مَسْحَةٌ مِنَ الْجَمَالِ шунчаки гўзал-

лик

مَعَ شَدِيدِ الْأَسْفِ минг афсус!

مُقْتَبَلُ الْحَيَاةِ умрнинг гуркира-

ган пайти

مَنْ هُوَ ذَا у ўзи ким?!

مَهْمَا كَانَ الْحَالُ нима бўлса ҳам

تَوْبَةُ حُمَى безгак хуружи

هُوَ عَلَيَّ مَوْعِدٌ у кўришиши

керак, унинг учрашуви

бор

يُوسُفُ الْفَخْرِيُّ Юсуф ал-Фахрий

§ 185. ТҮСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошишига тўсқинлик қилади, лекин шунга қарамай, бош гапдаги иш-ҳаракат амалга ошган бўлади ёки амалга ошади.

Араб тилида тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам, бош гапнинг ўртасида ҳам келиши мумкин ва тўсиқсиз эргаш гап олдидан қуйидаги ёрдамчи сўзлар келиши мумкин:

1. وَإِن، وَإِذَا، وَمَا. Масалан:

إِنَّا نَعْرِفُ جُغْرَافِيَا الْبِلْدَانِ الْعَرَبِيَّةِ وَإِن لَّمْ نَزُرْهَا بُولСАК ХАМ, АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИНИ БИЛАМИЗ.

2. بِالرَّغْمِ مِنْ، بِالرَّغْمِ مِنْ، مَعَ أَنْ. Бу юкламалардан кейин эргаш гапнинг эгаси тушум келишигида келади. Масалан:

مَعَ أَنْ أَلْفَعَةَ الْعَرَبِيَّةِ صَعِبَةٌ نُحِبُّهَا جِدًّا ХАМ, БИЗ УНИ ЖУДА СЕВАМИЗ.

بِالرَّغْمِ مِنْ أَنَّهَا جَاوَزَتْ السَّبْعِينَ كَانَتْ مَمْلُوءَةً بِالنَّشَاطِ – У (МН) ЕТМИШДАН ОШГАН-ЛИГИГА ҚАРАМАЙ, СЕРҲАРАКАТ ЭДИ.

رَغِمَ أَنِّي كُنْتُ مَشْغُولًا جِدًّا حَضَرْتُ هَذِهِ الْحَفْلَةَ – Мен жуда банд бўлишимга қарамай, бу тантанада иштирок этдим.

3. وَلَوْ، مَهْمَا – юкламалари. Бу юкламалардан кейин феъл ўтган замонда ҳам, ҳозирги-келаси замонда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

أَنَا لَنْ أَعُودَ إِلَيْكَ مَهْمَا اسْتَرْحَمْتُ دَقَاتُ قَلْبِي – Мен сен томон ҳеч қачон қайтмайман, гарчи юрагим тепкилари ўтиниб сўрасалар ҳам (Қўшиқдан).

4. Булардан ташқари қуйидаги олмошлар ҳам тўсиқсиз эргаш гап олдидан боғловчи вазифасида ишлатилиши мумкин: **أَيُّمَنَ** – ким бўлса ҳам, **أَيُّمَا** – нима бўлса ҳам, **كَيْفَمَا** – қандай бўлса ҳам, **حَيْثَمَا** – қаерда бўлса ҳам, **مَتَى** – қачон бўлса ҳам. Масалан:

هَمُّ يُعْجِبُونَ النَّاسَ كَيْفَمَا لَعِبُوا – Қандай ўйнамасинлар, одамларга улар ёқаверадилар.

أَيُّمَنَ سَافَرَ مَعَنَا كَانَ مَبْسُوطًا – Ким биз билан сафар қилмасин, мамнун бўлади.

حَيْثَمَا كُنْتُمْ كُنْتُ مَعَكُمْ – Сизлар қаерда бўлманг, мен ҳам сизлар билан бўламан.

Амалий машғулот учун топшириқлар

723-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва тўсиқсиз эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) لم ينجح رضا في الامتحان بيد أنه لا يتخلف عن دروسه. 2) أما وقاري فهو مستمد من جمال تراه كيفما حوّلت عينيك. 3) اليوم قد خف الهواء وغمر النور الطبيعة وسكنت الأمواج وانقشعت الغيوم فكيفما نظرت أراك وأري أسرار الحياة محيطة بك كالهالات التي يحدثها جسم العصفور على وجه البحيرة الهادئة عندما يتحمم بمائها الهادئ.
- 4) ينادونني «الصفيرة» لست أدري لماذا؟ بيد أنني أكبر من بعضهم جسما وسنا. 5) مهما يكن من أمر فإن صاحب البيت اليوم مسرور، شديد النشاط لاستقبال ضيوفه. 6) كانت نفيسة ترفع بصرها بين الحين والآخر نحو مالك الذي كان ينظر إلى الأرض مجتهدا أن لا تنزلق منه أية نظرة نحوها بالرغم من أنه كان يحس وجودها أكثر مما ينبغي ويجد لذلك لذة خفية لا تقدر. 7) أفكر في موضوع وأتحدث عن آخر دون أن أعرف هذه الرابطة العجيبة

بين نفسي ولساني. 8) أخذ الطاهر قصة «الوسادة الخالية» فمسكها بين يديه مدة دون أن ينظر إليها أو يفتحها. 9) هناك شيء آخر يتعلق بحياة الحاج أحمد: أيامه لا تقصر ولا تطول مهما اختلفت الفصول. 10) قولي له يا أمي لن أتزوج ولن أنقطع عن دراستي سأعود إلى الجزائر مهما كان الحال. 11) ضحكت الفتاة من هذا العطف الغريب الذي أبداه لها الراعي وتعجبت من انفتاح نفسه لها مع أنها لأول مرة تحدثه. 12) إن الأرض مهما كانت جميلة أو قاحلة لا أهمية لها بلا بشر. 13) كانت الرسوم سوداء من صبغة أعدتها هي لا تزول مهما قدمت الآنية واستعملت. 14) جلست العجوز تستريح بيد أن الجلوس لم يرحها. 15) إن الفناجين والكؤوس ولو أنها متشابهة في الظاهر فهي لدى عمي الحاج ذات شخصيات مستقلة. 16) مهما كانت عيوب هذا الرجل فهناك خصلة يتميز بها لا يمكن أن يناقش فيها أحد وهي أنه رجل عمل وإقدام. 17) كانت رحمها الله تحب أن تكون دائما سببا في بعث السرور والأمل مهما اشتدت الرزايا. 18) إن هواء المدن يضيء على صاحبه مسحة من الجمال ولو لم يكن جميلا. 19) ولكنك من جهة الصلة الدموية أنت القريب الوحيد ويجب أن تتولى ما خلفته الفقيدة ولو كان قليلا. 20) ولما وصلت الطالبة إلى الجملة المذكورة أعلاه توقفت عن المطالعة بالرغم من أن المقال لم ينته.

724-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Агар Сиз (мз.) телефон рақамимни билсангиз, банд бўлсангиз ҳам, эртага эрталаб соат саккизда менга телефон қилинг. 2. Талаба дўстларимиздан ҳали ҳеч ким етиб келмаган бўлса ҳам, бошқа шаҳардан келган меҳмонлар залда кўпчилик эди. 3. Поезднинг чиптаси чўнтагимда бўлса ҳам, мен вокзалга жуда эрта етиб келдим. 4. Мен ишдан қанчалик чарчаб қайтмайин, фарзандларимни кўриб, барча чарчоқларим чиқиб кетади. 5. Гуруҳимизга бу йил бошида кўшилган янги толибани ичимиздан ҳеч ким ёмон кўрмаса ҳам, у бизга

кўшилиб кетол-мади. 6. Бу ўқув предмети жуда қийин бўлса ҳам, мен уни дилдан севиб қолдим. 7. Бобом етмиш ёшдан ошган бўлсалар ҳам, анча тетик ва бардам кўринадилар. 8. Синглим бемор бўлиб, ҳарорати анча баланд бўлишига қарамай, мактабга кетди. 9. Ёмғир тинмай ёғиб турганига қарамай, футбол мусобақасини кўргани стадионга жўнадик. 10. Араб тилини қанчалик яхши билмайлик, биз шуғулланишни давом эттиришимиз керак. 11. Ўзбекистон фуқароси қаерда бўлмасин, ўз юртининг манфаатини ҳимоя қилиши керак. 12. Сиз (*ми*) унга (*мз.*) бу ҳақда ҳеч нарса деманг, гарчи у буни Сиздан қаттиқ туриб талаб қилса ҳам. 13. Мен Тошкентда икки йилдан буён яшаётган бўлсам ҳам, Санъат музейини бориб кўрганим йўқ. 14. Мен қанчалик ҳаракат қилмайин, эртага эрталаб соат тўққизда сиз (*мз.*) билан учраша олмайман. 15. Мен араб тилидан дарс берадиган устозимни жуда ҳурмат қилсам ҳам, устознинг айрим фикрларига кўшилмайман. 16. Мен Сиз (*мз.*) ҳақингизда жуда кўп эшитган бўлсам ҳам, Сиз билан учрашиш менга насиб этмаган эди.

§ 186. ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи эргаш гап пайт эргаш гап дейилади. Араб тилида пайт эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Пайт эргаш гап куйидаги ёрдамчи сўзлар билан бошланади:

1. *بَيْنَمَا*, *حِينَ*, *إِذَا*, *لَمَّا*, *عِنْدَمَا*, *حِينَمَا* - бу ёрдамчи сўзлар бош гап билан эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бир вақтда содир бўлганлигини билдиради. Масалан:

عِنْدَمَا قَرَأْتُ الْكِتَابَ كَانَ صَدِيقِي يَكْتُبُ الرِّسَالَةَ لَأَمِّهِ - Мен китоб ўқиётганимда, дўстим онасига хат ёзаётган эди.

لَمَّا اقْتَرَبَ مِنِّي حَسَسْتُ أَنَّهُ سَكْرَانٌ - У менга яқинлашганида, унинг маст эканлигини сездим.

2. كَلَّمَا – ёрдамчи сўзи ҳам шу маънодаги эргаш гапни билдиради. Лекин у эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бир неча марта такрорланганлигини билдиради. Масалан:

كَلَّمَا جِئْتُ إِلَيْهِ كَانَ يَقْرَأُ كِتَابًا أَمْ مَجَلَّةً - Ҳар сафар уникига келганимда, у китоб ёки журнал ўқиётган бўларди.

Шу маънода فِيمَا ёрдамчи сўзи ҳам ишлатилади, лекин бунда пайт эргаш гап от кесимли гапдан иборат бўлиши керак. Масалан:

فِيمَا نَحْنُ خَارِجَ الْقَرْيَةِ رَأَيْنَا النَّهْرَ - Биз қишлоқдан ташқаридалигимизда дарёни кўрдик.

3. مِنْذُ أَنْ، بَعْدَ مَا، بَعْدَ أَنْ - ёрдамчи сўзлари бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги иш-ҳаракатдан кейин содир бўлганлигини билдиради. Масалан:

تَعَرَّفْتُ بِهِ بَعْدَ مَا وَصَلْتُ إِلَى طَشْقَنْدَ - Тошкентга келганимдан кейин у билан танишдим.

4. Бош гапдаги иш-ҳаракат пайт эргаш гапдаги иш-ҳаракатдан олдин содир бўлса, قَبْلَ أَنْ، قَبْلَ إِلَى каби ёрдамчи сўзлар ишлатилади. Масалан:

قَبْلَ أَنْ قُلْتُ لَهُ عَنْ هَذَا فَكَّرْتُ طَوِيلًا - Буни унга айтишдан олдин узок ўйладим.

5. مَا أَنْ...حَتَّى - ёрдамчи сўзи пайт эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг тугаши биланоқ бош гапнинг иш-ҳаракати

бошланишини билдиради ва **مَا أَنْ** қисми пайт эргаш гап, **حَتَّى** қисми бош гап олдига қўйилади. Масалан:

— **مَا أَنْ سَمِعُوا عَنْ هَذِهِ الْمُبَارَيَاتِ حَتَّى ابْتَدَؤُوا الْإِسْتِعْدَادَ لَهَا** – Бу мусобақалар ҳақида эшитишлари биланок, унга тайёргарликни бошлаб юборишди.

6. Баъзан пайт эргаш гап бош гапга вақтни билдирувчи **يَوْمَ**, **سَنَةً**, **سَاعَةً**, **دَقِيقَةً**, **لَيْلَةً** каби сўзлар билан ҳам боғланади. Бунда мазкур сўзлар ноаниқ ҳолатда танвинсиз тушум келишигида келади. Масалан:

— **كَانَ فَجْرًا بِاسْمًا فِي مُقَلَّتِي يَوْمَ أَشْرَقَتْ مِنَ الْغَيْبِ عَلَيَّ** – Ғайбдан олдимга ҳозир бўлганинг куни кўзларим олдида кулиб турган тонг эди (Кўшиқдан).

Амалий машғулот учун топшириқлар

725-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва пайт эргаш гапларни аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) **يَأْتِي الْمَسَاءُ فَتَضُمُ الزَّهْرَةُ أَوْرَاقَهَا وَعِنْدَمَا يَأْتِي الصَّبَاحُ تَفْتَحُ شَفْتَيْهَا لِاقْتِبَالِ قَبْلَةِ الشَّمْسِ.** (2) **قَدْ اصْفَرَّتْ أَوْرَاقُ الْأَشْجَارِ وَنَفَرَهَا الْهَوَاءُ كَأَنَّهُ يَرِيدُ أَنْ يَكْفِنَ بِهَا أَزْهَارًا قَضَتْ لَوْعَةً عِنْدَمَا وَدَّعَهَا الصَّيْفُ.** (3) **مِنْ هَذِهِ الْعُنَاصِرِ الْمُتَحَارِبَةِ بَعْنَفٍ سَوْفَ تَجْنِي يَا حَبِيبِي الْأَزْهَارَ الْجَمِيلَةَ عِنْدَمَا يَجِيءُ نَيْسَانَ.** (4) **فِي تِلْكَ السَّاعَةِ الْمَمْلُوءَةِ طَهْرًا وَجَمَالًا بَيْنَمَا كَانَ الْإِنْسَانُ مُسْتَرًا طَيَّ لِحْفِ الْكُرَى تَنْتَابُهُ الْأَحْلَامُ تَارَةً وَالْيَقِظَةُ أُخْرَى كُنْتُ مَتَوَسِّدًا الْأَعْشَابَ أَسْتَفْسِرُ كُلَّ مَا أَرَى عَنِ حَقِيقَةِ الْجَمَالِ.** (5) **بَيْنَمَا كُنْتُ عَلَى هَذِهِ الْحَالَةِ مَرَّ النَّسِيمِ بَيْنَ الْأَغْصَانِ مَتَهْدًا تَهْدُ يَتِيمَ يَأْسٍ.** (6) **أَيْنَ أَنْتَ الْآنَ يَا رَفِيقَتِي؟ هَلْ أَنْتَ سَاهِرَةٌ فِي سَكِينَةِ اللَّيْلِ نَسِيمًا أَحْمَلُهُ دَقَّاتِ قَلْبِي وَخَفَايَا جَوَارِحِي كَلِمًا هَبْ نَحْوَكُ؟** (7) **عِنْدَمَا أَكْمَلُ**

الليل تنميق ثوب السماء بجواهر النجوم تصاعدت من وادي النيل حورية مخوفة بأجنحة غير منظورة. (8) لما أخذ المحب يد حبيبته ونظر إلى عينيها حملت الرياح والأمواج هذه المناجاة إلى جميع الأقطار. (9) الذي أحببته عندما كنت صبيا ما زلت أحبه الآن والذي أحبه الآن سأحبه إلى نهاية الحياة. (10) عانق النوم أرواح البشر فبقيت وحدي مستيقظا لأن الشوق ينتشلني كلما أغرقني العاس والمجة تدنيني إليك عندما تقصيني الهواجس. (11) كم رقصت حول بنات البحر عندما كن يظلعن من الأعماق ويجلسن على الصخور ليتفرجن على النجوم. (12) عندما ملت نفسي البشر وتعبت أجفاني من النظر إلى وجه النهار سرت إلى تلك الحقول البعيدة. (3) أنا مثلك أيها الليل ولن يأتي صباحي حتى ينتهي أجلي. (14) كلما ظهر في الشرق مرض جديد يكتشف له أطباء الشرق مخدرا جديدا. (15) كان يوسف الفخري في الثلاثين من عمره عندما ترك العالم وما فيه وجاء ليعيش وحيدا متزهدا صامتا في تلك الصومعة المنفردة القائمة على كتف الوادي في شمال لبنان.

726-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Янги ўқув йили бошланганида, биз ҳаммамиз турли шаҳар ва қишлоқлардан Тошкентга келиб бўлган эдик. 2. Юсуф Ал-Фахрий қирқдан ошганида, ўзи туғилган шаҳарга қайтиб келди. 3. Фарида иш кунини тугатган ондаёқ, кийимларини алмаштиради ва уйига жўнай-ди. 4. Тоғам дам олиш учун Кавказга кетаётган кунини барча қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари унинг уйига тўпланишди. 5. Талаба йигитлар университетнинг асосий эшиги ёнида туришганида, Фотима уларнинг ёнидан шошилиб ўтиб кетди. 6. Бир ҳафтадан кейин дўстимнинг уйига келганимда, уни уйда учратолмадим. 7. Қуёш тоғлар ортидан кўтарилмай туриб, биз нонушта қилиб бўлган эдик. 8. Акам Каримжон ҳарбий хизматга кетгач, онам бир ойча бошқачароқ бўлиб

юрдилар. 9. Навфал эндигина кўлига пиёлада сутли қаҳва олган эди, таржимон қиз уни сўраб қолди. 10. Ўқитувчи опа аудитория ёнидан ўтиб кетаётганида, талабалар уни ўраб олдилар. 11. Аҳмад келиб кўча эшигини тақиллатганида, соат тундаги бирдан чорак ўтган эди. 12. Салима сув тўлдирилган пақирни жойига қўйган чокда, ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. 13. Бир куни мактабдан қайтиб келсам, ҳовлимизда иккита бегона одам турипти. 14. Мен теплоходга чиққан пайтимда, турли миллат вакиллари мени ўраб олишди. 15. Мен ўша собиқ толиба билан қўл бериб сўрашганимдан кейин, қишлоқдаги ҳаёти, иши, турмуш шароити ҳақида сўрадим.

§ 187. ҲОЛ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ҳол эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракат объекти ёки субъектининг шу иш-ҳаракат бажарилаётган пайтдаги ҳолатини бил-диради. Шунингдек, эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бош гапдаги иш-ҳаракат билан бир вақтда содир бўлаётганлигини ифодалайди. Ҳол эргаш гап бош гапдан кейин келади. Ҳол эргаш гап бош гапга бирор ёрдамчи сўз орқали ёки бевосита бирикади:

1. Эргаш гап билан бош гапнинг эгаси битта шахс ёки предмет бўлса, эргаш гап *و* боғловчиси ва эгага мос келувчи кишилиқ олмоши билан бошланади ва бунда эргаш гапдаги феъл ҳозирги-келаси замонда бўлади. Масалан:

خَرَجَ مِنَ الْكَلْبَةِ وَ هُوَ يَحْمِلُ الْكِتَابَ فِي يَدِهِ – У кўлида китоб ушлаганича факультетдан чиқди.

2. Агар эргаш гап билан бош гапнинг эгаси битта шахс ёки предмет бўлмаса, эргаш гап **وَ** боғловчиси ва **قَدْ** юкламаси билан ўтган замон феъли шаклида келади. Масалан:

قَالَ وَ قَدْ لَمَعَتْ عَيْنَاهُ بِفِكْرَةٍ أُخْرَى – Кўзлари бошқа бир хаёл билан чакнаган ҳолда деди:...

3. Ҳол эргаш гап от кесимли гапдан иборат бўлса, бош гап билан **وَ** боғловчиси ёрдамида бирикади. Масалан:

جَرَتْ هَذِهِ الْوَقَائِعُ وَ الْحَرْبُ قَائِمَةٌ – Бу воқеалар уруш кетиб турган пайтда содир бўлди.

قُلْتُ وَ دَمَعِي جَارٍ عَلَى خَدَّيْ – Кўз ёшим юзимга оққани ҳолда дедим:...

4. Агар ҳол эргаш гапдаги феъл ҳозирги-келаси замонда бўлса, **وَ** боғловчиси ишлатилмайди. Масалан:

دَخَلَتْ عَلَيْهِ تَبِكِي – У (мн) йиғлагани ҳолда унинг (мз) олдига кирди.

Амалий машғулот учун топшириқлар

727-машқ. Куйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ҳол эргаш гапларни топиб, уларнинг қандай шаклланганини тушунтиринг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) بكى الفتى لوحده وانفراده ثم مرّت ساعات حبه أمام عينيه مرور الأشباح فقال وعواطفه تسيل مع كلماته ودموعه... 2) كيف لا نبكي ويد الإنسان القاسية سوف تفصلنا عن وطننا الحقل؟ 3) أرى بعينيك حزنا يا حبيبي أتخزن وأنت بقربي؟ 4) هل تجلس

الأم بجانب سرير رضيعها مرتلة بحدوء أغاني النوم وهي لا ترتجف وجلا مما سيجلبه الغد؟
 5) إن العالم بحاجة ماسة إلى أمثالك وليس من العدل أن تعتزل عن الناس وأنت قادر على
 نفعهم. 6) خطرت ببالي فكرة قديمة وهو يرى نافذة حجرة نفيسة ما تزال مغلقة.
 7) فتحت العجوز الباب فرأت سعادة تبكي. 8) بقيت البنت في فراشها وشعرت بلذة
 غريبة تشبه ما تجده الأم وهي ترضع صغيرها. 9) قالت ذلك وانصرفت إلى شؤونها وهي
 تتمم بينها وبين نفسها. 10) كانت زليخة كالوردة ذهبت حياتها وهي في مقتبل الحياة
 ذهبت ضحية بريئة. 11) فكّرت جدتي أن تنصرف فوضعت يديها على الأرض لتستعين
 بها على القيام وقالت وهي منحنية: ... 12) كانت تتحدث إلى العجوز وعضلات وجهها
 تنقبض وتنطلق مما زاده حيوية وسحرا. 13) ليس هناك فتاة فيمن تعرف لها حاجبان
 كثيف شعرهما بهذه الصورة! ومع ذلك فهما في هذا الوجه نموذج فد للجمال! وحركات
 يديها وهي تتكلم ... 14) خرج الرجلان واتفقا على أن يلتقيا في الغد وقال أحدهما وهو
 يودّع الآخر: ... 15) إن أبا بكر أحس وهي تنظر إليه أنها تكن له الكثير من الإعجاب.
 16) دخلت المضيئة تحمل بين يديها فنجان قهوة.

728-ماشқ. Қўлидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Синглим қаерга боришини ва нима қилишини билмай, ўтирган жойида хаёл сура бошлади. 2. Қўлида коптоги билан кўчага бир бола-кай чиқди, орқасидан туфлисини ушлаганича онаси югурди. 3. Опа-сингилларингга ёрдам бериш кўлингдан кела туриб, улардан ўзингни чеккага тортишинг (мз.) ҳар ҳолда яхши эмас. 4. Дўстим ўзича ғўлдираганича нариги хонага кириб кетди. 5. Мен бу ёши улуғ одамга тикилар эканман, беихтиёр раҳматли дадам эсимга тушдилар. 6. Укам юзларидан тер оққани ҳолда, менга яқинлашди ва қўлидаги сумкани менга узатди. 7. Кўлда сув совук

бўла туриб, чўмилишни орзу қиляпсизми (мз.)?
 8. Мева-чева тўла пақирни кўтаргани ҳолда, кўшним бо-
 зордан чиқаётган эди. 9. Хижолатдан юзлари қизарган
 ҳолда, укам жим турарди. 10. Ўқитувчимиз эшикни ёпа
 туриб, талабалардан сўради: «Ҳаммангиз шу ердами-
 сизлар?». 11. Тун қоронғуси тарқамай туриб, деҳқонлар
 далаларига отланадилар. 12. Она ўғлининг икки юзидан
 ўпар экан, севинчдан кўзлари ёшга тўлди. 13. Бобом
 кўзларини юмгани ҳолда, ёшлик йилларини хотирла-
 мокда эдилар. 14. Мен эрталаб нонушта қилаётиб, кеча
 факультетимизда бўлиб ўтган адабий кечани кўз
 олдимга келтирдим. 15. Дўстларимдан бири учинчи
 курс талабаси бўла туриб, халқаро илмий конферен-
 цияга таклиф этилди.

729-машқ. *Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва
 ибораларини ёдланг:*

- مساء الخير يا توفيق!
- مساء النور يا أسامة، أهلاً وسهلاً!
- كيف حالك؟ أ مسرور أنت؟
- أشكرك، الحمد لله، أنا مسرور جداً بقدمك إلينا.
- ما أجل هذه الطفلة. من هي؟ هل لك بنت؟
- لا، ليست لي بنت. هذه هي بنت عمي، جاءت إليّ أمس.
- ما شاء الله! مع من جاءت؟
- جاءت مع أخيها الكبير.
- من هو أخوها؟
- أخوها طبيب في المستشفى، يعمل هناك منذ سنتين.
- من أي معهد أو جامعة تخرج أخوها؟

- هو خريج معهد الطب في سمرقند.
- من هي زوجته؟
- زوجته مربية في روضة الأطفال.
- أين يسكنون؟
- هم يسكنون في شارع الاستقلال.
- بمَ يشتغل عمك؟
- عمي يعمل في مصنع الأجهزة الكهربائية. مالك، تنظر إلى ساعتك؟ هل أنت على موعد مع أحد؟
- نعم، أنا على موعد مع صديقي بهرام في النادي.
- ماذا تفعل هناك معه؟
- سأبحث معه في بعض المسائل المهمة وبعد ذلك سأقرأ مجلات وجراند وسألعب بالشطرنج.
- ألا تسمع فيه المحاضرة؟
- أية المحاضرة؟
- المحاضرة عن الأحداث العالمية الأخيرة.
- لا، لأن هذه المحاضرة قد ألغيت. هل تذهب معي إلى النادي؟
- لا، مع شديد الأسف ليس لي وقت للذهاب إلى هناك.

(Б.З. Халидовнинг «Учебник арабского языка» китобидан айрим ўзгартишлар билан).

730-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

- Сиз эрталаб нечада турасиз, дўстим?
- Мен ҳар куни соат олтида тураман.
- Гимнастика билан шуғулланасизми?

- Албатта, хонани шамоллатиб, сўнг тоза хавода гимнастика қиламан. Ёз ойларида эса, ховлига чиқаман.
- Эрталаб қай вақтда нонушта қиласиз?
- Соат ўн минут кам еттида нонушта қилишга ўтираман.
- Дарс машғулотларингиз эрталабми ёки пешиндами?
- Биз эрталаб ўқиймиз.
- Дарс тайёрлаш учун неча соат ажратасиз?
- Дарс тайёрлаш учун икки соат, баъзан ундан ҳам кўп вақт ажратаман.
- Кутубхонага ҳам борасизми?
- Албатта. Тушдан кейин икки-уч соат кутубхонада бўламан.
- Кечки овқатдан сўнг нима қиласиз?
- Кечки овқатдан сўнг дарс тайёрлайман, бадиий китоб ўқийман, баъзан телевизор томоша қиламан.
- Қайси фанларга кўпроқ қизиқасиз?
- Мен араб адабиёти тарихига қизиқаман. Шунинг учун бу фанга доир китобларни кўп ўқийман.
- Сиз кун тартибига риоя қиласизми?
- Ҳа, мен кун тартибига риоя қиламан.

731-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Янги квартирага мос бўлган янги мебель; отабоболаримиздан қолган урф-одатларимиз; «Води-л-мулук» ёдгорлиги; актуал муаммо-ларга бағишланган маъруза; Англия Фанлар Академияси; Бирлашган Араб Амирлиги; нефть ва газ саноати; бу йилги ҳаж зиёрати;

озик-овқат магазини; магазиннинг қандолат бўлими; университетимизнинг янги ўқув корпуси; халқаро кўр-газма; чекиш саломатлик учун хавфли-дир; Шарқий Осиё мамлакатлари; ота-онани ҳурмат қилиш; томирларимдаги қонни оловга айлантираётган нарса; замонамизнинг машҳур арабшунослари; суғориш тармоғи; йўл ҳаракати полицияси; Сизларнинг шарофатингиз билан; кўпи билан.

§ 188. ЎРИН ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирадиган эргаш гап ўрин эргаш гап ҳисобланади. Ўрин эргаш гап араб тилида бош гапдан кейин келади ва *حَيْثُ* *أَيْنَمَا*, *حَيْثُمَا*, *مِنْ حَيْثُ*, *إِلَى حَيْثُ*, *حَيْثُ* каби ёрдамчи сўзлар воситасида шаклланади. Масалан:

دَرَسَ أَحْمَدُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ فِي طَشْقَنْدَ حَيْثُ وَجَدَ مُدْرَسِينَ مَاهِرِينَ – Аҳмад араб тилини Тошкентда – маҳоратли ўқитувчиларни топган жойда ўрганди.

بَعْدَ فَطُورِي تَوَجَّهْتُ إِلَى حَيْثُ ذَهَبَ مُحَمَّدٌ – Нонуштадан кейин Муҳаммад кетган томонга йўл олдим.

Амалий машғулот учун топшириқлар

732-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, бош ва эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) هذه الخصلة الكثيفة الناعمة المرسلّة على الجهة اليسرى من الصدر حيث تقوس قليلا ثم تنزل إلى الحزام الأبيض اللامع الجميل. 2) تسلل الراعي من مجرى الوادي حيث

يتكاثف ظل الأشجار. 3) بدون أن يشعر التفت الصياد إلى الربوة الواقعة في الضفة المقابلة حيث الكوخ الذي تنام فيه أمه. 4) كان القمر قد توسط السماء فلم تبد له مغامرة اقتحام السور هينة ورجع إلى مكان ظليل حيث تلتقي زاوية غرفة صديقه مع زاوية غرفة أخرى واكتشف أن الدخول من هنا أيسر بكثير من اقتحام السور. 5) اتجهت عمي إلى الصندوق الأسود حيث تخزن كل ما هو ثمين عندها. 6 هو ورفاقه استشهدوا وآخرون غادروا القرية إلى المدينة حيث استأنفوا حياة جديدة. 7) لنجلس بقرب تلك الصخرة حيث يختبئ البنفسج تحت الورود البيضاء والحمراء. 8) على ضفة ذلك النهر في ظل أشجار الجوز والصفصاف جلس ابن زراع يتأمل المياه الجارية بسكينة وهدوء. رُبي هذا الفتى بين الحقول حيث يتكلم كل شيء عن الحب، حيث الأغصان تتعانق والأزهار تتمايل والطيور تتشعب، حيث الطبيعة بأسرها تركز بالروح. 9) فتى وفتاة أتيا من جهة الحقول حيث أكواخ الفلاحين في المزارع. 10) محضتي النصح والنصح طيف يسير بالنفس إلى مرتع الخيرة ويقودها إلى حيث الحياة جامدة كالتراب. 11) هل تذكرين يا حبيبتى ذلك الروض حيث وقفنا وكلانا ناظر وجه حبيبه. 12) في شمس إبريل سحر ليس تعرفه بقية الشهور لا سيما في المدن المكتظة بالسكان حيث يقضي الناس الشتاء وكأفهم في حصار. 13) حدث الشيخ للطلبة عن عيشة الفلاحين في قريته البعيدة من حيث جاء إلى العاصمة منذ أسبوعين. 14) بعد فطوري توجهت إلى حيث قد ذهب محمد. 15) هو لا ينوي العودة من حيث أتى. 16) إذا أردت أن تشتري التذاكر لقطار طشقند - نمنغان فاذهب إلى محطة السكة الحديدية حيث يمكنك أن تعرف كل المعلومات عن موعد ذهاب هذا القطار بالتفصيل. 17) بعد التخرج من جامعة الدراسات الشرقية سنذهب إلى حيث يدعوننا الوطن. 18) يجب عليك أن تصل في الساعة الثامنة صباحا إلى حيث نجتمع لنقوم بالرحلة إلى ضواحي مدينتنا.

1. Биз Карим туғилиб, вояга етган шаҳар ҳақида гапирганимизда, у бу шаҳарнинг мамлакатимиздаги энг йирик саноат марказларидан бири эканини қайта-қайта таъкидлайди. 2. Яқинда Ўзбекистон ёзувчиларидан ташкил топган делегация буюк шоиримиз Алишер Навоий яшаб ижод этган Ҳирот шаҳрига борди ва у ердан олам-олам таассуротлар билан қайтди. 3. Бу йил ёзда буюк алломаимиз Имом Бухорий шарафига улкан меъморий мажмуа бунёд этилган зиёратгоҳга бормоқчи бўлиб турипмиз. 4. Ҳозир иккинчи курсда ўқиётган дўстимиз Жаъфар ўзи туғилган қишлоқ ҳақида жуда кўп гапиради. 5. Машғулотлардан кейин гуруҳимиз талабалари «Ўткан кунлар» янги фильми намойиш этилаётган «Баҳор» кинотеатрига кетишди. 6. Хотира кунни жамоатчилик вакиллари мустақиллик йўлида қурбон бўлган ота-боболаримиз дафн этилган қадам-жоларни зиёрат қилишди ва у ерга гуллар қўйишди. 7. Қаерда тинчлик, осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. 8. Катта кема қаёққа юрса, кичик кема ҳам шу ёққа юради. 9. Мен қаерга борсам, Сиз ҳам, Зиёвиддин, ўша ерга борасиз, биз доим бирга бўламиз. 10. Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади.

§ 189. САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Сабаб эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради. Сабаб эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин ва унинг олдидан қуйидаги ёрдамчи сўзлар келади:

فتح مسامعنا. 7) من يشارك أهله بالأسى والشدة يشعر بتلك التعزية التي يولدها الاستشهاد بل يفتخر بنفسه لأنه يموت بريئا مع الأبرياء. 8) لي رأي في الرابطة الأومية قد يحسبه بعض المفكرين غريبا لأن أصوله ونتائجه ليست من الأمور المحسوسة. 9) لقد كانت بإمكانني عبادة الله وأنا بين خلقه لأن العبادة لا تستلزم الوحدة والانفراد وأنا لم أترك العالم لأجد الله لأنني كنت أجد في بيت أبي وفي كل مكان آخر. 10) إني طلبت الخلو لأني مللت مجاملة الخشن الذي يظن اللطف ضربا من الضعف والتساهل نوعا من الجبانة والترفع شكلا من الكبرياء. 11) هنا يا بُنيتي لا يضرنا شرب القهوة لأنها عزيزة عندنا لا نشربها في كل وقت ثم ليس عندنا ما نشرب سواها. أما في المدن ربما تضر لأنهم يشربونها في كل وقت بمناسبة و غير مناسبة. 12) شكرت العجوز الأم و ابتها و أكّدت لهما أنها لا تستطيع البقاء لتناول الغداء إذ أنها أوصت أحد الجيران ليشتري لها من السوق بعض الأشياء.

13) من يرعى الغنم مكان هذا الراعي؟ هل الغنم تصوم اليوم لأن القرية في احتفال؟

14). عندما أحفر الطين لا أفكر في الغد القريب ولكن في الغد البعيد، البعيد... لأن التراب يجب أن يبس ثم يدق ثم يبل ثم تُبنى الأواني. 15). صحيح أنه توهمه غيبا ولذلك لم يشعر بأي ضيق أمامه. 16). قال أحد الفلاحين في تحد: أنت و الإقطاعية أعداء، نعرف هذا، لأنك تخاف على أرضك أما نحن الذين لا نملك شيئا فلا نخاف الإقطاعية ولا غيرها.

17) لم تنتظر الأخت إتمام الحديث الجاري بين أبويها فما سمعته كان كافيا لك كل منبع للأمل في نفسها. 18) بعد لحظات عاد إليها وعيها كاملا فأدركت أنها بحجرتها وقد كان مغمى عليها ولذلك كانت أمها إلي جانبها تسعفها.

735-машиқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Дўстим факультетга ҳар куни иккита автобусга ўтириб келади, чунки у ота-онаси, ака-укалари билан шаҳар четида яшайди. 2. Мен икки йилдан буён спорт билан шуғуллана олмаяпман, чунки бунга саломатлигим имкон бермай қўйди. 3. Худойберди, мен Сизни бу

таклифга розисиз деб ўйлабман, чунки Сиз унга қарши ҳеч нарса демадингиз. 4. Қурувчилар сўнгги пайтларда фидокорона меҳнат қилганлари сабабли бу улкан ҳашаматли сарой муддатидан ярим йил олдин қуриб битказилди. 5. Кеча биз футбол томоша қилгани стадионга боролмадик, чунки кун бўйи ёмғир тинмади. 6. Бу йил киш чўзилиб кетгани сабабли апрель тугаётган бўлса ҳам, дарахтларда барглар кўринмаяпти. 7. Дўстим Аҳмад касал бўлиб, касалхонада анча муддат даволанди, шунинг учун уни университетда кўрмаяпсиз (мз.). 8. Бу дугонангиз (мн) қолоқ бўлса ҳам, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, чунки унга дугоналари ёрдам беришди. 9. Боксинг саломатлик учун фойдаси жуда катта эканини билганим боис, мен у билан ҳар куни икки-икки ярим соат шуғулланаман. 10. Мен Мисрнинг қадимги тарихини яхши ўрганишни истайман, чунки шу мавзуда мен келажакда илмий иш қилмоқчиман. 11. Ҳаво жуда иссиқ бўлганидан, соат бешга режалаштирилган концерт кеч саккизга кўчирилди. 12. Университетимиз ректори илмий анжуманда иштирок этиш учун хорижга жўнагани сабабли, ўринбосарларидан бири ҳозир ректорлик қилмоқда. 13. Университет ётоқхонаси узоқда жойлашгани сабабли, кўпчилик талабалар биринчи соатга кечикиб келмоқдалар. 14. Бугун якшанба бўлгани сабабидан, кўчада транспорт анча кам, одамлар ҳам жуда кўп эмас. 15. Олма-ноқлар кўп мева қилганидан, дарахтларнинг шохлари синай-синай деб турипти.

§ 190. МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишидан кўзланган мақсадни билдирувчи эргаш гап мақсад эргаш гап дейилади. Мақсад эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. У бош гапга бирикиши учун қуйидаги ёрдамчи сўзлар ишлатилади:

كَيْلَا، أَلَا، لِنَلَا، حَتَّى، لِكَيْ، كَيْ، لَأَنَّ، لِـ

Масалан:

تَوَجَّهَ الطُّلَابُ إِلَى مِصْرَ لِيَدْرُسُوا هُنَاكَ أَلَلِّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ – Араб тилини ўрганиш мақсадида талабалар Мисрга жўнашди.

لِكَيْ تَفْهَمَ هَذَا الْمَوْضُوعَ يَجِبُ عَلَيْكَ أَنْ تَقْرَأَ كَثِيرًا – Бу мавзуни тушунишинг учун кўп ўқишинг керак.

نَظَرْتُ زَيْنَبُ إِلَى سَاعَتِهَا لِنَلَا تَتَأَخَّرَ عَنِ الْمِيعَادِ – Зайнаб учрашувга кечикмаслик учун соатига каради.

Амалий машғулот учун топшириқлар

736-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, бош ва эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) جاء إلى المقهى لا ليشرب القهوة ولا بغاية الجلوس فيها مع روادها بل لسمع ماجدًا من جديد في حياة القرية التي يسكن فيها أو بالقرى المجاورة. 2) لكي تقوم البلدية بكل ما ذكرت يجب أن تصير حكومة لها خزانة مالية. 3) قام من مصلاه واتجه إلى الدار فأمر زوجته أن تيقظ ابنه ليذهب إلى دار ابن الأطرش ويطلب منهم أن يأخذ راعيهم غنمه مع غنمهم للرعي في ذلك اليوم. 4) أنا آنية، أصلح للماء، للطعام، للزهور... انظروا إلى النار التي تلتهمني... إنما تصهري لأزداد جمالا! 5) من تصور يوما أنه يترك رعي الغنم بين عشية وضحاها فجأة وبلا سبب؟ لم يعطني حتى مهلة أسبوع لأبحث عنم يعوضه. 6) أكتب

رسالة أشرح فيها كل الأسباب التي دعثني إلى الانتحار، ثم انتحر ليكون انتحاري عبرة لمن بعدي. (7) خرجتُ من البيت في منتصف الليل لأري النجوم من وراء الغيوم. (8) ففني بي هنية لأري وجهك. (9) طلبتُ الوحدة لكي لا أري أوجه الرجال الذين يبيعون نفوسهم ليشتروا بأثامها ما كان دون نفوسهم قدرا وشرفا. (10) طلبتُ الانفراد لكي لا التقى النساء اللواتي يسرن ممدودات الأعناق غامزات العيون وعلي ثغورهن ألف ابتسامة وفي أعماق قلوبهن غرض واحد. (11) وصلتُ أختي إلى طشقند لتدخل جامعة اللغات العالمية بعد التخرج من المدرسة الثانوية. (12) أنا ما كنت في البلدان العربية أبدا وسأذهب هناك لأدرس اللغة العربية. (13) نظر الشيخ إلي ساعته لنأ يتأخر عن الميعاد مع صديقه. (14) يذهب الطلاب بعد دروسهم دائما إلى قاعة المطالعة ليقوموا هناك بواجباتهم. (15) في فصل الخريف نذهب إلى قرى جمهوريتنا لنساعد فلاحينا في جني القطن.

737-ماشқ. Қуйидаги гапларни мақсад эргаш гапли қўшма гап шаклида арабчага ўгиринг:

